

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАЛУАНОВА ХАЛИФА ДАРИБАЕВНА**

**ЭКОЛОГИК ТЕРМИНЛАРНИНГ  
ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Тошкент–2016**

**УДК:**  
**ББК**  
**Т**

П.Д. Палуанова. Экологик терминларнинг деривацион таснифи.Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 149 бет.

ISBN 978–9943–10–534–8

Мазкур монографияда экологик терминларнинг деривацион хусусиятлари таҳлил этилган. Шунингдек, турли тизимли тиллар мисолида экологик терминларни лексик, семантик, синтактик хусусиятлари атрофлича ўрганилган.

Рисола филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар, аспирантлар, илмий ходимларга мўлжалланган.

Маъсул муҳаррирлар: **Гуландом Боқиева**  
филология фанлари доктори, профессор

*Тақризчилар:* **Мухаммедова Саодат**  
филология фанлари доктори, профессор

**Қўлдошув Акром**  
филология фанлари номзоди, доцент

ISBN 978–9943–10–534–8

© «Fan va texnologiya», нашриёти, 2016.

---

## КИРИШ

Бугунги кунда глобал экологик муаммолар ечимини топишда илм-фаннинг кўп соҳаларига, шу жумладан, тилшуносликка оид билим ва тажрибага эга бўлиш биринчи даражали заруратга айланган. Экологияга қизиқиш атроф-муҳитни яхшилашга бўлган интилиш-истакнинг кучайиб бораётганлиги билан ҳам боғлиқ.

Экология бутун дунёда долзарб муаммога айланган. У ҳақдаги фан ҳам бугун муҳим аҳамият касб этмоқда. Олимлар бу борада инсоният тараққиёти йўналишини ўзгартириши, аниқроғи, бошқа хилдаги, яъни Она табиат билан уйғунликка олиб келувчи тадрижий ўзанга ўтиб олиши кутилмоқда, деган фикрни ҳам билдиришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, чунки улар давлат муҳофазасидадир”, деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва тамойилларига асосан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш механизмини тадрижий равишда ислоҳ қилиб, мунтазам равишда ривожлантириб бормоқда. Экологик хавф-хатарга бефарқ қараб бўлмайди. Инсониятга таҳдид солаётган хавф-хатар ниҳоятда кўп ва ўта хатарлидир. Экологик муаммолар шулар орасида энг муҳим ва долзарбларидандир. Ўзбекистон Республикаси экологик муаммоларни ҳал этишда дунёда пешқадамлик қилиб келмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисда сўзлаган нутқида: “экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади”<sup>1</sup>, -деб бежиз таъкидламаган эди.

Бугунги кунга келиб, экология муаммоси махсус фанлар тадқиқи доирасидан чиқиб, бошқа фан соҳаларининг ҳам тадқиқот

---

<sup>1</sup> Каримов И.А Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т., “Ўзбекистон”, 1999, 184-бет.

предметига айланди ва у нафақат эколог-мутахассислар, турли ижтимоий фан вакиллари, балки, файласуфлар ва тилшунослар эътиборини ҳам ўзига тортмоқда.

Экология биология, геология, гидрология, зоология, ботаника, география, органик ва ноорганик кимё каби фанлар ичидан мустақил бўлиб ажралиб чиққан ва ўзининг лексик фондига эга. Айнан шу ҳолат экология лексикасида ҳам ўз аксини топган. Эколексика ва экотерминларнинг асосий қисми табиатни асраш ва унга яқин турган (номлари юқорида келтирилган) соҳаларга алоқадор ҳисобланади.

Барча тилларда бўлгани каби ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам эколексика муайян дунёқараш ва техника тараққиёти ютуқларини ўзида акс эттирган, илмий асосланган тушунчалар ёки ҳатти-ҳаракатлар тизимини ифодалашга хизмат қилади. Инсониятнинг экология соҳасида тўплаган глобал тажрибаси шуни кўрсатадики, эколексика ва терминларнинг пайдо бўлиши ва ривожлантирилишида давлат, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий миқёсдаги ўзгаришлар муҳим ўрин тутди. Янги эколексиканинг пайдо бўлишида экология фани асосий нолисоний омил сифатида муҳим ўрин тутди.

Мавжуд терминлар ҳақидаги материаллар асосида тўпланган янги билимларни умумлаштириш натижасида экотерминларнинг интеграцион қатлами ҳам шаклланганлиги аниқланган. Бу рус, инглиз тиллари каби тараққий этган тиллардагина эмас, балки экотерминлари шу кунга қадар умуман кўриб чиқилмаган, ўрганилмаган ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам улардаги экотерминларнинг барча лисоний хусусиятларини аниқлаш, системага солиш, ясалиш ва бошқа хилдаги моделларини аниқлаштириш каби масалалар ҳозирги пайтга келиб янада долзарб тус олди. Бу шубҳасиз, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ҳудудларида, айниқса, охириги пайтлари экологик шароитнинг ёмонлашганлиги, аҳоли ўртасида экологик билимларнинг етарли даражада тарғиб қилинмаётганлиги каби бир қанча экстралингвистик сабабларга боғлиқ бўлиб қолган.

Турли системадаги тиллар экотерминларига муҳим ижтимоий-лингвистик тузилма сифатида қараш билан бирга, уларнинг ривожланиш даражаси ва хусусиятларини, жумладан, терминологик макондаги деривацион хусусиятлар кўп жиҳатлари бўйича тубдан фарқ қилишини эътиборга олиш зарур. Таққосланаётган тилларда сўз ясалиши— тилшуносликнинг алоҳида бўлими ҳисобланади. Унда

сўзларнинг тузилиши ва семантикасига оид тавсифлар ва уларнинг ясалиш усуллари ўрганилади.

Сўз муаммоси тилшуносликда энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Умумий тилшуносликда шу пайтгача ушбу лингвистик бирликнинг хусусияти ва табиатига нисбатан ягона қарашнинг мавжуд эмаслиги ажабланарли эмас. Бу кўпгина тилларга, шу жумладан, ўзбек ва қорақалпоқ тилларга ҳам тааллуқли.

Сўз семантик тузилишининг таснифи таркибий қисмларидаги ўзига хос жиҳатларни, уларнинг жойлашув тартибини, умумий тартибланишини, шунингдек, сўзнинг таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар хусусиятларини аниқлашни назарда тутди. Сўзларни ҳосил қилиш усуллари тил томонидан янги сўзларни ҳосил қилганда амалга ошириладиган ҳаракатларни ўз ичига олади.

Терминологик лексик бирликлар таркибини уларнинг муайян тузилиш турига мансублиги нуқтаи назаридан аниқлаш учун биз аффикс ёки ўзакни ажратиб олиш, яъни сўзни қисмларга бўлиш умумий ўзакка эга қатор ёки умумий аффиксга эга қатордан иборат бўлиши мумкинлигидан келиб чиқамиз.

Терминнинг морфологик кўринишига термин сўзларнинг фиксация соҳаси ва қўлланиш соҳаси муайян даражада таъсир кўрсатади. Фиксация соҳасида терминнинг тушунча билан алоқаси қўлланиш соҳасидагига нисбатан барқарорроқдир. Тушунчага оид воситаларни таърифловчи терминларни қўллашга кўрсатма берувчи фиксация соҳасида тушунчаларни ифодалашнинг энг тўғри воситаси от бўлиб, унинг ўзига хос лексик-семантик маъноси предметни ифодалашидадир. Фиксацияланган феъл терминлар иккала соҳада яқин. Одатда, бир ўзакли отлар борки, улар феълларнинг ўрнига ишлатилиши мумкин. Бу ҳолатда терминологик феъллар ўз маъносида барқарор тушуниладиган от терминлар билан боғлиқдир.

Экологик йўналишдаги илмий тадқиқотларнинг фаол олиб борилиши янги билимлар, маълумотларни аниқлаш имконини беради. Эндиликда экология фақат табиатгагина эмас, балки жамиятга тегишли кенг қамровли фан соҳасига айланиб қолди. Бугунги кунда инсон билимлари ва ижтимоий-иқтисодий соҳани экологик қонунларни ҳисобга олмасдан ривожлантириб бўлмайди. Бундан ташқари, экологик ҳодисалар ҳақидаги билимларнинг қисми бўлган ва функционал тарзда аниқланган терминларнинг

тушунчалари орқали ўз моддий ифодасини топган экология концептларининг таҳлили ҳам инсоният тарихида янги ривожланиб бораётган замоннинг экологик принциплари шаклланганлигидан далолат бермоқда. Буни экологик билимларнинг инсоннинг турли хил фаолият йўналишига мувофиқ кўпайиб бораётганлиги билан изоҳлаш жоиз. Объектив сабабларга кўра, Н.Крючкова таъбири билан айтганда “экологизациялашмоқда”<sup>2</sup>.

Маълумки, инсон фикрий фаолиятининг ҳар қандай натижаси лисоний белгида намоён бўлади ва мустақкамланади, яъни “сўздан айри ҳолда мавжуд бўлган ёки бўла оладиган ҳеч қандай ўй-фикр, жумладан тушунча ҳам йўқ. Ҳар қандай тушунча сўзда ёки сўзлар гуруҳида қатъийлашади, қайд этилади, ўз моддий ифодасини топади, сўзлар топилмагунча тушунчалар ҳам бўлмайди”. Тирик мавжудотларнинг олий, энг юқори вакили бўлмиш инсоннинг онгли ҳаёт кечира бошлаши қанчалик қадимий даврга бориб тақалса, унинг ўй-фикрлари натижасида юзага келган дастлабки тушунчалар, унинг ўша даврлардаги турмушда учраган, унга бевосита алоқадор нарса ва мазкур тушунчалар, нарса ва ҳодисаларни ўз билганича номлаган, яъни уларни маълум сўзлар билан атаган. Шу билан бирга, ҳар бир халқнинг тарихи у сўзлашадиган тилнинг тарихини ҳам ифодалаб, ҳар икки тарих ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлади. Тилнинг ўз қатламига мансуб сўзлар унинг шаклланиш даврида қандай нарсалар муҳим ўрин тутганини, тилнинг луғат таркиби эса халқ нима тўғрисида фикр юритганини кўрсатиб туради.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Тилшунослик соҳасидаги илмий изланишлар, авваламбор, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва унинг қўлланиш соҳасининг анча кенгайтирилгани, халқаро муносабатларда ишлатиладиган тиллар қаторига киритилиши кейинги йилларнинг бу борадаги улкан ютуғидир»<sup>3</sup>.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг тил эркинлигига алоҳида эътибор берилиши сабаб нафақат миллий, балки хорижий тилларни ўрганишга ҳам эътибор кучайди. Миллий тилнинг иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий, илмий-техник ҳамда халқаро терминларнинг истеъмолга кириши ҳисобига бойиши ва такомиллашуви ҳар қачонгидан жадаллашди.

---

2 Крючкова Н.Н. Лексико-семантические, словообразовательные и структурные особенности экотерминов в русском и немецком языках: Автореф. дис.канд. филол. наук. – Краснодар, 2006. С. - 10.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 55б.

Мустақиллик туфайли ўзбек тили давлат миқёсидаги тилга, бошқа давлатлар билан музокараларда қўлланиладиган, қонунлар яратиладиган, илмий-тадқиқот ишлари ёзиладиган тилга айланди. Ўзбекистон Республикасида юритилаётган мукамал тил сиёсати мамлакатимизда мавжуд халқлар тилларининг барқарор тараққий этишига барча шароитлар яратиб беришни кўзда тутди<sup>4</sup>.

Тил ижтимоий ҳодиса. У эгаллик қилаётган халқнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ривожланади ва бойиб боради. Шундай экан, жамиятда бўладиган ҳар қандай ўзгариш дастлаб тилда ўз аксини топади. Тилда юз берадиган ўзгаришларни тартибга солиш, умуман, тилнинг тўғри тараққий этишини таъминлаш тилшунослик фани олдидаги муҳим вазифалардандир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, экотерминлар лексик, семантик ва синтактик деривацион усулларда маълум моделлар асосида яратилади. Ҳар бир тилдаги эколлексиқа ва экотерминлар ўз фонди (заҳираси), эколлексиқа соҳасидаги деривация жараёни натижалари ва тамойилларига, мавжуд тушунчалар потенциалига эга.

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли// Ўзбекистон республикаси Олий мажлиси XI сессиясидаги маърузаси. “Мулқдор газетаси”. – Тошкент, 2003 йил 25 апрель.

---

# I-БОБ. ТИЛШУНОСЛИҚДА ТЕРМИНОЛОГИЯГА ДОИР ИЛМИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

## 1.1. Терминларнинг назарий асослари

Илмий билимларнинг барча соҳаларидаги улкан ютуқлар, уларнинг тезкор табақалашуви умумий илмий методологияни такомиллаштириш вазифасини дастуруламал қилиб, уни ишлаб чиқиш фаннинг концептуал аппаратини шакллантиришдан айро тасаввур этилмайди. Айти пайтда фан ва техника тараққиёти моддий натижаларининг янги номлари, турли-туман ижтимоий ўзгаришлар ташкил этган улкан сўз қатламини тартибга солиш зарурати пайдо бўлди. Бу ўз навбатида терминологик бирликлар пайдо бўлишига оид табиий жараёни тадқиқ этиш борасида катта ишлар олиб боришни талаб этди ва ни тадқиқ қилишнинг муҳим жиҳатига айланди.

Терминларнинг умумхалқ тили луғат заҳирасининг каттагина қатламини ташкил этиши ҳақида кўп тадқиқотчилар ўз фикрларини билдирганлар.<sup>5</sup> Терминологияга оид тадқиқотлар кейинги ўн йилликларда мамлакатимиз ва хорижий тилшуносликда етакчи ўрин эгалламоқда. Бунга қисман фан ва техниканинг шиддат билан ривожланиши, илмий-техникавий ахборот ҳажмининг ортиши ва натижа сифатида терминологик лексиканинг кенгайиши сабаб бўлмоқда. Бу эса терминларни ўрганиш соҳасида кўплаб илмий ишлар пайдо бўлишига олиб келди.

Турли мамлакатларда амалга оширилаётган терминологик фаолиятни таққослаш жараёнида пайдо бўладиган мураккабликлар нафақат алоҳида тилларнинг ўзига хослиги, балки терминларнинг миллий тиллар тизимидаги алоҳида ўрни билан боғлиқлигини кўрсатади. Шу тариқа, терминологик нуқтаи назардан тиллар турли даражада ривожланганлигини эътироф этиш жоиз.

Мутахассисларнинг илмий-техникавий ахборот соҳасига жалб этилиши ҳар қандай тилнинг илмий-техникавий терминология тизимида терминологик лексика, профессионал нутқ ва жаргонларнинг

---

<sup>5</sup> Қаранг: Татаринов В.А. Теория терминоведения: В 3т. Т.1. Теория термина: История и современное состояние. -М.: Московский лицей, 1996.-311с.; Суперанская А.В. Общая терминология. Терминологическая деятельность. - М.: УРСС, 1993. - 288с.; Реформатский А.А. Мысли о терминологии // Современные Проблемы русской терминологии. -М.: Наука, 1986. - С. 163-198.; Мишланова С.Л. Терминоведение XXI века: история, направления, перспективы//Филологические науки. - 2003.- №2.-С. 94-101.

кенгайишига хизмат қилади. Экология соҳасидаги янги тармоқларнинг вужудга келиши эса янги терминологик тизимлар шаклланишига олиб келади, бу эса мутлақ синоним-терминларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади, шунингдек терминологияни тадқиқ қилиш ва тартибга солиш масалаларини анчагина мураккаблаштиради.

Айрим терминологик бирликларнинг эскириб истеъмолдан чиқиши ва янгиларининг пайдо бўлиши экстралингвистик омиллар асосида вужудга келади. Мазкур масала тилшунос олим Б.Н.Головин ва Р.Н.Кобрина тадқиқотларида муайян даражада ёритилган бўлиб, мазкур жараён «Терминологик портлаш» деб аталган<sup>6</sup>.

Б.Н. Головин<sup>7</sup> томонидан ишлатилган *терминшунослик* сўзи терминлар ҳақидаги фан номи сифатида ишлатилади. Терминшунослик фанлараро фан бўлиб, тилшунослик ва предметшунослик чегарасида намоён бўлади, шунингдек логика, семиотика, информатика, тизимлар назарияси, социология, психология ва ҳ.к. интеграциялашади.

Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, терминлар ва нотерминлар ўртасидаги чегара жуда ҳаракатчан ва фан ҳамда техника соҳасида қўлланиладиган тушунчалар белгиларига боғлиқ. Бу, айниқса, кейинги пайтларда “ахборий жамият” шароитларида ёрқин намоён бўлмоқда. Фан ва техника ютуқларининг оммавийлашуви муносабати билан кўпгина терминлар умумий ишлатилладиган сўзларга айланади ва шу билан бирга тегишли терминологик тизимларда термин бўлиб қолади<sup>8</sup>.

«Термин» сўзининг ягона тушунилиши мавжуд эмас. Турли илмий фанлар вакилларида у ўзига хос тушунча ва тасаввурлар билан боғланади, турлича мазмун ҳажмига эга ва турлича таърифланади. Мантиқ, агар сўзга қатъий таъриф берилган бўлса, ҳар қандай сўзни (аниқроғи, исталган сўз билан боғланган тушунчани) термин сифатида кўриб чиқади.

Терминлар – фан, техника, санъат, инсон фаолиятининг бошқа соҳаларининг, турли йўналишларининг махсус номлари бўлиб, мутахассисларнинг профессионал мулоқотида умум қабул қилинган ҳисобланади.

---

<sup>6</sup> Головин Б.Н. Кобрин Р.Ю. Лингвистические основы учения о терминах.- М., 1987.-9 с.

<sup>7</sup> Головин Б.Н. Типы терминосистем и основания их различия//Термин и слово: Межвузовский сборник статей. - Горький: ГГУ, 1981. - С. 3-10.

<sup>8</sup> Қаранг: Дианова Г.А. Термин и понятие: проблемы эволюции. - М.: Еврошкола, 2000. - 184с.

«Катта энциклопедик луғат» да ушбу тушунчанинг қуйидаги таърифни келтиради: «термин-билим ёки фаолиятнинг махсус соҳаси тушунчасини билдирувчи сўз ёки сўз бирикмаси»<sup>9</sup>.

Кейинги тадқиқотларда *терминология* сўзи аниқ илмий ва техник соҳаларнинг терминлари жамламасини белгилаш учун, шунингдек, терминлар ҳақидаги фан номи сифатида ишлатилади.

Россия терминшунослигининг аксарият вакиллари терминларни асосий тилга киритишга мойил. Бироқ уларда ҳам бу масала бўйича ягона позиция шаклланмаган. Терминологиянинг умумий назарияси билан шуғулланар экан, А.В.Суперанская «термин» сўзининг барча мавжуд маъноларидан фақат биттасини ажратиб кўрсатди: «Термин – бу профессионал фаолиятда қабул қилинган ва алоҳида шароитларда ишлатиладиган махсус сўз (ёки сўз бирикмаси). Термин – бу профессионал билимларнинг муайян соҳаси тушунчалар тизимига кирувчи тушунчанинг сўз билан ифодаланиши. Термин- бу махсус мақсадлар учун мўлжалланган тилнинг асосий тушунчавий элементи. Ўз терминологик майдони ичида термин бир маънода қўлланилади. Турли майдонларнинг бир хил айтиладиган терминлари – омонимлардир. Ўзининг тўғри тушунилиши учун термин махсус дефиниция (аниқ илмий таъриф)ни талаб қилади»<sup>10</sup>.

“Термин – тузилишига кўра сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир”- дея таъкидлайди П.Нишонов.<sup>11</sup>

Кўп йиллар мобайнида терминология билан шуғулланган тилшунос, олим Т.Л.Канделаки – терминга қуйидаги қисқача ишчи таъриф беради: «Термин деганда тегишли тушунчалар тизимидаги ўз маъносини аниқлаш учун дефиниция қурилишини талаб этадиган сўз ёки лексикаллашган сўз бирикмаси тушунилади»<sup>12</sup>.

Тилшунос тадқиқотчи олимларимиздан И.Мирзаев қуйидаги фикрни илгари суради -“Термин” лотинча “terminus”- чегара, ҳад - деган маъноларни англариб, у билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига доир тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасидир. Ҳозирги кунда

<sup>9</sup> Большой энциклопедический словарь «Языкознание»/Гл. ред. В.Н. Ярцевой. - 2-е изд. - М.: Большая Российская Энциклопедия, 2000. –С. 508

<sup>10</sup> Суперанская, А.В. Общая терминология. - М.: УРСС, 2003. –С.56. - 246 с.

<sup>11</sup> Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типология тадқиқи. Номз.диссер...-Тошкент, 2009, 17 –б.

<sup>12</sup> Канделаки Т.Д. Семантика и мотивированность термина.-М., 1977. –С.7. -166 с.

«Термин» сўзи билан бир қаторда «атама», «истилоҳ» сўзлари ҳам айни маънода қўлланмоқда. Лекин улар «термин» сўзининг тўлиқ маъносини ифода эта олмайди. «Термин» сўзи кенг маънода қўлланилиб, географик объектлар, атоқли номларга нисбатан қўлланилса, «истилоҳ» сўзини эса «термин» маъносида асосан тарихий мавзулардаги матнлар (масалан: адабиёт тарихи, Шарқ фалсафаси ва б.) да бемалол қўллаш мумкин»<sup>13</sup>. Кузатганимиздек, И.Мирзаевнинг қарашлари юқоридаги фикрлардан бирмунча фарқланади. Давлат қурилиши ва бошқаруви терминологиясининг лингво-юридик тадқиқотчиси С.Усмонов, И.Мирзаевнинг фикрига қисман қўшилган ҳолда: “Термин грекча «terminos» сўзидан олинган бўлиб, чек, чегара маъноларини билдиради. Кейинги йилларда термин сўзи ўрнига атама сўзи қўлланылган. Бундай қўллаш хато ҳисобланади. Чунки, атама сўзининг маъноси термин сўзининг маъносига нисбатан кенг бўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, термин эса муайян бир соҳада қўлланылувчи расмийлашган сўздир. Шу маънода, термин тушунчаси атама тушунчасининг ичига кирувчи илмий-луғавий бирликдир»<sup>14</sup>.

А.А. Собурова терминларнинг қуйидаги асосий белгиларини кўрсатиб ўтади:<sup>15</sup>

1. Терминлар номинатив атамагина бўлиб қолмасдан улар дефинитив вазифа ҳам бажаради.

2. Термин – лексик таркибнинг асосий бирлиги у фан, техника, маданият, ижтимоий ҳаёт, саноат, қишлоқ хўжалиги ва х.к. га тегишли махсус тушунчаларни англатади.

3. Улар бир маъноли, моносемантик хусусиятга эга.

4. Термин маълум соҳага тегишли эканлиги билан ажралиб туради. Унинг қўлланилиш доираси кенг, тор доира билан чекланмайди ва шу жиҳати билан касб-хунар сўзларидан фарқланади.

5. Терминлар лексик таркибнинг энг ҳаракатчан, доим ўзгариб турадиган қатламидир.

6. Терминлар услубий жиҳатдан бетараф, яъни услубий бўёқдорликка эга эмас.

7. Терминлар расмийлаштирилган лексик бирликлар бўлиб, жамият томонидан тартибга солинади ва мувофиқлаштирилади.

8. Терминлар терминологик тизимни ташкил қилади.

---

<sup>13</sup>Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-Т., 2004, №- 8 - 396 б.

<sup>14</sup>Усмонов С. Юристинг нутқ маданияти.- Т., 2007. 28 - б.

<sup>15</sup> Собурова А.А. Қорақалпоқ тилида мусиқий терминлар. Филол.фанлари номзоди...дис. автореф.- Н. 2008.

9. Терминлар тузилиши бўйича сўз ва сўз бирикмаси тарзида бўлади.

Терминни тавсифловчи кўпгина жиҳатларнинг жамламаси яхлит, органик боғланган тизимдан иборат экан, бу тизимда барча муносабатлар ҳам тенг эмас, баъзилари ҳосила хусусиятига, бошқалари – аниқловчи хусусиятга эгадир. Ушбу томонларнинг бири-бири билан алоқаси усули, уларнинг изчиллиги ва тартиби мураккаб тизим - терминнинг тузилишини ташкил этади.

Терминни ўрганишга бўлган юқорида тавсифланган функционал ёндашув терминларнинг зарурий томонлари, хусусиятларини унинг бу тизим бошқа элементларига (термин элементлари, терминларга) ва умуман тилнинг бутун тизимига муносабати орқали аниқлашдан иборат.

Бироқ, ушбу объектнинг хусусиятлари унинг бошқа объектларга муносабатидан келиб чиқмаслиги, шунчаки бундай муносабатда намоён бўлгани боис, терминологик лексиканинг фаолиятини ўрганиш, гарчи тадқиқотчига кенг фактик материал бериб, терминологик бирликнинг ўзига хослигини кўрсатсада, ушбу ўзига хослик айнан нимадан иборат, унинг келиб чиқиши ва сабабларини аниқлашга йўл қўймайди. Терминологик лексик фаолият шарт-шароитларининг ўзи нафақат термин спецификасини вужудга келтиради, балки ундан келиб чиқади ва у билан асосланган.

Бошқа тил бирликларидан термин шу билан фарқланадики, унинг семантик кенглиги англлатувчига англатаётган маъносига нисбатан эртароқ белгиланади. У ёки бу тил шакли нимани англлатишини билмаслик мумкин, лекин тушунчани яхши тасаввур этган ҳолда уни қандай тил шакли акс эттиришини фаҳмлаш осон холос.

Терминга нисбатан бундай нуқтаи назар функционал ёндашув тарафдорлари томонидан шубҳа остига қўйилди. Термин - бу функция, лексик бирликнинг алоҳида тури эмас, балки лексик бирликни ишлатиш тури эканлиги исботланди<sup>16</sup>.

Биз тадқиқотимизда экологик терминологиянинг таҳлили жараёнида терминнинг функционал табиати ҳақидаги концепцияга асосланамиз, унинг натижаси экотермиларни адабий тилнинг функционал тури сифатида тан олинишидан иборат.

---

<sup>16</sup> Қаранг: Головин, Б.Н. О некоторых проблемах изучения терминов. История отечественного терминоведения. - М.: Моск. лицей.Т 2, кн. 1.-1955.-189 с.; Гринев СВ. Введение в терминоведение. -М.: Моск. лицей, 1993. - 309с.

Мазкур ишда биз терминни, унинг терминологик маъносининг асоси бўлган сўз сифатида тушунишдан келиб чиқмоқдамиз. Идеал ҳолатда терминлар - бу шундай сўзларки, уларнинг маъно жиҳатдан тузилиши билимларнинг муайян тармоғи билан боғлиқ мазмунлар билан кифояланади.

Терминни шундай тушунишдан келиб чиқиб, кенг доирада ишлатиладиган сўз сифатида ўзининг иккинчи даражали маъноларидан бирида фойдаланиладиган *шароит* каби бирликларнинг хусусиятини тушунтириш мумкин.

Тадқиқотимизда термин ва сўзнинг асосий мазмуни сўзнинг маъно жиҳатдан тузилишининг луғатда қайд этилган биринчи маъноси ҳисобланади. Замонавий фан термин ва терминологияларни шунчаки терминологик тизимлардан кўра кенгроқ тузилмалар элементлари сифатида кўриб чиқиш бунинг исботидир.

Терминология фаннинг тушунчалари тизимига мос терминлар тизими сифатида таърифланади. Тушунчаларнинг ҳар бир тизимига терминларнинг муайян тизими мос келади ва янги маълумотлар тўплангани сайин ривожланади.

Эколексикага оид бўлгани боис, терминологик лексикага оид бўлган жараёнлар таъсирига берилмаслиги мумкин эмас. Идеал ҳолатда термин бутун илм-фан ва техника соҳасидаги бир тушунча билан боғлиқ, уни тўлиқ акс эттирувчи, фақат шу терминологик тизимда вужудга келган ёки терминга айланган, ифодалашнинг муқобил воситалари (синоним)га эга бўлмаган, барқарор ва тизимли алоқалар билан тавсифланадиган термин бўлиши керак. Бундай идеал терминни реал мавжудлари билан таққослаганда шу нарса аён бўладики, бир қатор лексик жараёнлар терминологияда ўзига хос хусусиятларга эгадир.

А.Реформатскийнинг қайд этишича, термин – доимо бирор бир терминлогик гуруҳ аъзоси бўлади ва унинг доирасида маъноси аниқ тушунилади. Терминологик майдон унинг учун контекст ўрнини босади. Ўз терминологик майдонида термин-сўз аниқлик ва бир маънолик касб этади, унинг чегаралари ортида эса термин хусусиятини йўқотади<sup>17</sup>.

Терминологик майдон деган тушунчага батафсилроқ тўхталамиз, чунки усиз терминнинг ўзига хослиги аниқ белгиланмайди.

---

<sup>17</sup>Реформатский А.А. Что такое термин и терминология (1959-1961) // Татаринов В.А. История отечественного терминоведения. Классики терминоведения: Очерк и хрестоматия.-М., 1994.-С. 299-314.-408 с.

Термин терминологик майдон ичида мавжуд бўлади, унинг доирасида термин уни тавсифловчи барча белгиларга эга бўлади. Бу соҳа сунъий тарзда чегараланиб, унга алоқаси йўқ элементларнинг киришидан атайлаб муҳофаза қилинади, чунки муайян майдонга мансублик термин сўзларни оддий сўзлардан ажратиб турувчи энг муҳим белгидир. Термин-сўз учун майдон - бу бошқа термин-сўзлар жамламасидир, улар билан ушбу сўз маълум фан ёки тармоқ доирасида уйғунлашади, чунки ушбу фан ёки тармоқ негизида шу сўзнинг ўзи шаклланади ва унга ўз тил шакли билан таъсир кўрсатади. Лекин майдон учун биринчи ва асосийси – экстралингвистик йўналганлик бўлиб, унга мувофиқ тилнинг ифодалаш воситалари қўлланилади<sup>18</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам, умумий лексика сўзларидан фарқли ўлароқ, ҳар бир майдондаги термин-сўзлар ўзига хос тарзда ташкил этилган. Улар ўзаро бошқача уйғунлашади, уларнинг маънолари ҳар бир майдонинг ўзига хослиги билан чегараланган.

Чиндан ҳам, умумий лексика сўзларидан фарқли ўлароқ, термин-сўзлар ҳар бир майдонда ўзига хос тарзда ташкил этилган. Улар ўзаро бошқача уйғунлашади, уларнинг маънолари ҳар бир майдонинг ўзига хослиги билан чегараланган.

Масалан, *ботқоқлик* сўзи кўплаб луғат таърифлари қаторида «сувли жой» маъносини беради. Шу маънода бу сўз фақат информатика ва ҳисоблаш техникаси тилининг терминологик майдони доирасидагина терминдир. Унинг чегараси ортида бу сўз ўз терминологик хусусиятини йўқотади ва умумий тил сўзига айланади.

Шу тариқа, термин семантик нуқтаи назардан парадигматик ҳисобланади, яъни ҳар бир терминологияда у ёки бу тушунчалар билан боғланган. Тушунча-термин учун майдон, бу ушбу термин мансуб бўлган тушунчалар тизимидир. «Агар терминлар қайси терминологик гуруҳ аъзолари эканлиги маълум бўлса, унда улар контекстан ташқарида ҳам яшай оладилар. Умум тил сўзларидан фарқли ўлароқ, терминлар бир маъноликка контекст шартлари орқали эмас, балки бу терминологияга мансублик орқали эга бўладилар. Шу туфайли термин сўзлар термин бўлмаган сўзлардан фарқли равишда, контекстга боғлиқ бўлмайди»<sup>19</sup>.

---

<sup>18</sup> Ўша ерда. 10-Б.

<sup>19</sup> Ўша ерда.

Терминологик майдонларни ажратиш экстралингвистик айти вақтда, у ижтимоий аҳамиятга ҳам эга, чунки мақсадга йўналтирилган инсоний фаолият соҳаси доимо профессионал жиҳатдан чегараланган. Шунингдек халқаро хусусиятга ҳам эга, чунки профессионал фаолият бир мамлакат ёки бир халқ доираси билан чегараланмайди.

Терминологик майдон - бу термин мансуб бўлган экстралингвистик соҳа, лекин майдон ичида одатда элементларнинг маълум лингвистик тартибга солинганлиги кузатилади.

Экстралингвистик асосланганлик туфайли бир майдонда лингвистик тизим ташкил этилиши ҳар хил бўлган сўзлар бирлашиши мумкин, масалан, испанча негизлардан ҳосил қилинган, халқаро грек-лотин элементлардан ўзлаштирилган, бу соҳанинг етакчилари ҳисобланган мамлакатлар тилларидан олинган инглизча, немисча, французча ва ҳоказолар. Шунингдек аксинча, тилга оид ташкил этилиши бўйича бир турли сўзлар турли терминологик майдонларга мансуб бўлиши мумкин<sup>20</sup>.

Шу тариқа, тушунчанинг мантиқий категория ва маънонинг лексик категория сифатидаги нисбати терминнинг тавсифий ва лексик белгилари муаммосининг мазмунини очиқ беради. Тушунчалар тизимидан ташқарида терминологик тил белгиси терминологияда омонимия, полисемия ва синонимиянинг борлиги боис керакли ахборотни етказмайди. Терминнинг маъноси унинг семантик мазмуни асосини ташкил этади ва денотат белгилари мавжудлиги билан тавсифланади. Термин денотат билан тегишли тушунча орқали боғланади ва денотат белгиларини эмас, балки тарихан ушбу тилда ва фаолиятнинг мазкур тармоғида шаклланган белгилар ҳақидаги тушунчани акс эттиради<sup>21</sup>.

Номенклатурани атамалар (лот. *nomenclatura* “рўйхат, номлар ёзилган рўйхат”) фаннинг типик объектлари номларидан иборат. Термин ва номеннинг асосий қарма-қарши қўйилиши шундан иборатки, биринчиси умумий тушунчани, иккинчиси хусусий тушунчани номлайди<sup>22</sup>.

---

<sup>20</sup> Федюченко Л. Терминологическое поле в когнитивной структуре учебного научного текста. Дис. ... канд. Филол.наук. -М.: 2005. 157 –с.

<sup>21</sup> Ўша ерда.

<sup>22</sup> Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии (1939 г.) // Татаринев В.А. История отечественного терминоведения. Классики терминоведения: Очерк и хрестоматия.-

М., 1994.-С 218-284.-408 с.

Терминнинг алоҳида номинацияловчи аҳамияти ва дефинитив табиатини ҳисобга олувчи функционал ёндашув Г.О. Винокур ва А.А. Реформатскийнинг илмий ишларида ишлаб чиқилган эди. Жумладан, Г.О. Винокур терминлар - бу «сўз термин сифатида бажарадиган алоҳида функция - бу аташ функцияси. ... терминлар - бу алоҳида сўзлар эмас, балки фақат алоҳида функцияни бажарувчи сўзлардир»<sup>23</sup>.

Бироқ А.А. Реформатский номинатив функцияни нафақат терминлар учун, балки барча лексемалар учун умумий деб кўриб чиқади<sup>24</sup>.

Мақсадга йўналтирилган термин яшаш иккиламчи номинация жараёнидан иборат, чунки "ўз гносеологик хотимасида тушунчаларнинг бир-бирига ўтиш ва аввал ўрганилган билимлар асосида шаклланиш хусусиятларига асосланиб, инсон томонидан ўзлаштирилаётган воқеликнинг янгидан янги белгиларини акс эттиради"<sup>25</sup>.

Терминологик номинациянинг ўзига хослиги алоҳида турдаги атамалар – терминларни ҳосил қилишдан иборат, улар инсоннинг атрофдаги воқеликда фаолият юртишида муҳим аҳамият касб этади. Махсус коммуникация жараёнида воситачи сифатида намоён бўлувчи терминлар инсоннинг билим олиш ва жисмларни ўзгартиришга оид фаолиятининг доимий ривожига хизмат қилади.

В.В. Виноградов терминнинг кенг ишлатиладиган сўзлардан асосий фарқини терминда дефинитив функцияси бирлигида деб билади. Унинг фикрича, «термин ортида предмет ёки нарса эмас, балки логик таъриф мужассам»<sup>26</sup>. Унинг ортидан терминга нисбатан функционал ёндашув кўпгина тадқиқотчилар томонидан ривожлантирилган. Жумладан, К.А. Левковская терминда номинатив ва дефинитив функция уйғунлашганини таъкидлаган,

---

<sup>23</sup> Винокур Г. О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии / Татаринев В.А. История отечественного терминоведения. Т.1. Классики терминоведения. Очерк и хрестоматия. - М.: Московский лицей, 1994. - С. 218 - 284.

<sup>24</sup> Реформатский А.А. Что такое термин и терминология (1959-1961)// Татаринев В.А. История отечественного терминоведения. Классики терминоведения: Очерк и хрестоматия.-М., 1994.-С. 299-314.-408 с.

<sup>25</sup>Телия В.Н. Вторичная номинация и её виды // Языковая номинация: сб. науч. ст. - М.: Наука, 1977. - С. 129-222.

<sup>26</sup> Володина М.Н. Теория терминологической номинации. - М.: Изд-во Моск. ун-та, 1997. - С. 16-17.

А.С. Герд, Э.В. Кузнецова дефинитив функцияни терминни таърифловчи асосий хусусият деб биладилар<sup>27</sup>.

Е.Н. Толикина томонидан таклиф этилган терминлар (тор доирада ишлатиладиган бирликлар) ва нотерминларни (тилнинг кенг ишлатиладиган лексемалари) қарама-қарши қўйиш кенг тарқалмади<sup>28</sup>, чунки бу икки лексик қатлам орасида номахсусдан махсусга ўтиш ва аксинча жараён доимий давом этади.

Н.П. Кузькиннинг фикрича, номахсус лексика ва терминологик лексика сўзи орасида на шакл, на мазмун борасида муҳим фарқ топиш мумкин. Сўзларнинг бу турлари ўртасидаги реал, объектив фарқ тилдан ташқарида: агар кенг ишлатиладиган сўз одатда маиший тушунча билан боғланса, термин – махсус, фақат мутахассисларнинг тор доирасига маълум тушунча билан боғланади<sup>29</sup>.

Терминдаги предмет ва тушунчавий маънонинг нисбати уч позициядан туриб ҳал қилинади:

а) термин лексик маънога эга, лекин у фақат белгиланаётган тушунча билан чегараланмайди (Д.П. Горский, К.А. Левковская, А.С. Герд);

б) термин лексик маънога эга, чунки у тушунчанинг ўзгинасидир (Е.М. Галкина, Федорук, П.С. Попов);

в) термин тушунчага мос келади ва лексик маънога эга эмас (В.А. Звегинцев, А.А. Реформатский, Л.А. Капанадзе).

Д.Н. Шмелев кейинги нуқтаи назарнинг мунозарали эканлигига ишора қилган эди, чунки лексик бирлик маъноси доимо у ёки бу даражада воқеликнинг предмет ёки ҳодисаларни белгилаш билан анқланади, бу соҳада қандайдир “соф семантик” категорияларни ўрнатиш хом ҳаёл бўлиб чиқади<sup>30</sup>.

А.С. Герднинг фикрича, терминнинг ўзига хослиги шундаки, термин – бу шундай сўзки, унга илмий тушунчага оид маъно

---

<sup>27</sup> Герд А.С. Основы научно-технической лексикографии: Как работать над терминологическим словарем. - Л.: Изд-во ЛГУ, 1986. - 72с.; Кузнецова Э.В. Лексикология русского языка: Учебное пособие для филол. фак. ун-тов. 2-е изд., испр. и доп. - М.: Высш. шк., 1989. -216с.; Левковская К.А. Теория слова, принципы ее построения и аспекты изучения лексического материала. Изд. 2-е, стереотипное. - М.: КомКнига, 2005. - 296с.

<sup>28</sup> Толикина Е.Н. Синонимы или дублиеты? // Исследования по русской терминологии / Отв. ред. В.Н. Даниленко. - М.: Наука, 1971. -С. 54-55.

<sup>29</sup> Кузькин Н.П. К вопросу о сущности термина // Татаринев В.А. История отечественного терминоведения. Т. 2.: Направления и методы терминологических исследований. Очерк и хрестоматия. Кн. 1. -М.: Московский лицей, 1995 - С.255.

<sup>30</sup>Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики (на материале русского языка). - М.: Наука, 1973. - С.33-34.

боғланади. Бироқ бу маъно илмий тушунчанинг фақат асосий, муҳим белгиларини акс эттиради, чунки унинг таърифида ифодаланган маънодан доимо кенгроқ бўлади. Термин ҳақидаги масалани ҳал қилишнинг калити, дея хулоса қилади олим, аввало, ушбу аниқ билимнинг максимал даражада тўлиқ тузилишини моделлаштиришдан иборат. Идеал ҳолатда аввал мантиқий-тушунчавий асосда ушбу фан учун билим тизими курилиб ва шундан кейингина қандай бирликлар ифодалаш борасида ушбу тизимнинг бирликларига маъно жиҳатдан тўғри келиши ҳақидаги савол қўйилиши лозим<sup>31</sup>.

Замонавий терминшуносликда бу фикр В.М. Лейчик, К.Я. Авербух, Л.М. Алексеева, С.Л. Мишланова ва бошқалар томонидан қўллаб-қувватланди.

В.М. Лейчик махсус тил белгисининг терминологик моҳияти деб терминнинг шундай хусусиятларини атайди, улар терминга муайян назария элементи функциясини бажариш, инсоний билимларнинг махсус соҳасини таърифлаш, ушбу соҳага хос ва маълум назария доирасида релевант бўлган умумий тушунчаларни тўғри белгилаш имконини беради. Терминологик моҳиятнинг асосий таркибий қисми концептуал компонентдан иборат. Билимнинг концептуаллашуви инсон томонидан шакллантирилган тушунчалар ва схемалар асосида амалга оширилади. Тушунча, аниқроғи, назарий объектни фақат муайян назария, концепция, қарашлар тизими доирасида кўриб чиқиш тўғри бўларди<sup>32</sup>.

В.М. Лейчик шунингдек қиёсий терминологиянинг ўрганиш объектига икки ёки ундан ортиқ тилларга оид терминларни қиёслаб ўрганишдан ташқари бир тил ичидаги ўзаро яқин бўлган терминологик системаларни қиёсий ўрганишни ҳамда терминологик системалараро сўз ўзлаштиришни ҳам киритади. Бундан ташқари В.М. Лейчик терминларни қиёсий таҳлил қилиш методлари қўлланилиши мумкин бўлган 8 та сатҳни ажратиб кўрсатади. Булар: фонема-график, сўз яшаш, лексик, сўз бирикмаси ясалиши, семантик, терминологик, тушунчавий, дефинитив сатҳлардир<sup>33</sup>. Терминология луғат таркибининг бошқа қатламлари ва асосий сўз фонди билан

---

<sup>31</sup> Герд А.С. Еще раз о значении термина // Лингвистические аспекты терминологии. - Воронеж: Изд-во Воронеж, ун-та, 1980. - С.3-9.

<sup>32</sup> Лейчик В.М. Предмет, методы и структура терминоведения: Автореф.дис. ... докт. филол. наук. -М., 1989. -С.12-15.

<sup>33</sup> Там же.

яқиндан боғлиқлиги, аввало, умумий тилдаги сўз яшаш воситаларига оид терминларни ҳосил қилишда кўринади<sup>34</sup>.

Терминга нисбатан меъёрий талаблар илк бор рус терминологик мактаби асосчиси Д.С. Лотте томонидан ифодаланган эди – бу тизимлилик, терминнинг контекстга боғлиқ эмаслиги, қисқалик, мутлақ ва нисбий бир маънолик, оддийлик ва тушунарлилик, терминнинг жорий этилганлик даражаси<sup>35</sup>.

Кўшимча сифатида О. Д. Паршина қуйидаги мезонларни киритади:

1. Бир маънолилик: термин фақат битта илмий ёки техник тушунчани англатиши лозим, кейингисига эса фақат битта термин мос келиши керак.

2. Тизимлилик: ҳар қандай термин – муайян терминологик тизим аъзоси, айнан шу хусусият уни терминга айлантиради, термин маъноси тизимда фиксацияланади ва унда ишлатиладиган мезонлар билан кўллаб-қувватланади. Термин тизими тизимлиликнинг икки турини акс эттиради, улардан бири – термин тизими боғланган тушунчалар тизими билан белгиланадиган мантиқий тизимлилик, чунки бу тушунчалар тизими одатда иерархик тузилишга эга (асосий, ҳосила, мураккаб тушунчалар; тур ва хил тушунчалари ва бошқалар).

3. Мотивланганлик: термин асосига қўйилган ва унинг асосий маъносини шакллантирувчи белгилар унинг тушунчасига тўлиқ мос кела олмайди, яъни унинг амалдаги маъносини ташкил эта олмайди, чунки терминнинг мазмуни бутун тушунчалар тизими билан белгиланади ва дефиниция ёрдамида аниқланади.

4. Аниқлик: махсус ташунча аниқ чегараларга эга, у одатда таъриф – терминнинг дефиницияси ёрдамида ўрнатилади. Тушунча мазмунини акс эттириш нуқтаи назаридан терминнинг аниқлиги шуни билдирадики, унинг дефинициясида белгиланаётган тушунчанинг зарурий ва етарли белгилари мавжуд бўлади.

5. Терминнинг қисқалиги. Қисқа вариант – бу терминалаштирилаётган тушунчанинг қисқартирилган, лекин

---

<sup>34</sup> *Пиотровский Р.Г.* К вопросу об изучении термина // Татаринов В.А. История отечественного терминоведения. Т. 2.: Направления и методы терминологических исследований. Очерк и хрестоматия. Кн.

1. - М.: Московский лицей, 1995. - 333с. - С.205-206.

<sup>35</sup> Қаранг. Лотте Д.С. Краткие формы научно-технических терминов. - М.: Наука, 1971.; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. Вопросы теории и методики. — М.: Изд-во АН СССР, 1961. — 157с

функционал жиҳатдан тенг ишлатиладиган, иккиламчи белгисидир. У доимо терминнинг семантик ва белгили тузилишидан келиб чиқиб ясалади.

6. Жорий этилганлик. Терминологик тавсиялар тузишда кенгрок тарқалган, мутахассисларнинг бир неча авлоди томонидан ишлатилган терминлар афзал кўрилади.

7. Тил жиҳатдан йўналганлик: ўз ёки бегона тил асосида шакллантирилган рақобатчи терминлар бор шароитда алоҳида ҳолатларда турли имкониятлар афзал кўрилади<sup>36</sup>.

В.А. Татаринов терминшунослик тарихи бўйича ўз илмий ишларида бир-бирига зид фикрлар ортида терминшунослик муаммоларининг ҳақиқий илмий банки шакллантирилганини таъкидлайди<sup>37</sup>. Бу масалалар турли олимларда асосий илмий категориялар тизими кўринишида ишлаб чиқилган, улар гоҳида анча табақалашган кўриниш касб этади. Назарий жиҳатдан бундай терминшунослик категориялари сифатида терминнинг бир маънолиги, стилистик жиҳатдан нейтраллиги, контекстга боғлиқ эмаслиги, қисқалиги, синонимлари йўқлиги, тизимлилик ва дефинитивлиги, терминология ва номенклатуранинг фарқланиши, терминнинг лингвистик хусусиятлари ва кўпгина бошқа жиҳатлари эътироф этилган.

Жумладан, Д.С. Лоттенинг фикрича, термин маъносини контекстдаги ўзгариши терминологиянинг муҳим иллатларидан биридир<sup>38</sup>. Шу билан бирга кўпгина лингвистлар, масалан В.П. Даниленко, О.Г. Скворцов, В.А. Татаринов шуни таъкидлашади, термин, келиб чиқиши бўйича кўпинча табиий тил сўзи бўлганлиги боис, умумадабий лексикага хос барча лексик-семантик жараёнлар таъсирини бошдан кечиради. Кўпмаъноли сўз маънолари мазмуний алоқалар билан бирлашган, деб ёзади О.Г. Скворцов. Бу алоқалар худди тушунчаларнинг алоқаларига ўхшаш. Тушунчалар алоҳида мавжуд бўлмайди, балки уларни онг тузилмасида боғлаб турадиган кўплаб алоқалар билан боғланган<sup>39</sup>.

---

<sup>36</sup> Паршина О.Д. Терминологическая лексика в аспекте семантики, структуры и функционирования. Дис. ... канд. филол. наук. - Самара: -С. 72.

<sup>37</sup> Татаринов В.А. История отечественного терминоведения. Т.2: Направления и методы терминологических исследований. Очерк ихрестоматия. Кн. 1. - М.: Московский лицей, 1995. -С.39.

<sup>38</sup> Лотте Д.С. Краткие формы научно-технических терминов. - М.: Наука, 1971.-84с.

<sup>39</sup> Скворцов О.Г. Методы исследования лексических систем. - Екатеринбург: Изд-во АМБ, 2001. -С.19.

В.А. Татаринев термин амбисемияси (икки томонлама маъно) тушунчасини киритади, уни ортида терминнинг тилда турли ҳажмдаги семантика асосида бир қатор экстралингвистик сабаблар билан изоҳланган фаолият кўрсатиш хусусиятини тушунади (бир терминнинг турли илмий мактаблар, олимлар томонидан фан ривожининг турли даврларида ишлатилиши). Терминнинг полиденотативлиги ва алоҳида маъноларни шакллантиришдаги категориаллиги (демак, унинг кўп маънолилиги) унинг асосий маънолари қўлланиладиган контекст туфайли аниқланиши мумкин<sup>40</sup>.

Т.Р. Кияк терминологик бирликларнинг мотивланганлигининг тилга оид ва нутқга оид жиҳатини ажратиб кўрсатишни таклиф этади. Нутққа оид мотивланганлик контекстуал хусусиятга эга, шу боисдан уни аниқлаш камроқ релевантдир. Тил даражасида белгили (семиотик), формал (сўз ясовчи) ва мазмунга оид (интенционал) мотивланганлик фарқланади. Кейингиси ички шаклнинг терминнинг тилга оид мазмунининг энг муҳим белгиларини акс эттириш қобилиятини тавсифлайди<sup>41</sup>. Гарчи терминнинг мотивланганлиги асосий мезон бўлмасида, бу хусусият унинг эслаб қолинишига хизмат қилади, бошқа терминлар билан алоқасини осонлаштиради, унинг ҳолатини янада барқарорлаштиради.

Термин маъноси унинг компонентлари йиғиндисидан келиб чиқмаганлиги, балки унга тизимда берилганлиги боис, терминнинг жорий этилганлиги тизим жиҳатидан энг муҳим мезон бўлиб чиқади<sup>42</sup>.

Турли тиллар терминологиясида ўзлашган лексиканинг катта қисми юнон-лотин морфемикаси асосида тузилган интернационал лексикадан иборатдир. Бундай терминлар, В.В. Виноградов нуқтаи назарига кўра жаҳон цивилизациясига оид сўз фондини ташкил қилади<sup>43</sup>. Улар рус сўз ишоралари билан таққослаганда бир қатор афзалликларга эга: 1) ўзлаштирилган элемент нейтрал белги бўлиб, унинг афзалликларига кўшимча маънонинг, экспрессиянинг йўқлиги, имкон қадар моносемантиклик хусусиятлар киради; 2)

<sup>40</sup> Татаринев В.А. История отечественного терминоведения. Т.2: Направления и методы терминологических исследований. Очерк ихрестоматия. Кн. 1. - М.: Московский лицей, 1995. -С.39.

<sup>41</sup> Кияк Т.Р. Лингвистические аспекты терминоведения: Учеб. пособие. -Киев: УМКВО, 1989. - 103с.; Кияк Т.Р. Мотивированность лексических единиц: (Количественные и качественные характеристики). - Львов: Вища шк., Изд-во при Львов, гос. ун-те, 1988. - 160 с.

<sup>42</sup> Суперанская А.В., Подольская КВ., Васильева Н.В. Общая терминология: Вопросы теории. Изд. 3-е, стереотипное. - М.: Едиториал УРСС, 2004. - С.132.

<sup>43</sup> Виноградов, С.Н. Лексико-семантическая парадигматика / С.Н. Виноградов. - Нижний Новгород: Изд-во Нижегородского ун-та, 1999.-76с.

байналминал элементлар асосида қурилган термин турли тиллар соҳибларига тушунарлидир; 3) у аниқ ва қисқадир; 4) унинг асосида мавзуй қаторларни шакллантириш осон. Илмий тилнинг адабий тилга нисбати терминшуносликда мунозарали масалалардан бири бўлиб қолмоқда. В.П. Даниленко каби айрим лингвистлар илмий тилни адабий тилнинг автоном функционал тури деб ҳисоблайдилар ва илмий тилни мустақил субъект сифатида таърифлашади<sup>44</sup>. Кўпгина мутахассислар илмий тилни бир қатор белгилар йиғиндисига асосланган ҳолда адабий тилнинг тизим ости тузилмаси сифатида кўриб чиқишга мойилдирлар. Ушбу белгилар қуйидагилардан иборат: 1) ишлов берилганлик ва тартибга солинганлик; 2) унинг меъёрийлиги ва кодификацияланганлиги; 3) барқарорлиги; 4) бир касбга оид жамоанинг барча аъзолари учун мажбурийлиги; 5) махсус алоқани таъминловчи универсаллиги. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, Б.Н. Головин ва Р.Ю. Кобрин терминология адабий тил таърифига жуда мос келади ва адабий тил лексикасининг алоҳида тизим ости тузилмаси сифатида тавсифланиши керак. Тилнинг муҳим ижтимоий функцияси – махсус профессионал мулоқотнинг амалга ошишини таъминлайди, деган хулосага келадилар<sup>45</sup>.

Шуни ҳисобга олиш керакки, лексик тизимлилик термин тизимига хос белги бўлса, тилга оид тизимлилик унинг факультатив белгиси бўлиб ҳисобланади.

Терминологик ўзлаштирмалар, бир фан тушунча аппаратлари ва термин тизимларининг бошқа фанларга ўтиш жараёнидан фарқли ўлароқ, билим соҳалари ўртасидаги синтезловчи алоқалар йўқлиги ёки заифлиги пайтида терминнинг бошланғич термин тизимидаги тушунчадан узилиб қолиши ва уни якуний термин тизимидаги тушунчага боғланиш ҳолати содир бўлади. Шунингдек, номи йўқ ўхшаш тушунчани белгилаш ёки терминга эга тушунча учун ҳам терминлар ўзлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолатда эҳтимолий синонимияни бартараф этувчи илмий амалиёт ҳал қилувчи ўрин тутди.

Термин тизимлари аниқ фан, илмий йўналиш ёки мактабнинг категориал аппаратини акс эттиради, тушунчалар категориялари: объектлар, ҳодисалар, уларнинг алоқалари, ўзаро боғлиқликлари,

<sup>44</sup> Дискуссия по вопросам омонимии // Лексикографический сборник. – Вып. 4. – М., 1960. – С. 35-92.

<sup>45</sup> Гяч Н.В. Сокращение или символ? – Уч. зап. ЛГУ. -№ 283, Серия филол. наук. Вып. 56. 1961.

хусусиятлари, белгилари, сифатлари, ҳолатларини, шахсни ифодаловчи терминларини бирлаштиради. Ҳар бир тармоқ терминологиясининг компонентлари тил белгиси эмас, балки тил учун ташқи бўлган белги бўйича бирлаштирилган, яъни инсон фаолиятининг ушбу тармоғи тушунча соҳасининг ҳолатини акс эттиради, дея таъкидлайди Ф.П. Филин<sup>46</sup>.

Фандаги реал ҳолатлар, категориялар ва тушунчаларни ифодалаш воситалари шунчалик химла-хилки, фақат лингвистик бирликлар билан тақдим этилиши мумкин эмас. Бироқ уларнинг асосини вербал воситалар ташкил этади, яъни, булар лингвистлар томонидан махсус лексика деб аталади. У инсон меҳнат фаолиятининг турли соҳаларига оид предмет ва тушунчаларни атайдиган сўз ва сўз бирикмаларининг жамламасидан иборат.

В.А. Звезинцев нуқтаи назарига кўра, терминологик лексика лексик маънонинг йўқлиги (термин фақат тушунчани белгилаш воситаси) ва автономлиги (бошқа сўзлар билан маъно алоқалари бўлмайдиган) билан ажралиб туради ва умумхалқ тилининг бир чеккасидан ўрин эгаллайди, унда етакчилик қилмайди ва шу боисдан тил моҳияти ҳақидаги фикрлар учун асос бўла олмайди<sup>47</sup>.

Терминологик бирликларнинг ясалиш масалалари хорижий тадқиқотчилар изланишларида сўз ясалиш жараёни билан ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилинади.

Терминлар ишлатилишида деривация жиҳатлари ўзига хос ва нисбатан мустақил нутқий (тилга оид) мунтазам деривацион жараёнлар асосида шаклланадиган турли сегментли деривацион маконнинг таркибини белгилайдиган механизм сифатида кўриб чиқилади.

Экологияга оид терминларнинг деривацион тизими когнитивлик, очиқлик, яхлитлик/дискретлик ва ҳоказоларнинг фундаментал тамойилларига қурилади.

Демак, терминологик сўз яшаш ва термин яшашнинг таҳлили бир қарашда турли концептуал позициялардан амалга оширилади, бу тушунчаларнинг бир биридан йироқлиги эса уларнинг интеграцияловчи алоқалари бўшлигидан далолат беради ва

---

<sup>46</sup> Филин Ф.П. Некоторые вопросы функционирования и развития языка // Вопросы языкознания. 1973. №2. - С. 40.

<sup>47</sup> Звезинцев В.А. Экспрессивно-эмоциональные элементы в значении слова. // Вестник МГУ, историко-филологическая серия, 1955. - №1, Вып. 1.-с. 68-78.

корреляциянинг куйидаги турларини долзарблаштиради: номинация: сўз - термин ижодкорлиги: термин яшаш.

Лингвистик номинацияларнинг терминологик жиҳатдан икки тарафламалиги, бир-бирига маънодошлиги, парчаланмаганлиги терминологиянинг у ёки бу жиҳатларини тадқиқ қилишга бағишланган тилшунослик илмий ишларининг мутлақ қўпчилигига хосдир. Бу бир томондан умумтил тизимининг бир қарашда иккита концептуал изоморф – ва ортиқча элементларнинг борлиги ва ишлатилишига қарши туришининг белгисидир, шу туфайли “сўз яшаш” деган анъанавий терминдан фойдаланган афзалроқ.

Бошқа томондан, бундай терминологик “дублетлик”, табақалашмаганлик терминалашанаётган тушунчалар аралашганлиги, фарқланмаслигини акс эттиради, бу эса “сўз яшаш” ва “термин яшаш” деб юритилувчи феномен ва тушунчаларни фарқлаш заруратиغا ишорадир. Бу эса уларнинг комплекс тадқиқоти жараёнида ажратиб кўрсатилган табақалашган белгилар, оппозициялар, таҳлил ва англаш объектларининг фарқлари асосида амалга оширилади. Бу ўз навбатида терминлогик деривацион материални ўрганиш, тизимга солиш, уни мос метатил воситалари билан таърифлаш учун зарур. Шу муносабат билан фикримизча, терминологик деривацион майдон доирасида “термин яшаш” номени долзарб ва афзал, бу эса терминшуносликнинг ўз аҳамиятига кўра фундаментал жиҳатини акс эттиради.

Терминшуносликнинг моҳиятга оид белгилари – яхлитлик, иерархияга эгалик, элементлар ва улар орасидаги алоқа ҳамда муносабатлар жамламаси мавжудлиги каби аломатлар билан тоифалаштириладиган мустақил тизим сифатида шаклланиш жараёни ушбу фаннинг ўзига мос тарзда номланиши билан бирга кечади. Зеро бу фан ҳосила ва мураккаб терминларнинг деривацияси (ҳосил бўлиши), ишлатилиши, тузилиши ва тоифаланишини ўрганади (оппозиция: умумадабий сўз яшаш).

Термин “махсус (илмий, техникавий, иқтисодий ва ҳоказо) тушунчанинг, бошқача айтганда концептнинг белгиси”<sup>48</sup> сифатида, турли илмий соҳалар – фалсафа, лингвистика, семиотика, мантик, прагматика кабиларнинг бевосита объекти бўла туриб, шу билан бир вақтда терминшунослик ва термин яшашнинг предмети ва объекти бўлиб ҳам ҳисобланади.

---

<sup>48</sup> Лейчик, В. Терминоведение: предмет, методы, структура . - Bialystok, 1998. - 184 с.

*Терминологик деривация*, термин яшашнинг тизим сифатидаги умумий назарияси муаммолари терминшунослик тадқиқотларининг асосий йўналишларини акс эттирган рўйхатига киритилмаган. Бу эса ушбу масалалар ҳанузгача тилшуносликда қизиқиш кам бўлган соҳаларга оид деб ҳисобланаётганидан далолат<sup>49</sup>. Бундай ёндашув натижасида биз томондан фаол ва жадал кўп даражали тизим сифатида таърифланган функционал термин яшашнинг умумий назарияси (концепцияси) ўрнига баъзида узук-юлук, мантиқан ва концептуал жиҳатдан бир-бири билан ягона когнитив парадигмага боғланмаган, тарқоқ тадқиқотлар келтирилади. Ваҳоланки, бу тадқиқотлар алоҳида терминлогик блоклар ва элементларни анъанавий сўз яшаш йўналишида, энг умумий материалда таҳлил қилишга бағишланган.

Ҳар қандай фан терминологияси, шу қаторда экотерминлар ҳам, шунчаки терминлар жамламаси сифатида эмас, балки муайян тушунчалар ёки ҳаракатлар тизимини ифодаловчи тизим сифатида шаклланади. У фан ёки фаолият соҳаси юқори ривожланиш даражасига етгандагина маълум илмий дунёқараш ёки техник тараққиётни акс эттиради. Терминология шунингдек очиқ тизим бўлиб, фаолият объектининг янги кузатилган хусусиятлари ва томонлари ёки у билан ишлашнинг янги кашф этилган услубларини акс эттириш зарурати туфайли доимий равишда тўлдирилиб турилади, бу эса ушбу фаолият соҳасини таърифлашни кенгайтиришга олиб келади. Ҳар бир фан тушунчаларининг таркиби ёки ҳар бир турнинг ҳаракатлари таркиби тегишли терминологияда тўғри акс эттирилади, ва аксинча, терминология таркибига қараб билимларнинг тегишли соҳасининг ривожланганлик даражаси ҳақида фикр юритиш мумкин.

Экология **тил ости** тилининг кенг тармоқланган тизимида терминлар марказий ўрин эгаллайди ва билимларнинг ушбу соҳасига оид хилма-хил илмий тушунчаларнинг барчасини номлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Тушунча деганда предметлар, ходисалар тоифаси ҳақидаги мантиқан шакллантирилган умумий фикр тушунилади.

---

<sup>49</sup> Буянова Л.Ю. терминологическая деривация в языке науки: когнитивность, семиотичность, функциональность. <http://slovaizbukv.ru/derivация.html>

Экология нисбатан ёш фан ҳисобланади, бироқ унинг термин тизими анча кенг. Экологик соҳа экологик муносабатлар асосида вужудга келган ва тизимли конструкция, тизим ости тизимчаси сифатида намоён бўлади, яъни инсонлар фаолияти ва уларнинг тириклик омиллари ўртасидаги зиддиятларни бутун инсоният манфаатлари йўлида ҳал қилишнинг хусусияти ва усулларини йўналтириш, бошқариш имконини беради.

Экологик муаммо ўта мураккаб ва кўпқиррали, у инсон тириклигининг деярли барча томонларига алоқадор.

Экологик терминлар ва тушунчалар ҳам тилнинг умумий ривожига, ҳам тилнинг алоҳида элементлари (морфемалар, сўзлар, фонемалар, маънолар) тараққиётига ва тилнинг алоҳида элементлари, алоҳида тил бирликлари функциялари ривожига ҳисса қўшади. Экологик соҳанинг тушунчавий терминологик аппаратининг шаклланиши экология бўйича турли ихтисослашган луғатларнинг пайдо бўлишини асослайди, улар ҳам тор ихтисосдаги, ҳам фанлараро луғатлар бўлиши мумкин.

Лексикологияда, хусусан терминологияда “лексик тизим” ва “термин тизими” деб юритилувчи тушунчалар ва бу тушунчалар томонидан акс эттириладиган тил ҳодисаларига тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

М.В. Медвидь экологик терминлар тизимини аниқлашнинг асосий жиҳатларини қуйидаги белгиларга асосланади<sup>50</sup>:

1. Экологик терминларнинг матнга алоқаси бўлмаган ҳолда бир маънолилиги;
2. “Тушунча-сўз (термин) ўртасидаги мантиқий-семантик боғлиқлик;
3. Янги терминларнинг номлашдаги ўзгарувчанлик хусусиятга эга эканлиги;
4. Экологик терминларнинг қисқалиги;

Мазкур ишда “экотермин” тушунчаси билан боғланаётган мазмун қуйидаги белгиларга асосланади:

- термин - бу махсус ишлатиш соҳасига оид тил бирлиги (сўз ёки сўз бирикмаси);
- термин - бу махсус объект ёки тушунчанинг номи;
- термин - бу шундай номки, унга тегишли тушунча мазмунини аниқ акс эттирувчи таъриф хосдир. Ушбу таъриф сўзнинг бир тушунчани бошқасидан фарқлаш ва шу билан бирга ушбу тушунчани

---

<sup>50</sup> Медвидь (elibrary)

маълум таснифий қаторга қўйиш имконини берувчи белгиларини ажратиб кўрсатади. Шу тариқа, термин фан ва техниканинг махсус тушунчасини ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасидир. Булар эса фикримизча терминни кенг ишлатиладиган сўздан фарқлаш учун етарлидир.

Замонавий тилшуносликдаги терминологик деривациянинг назарий муаммоларини тадқиқ қилишга тизимли ёндашув термин яшашнинг устувор жиҳатлари: деривацион, лексик, семантик жиҳатларни ажратиб кўрсатиш, уларнинг яхлитлиги ва бир бирини тўлдиришини кўрсатиш имконини беради.

Экологик термин – терминнинг махсус тури бўлиб, экологик фан тушунчасини ифодалайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, экологик терминологияни тадқиқ қилиш замонавий лингвистиканинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан типологик жиҳатдан турлича бўлган тилларнинг термин тизимларини ўрганиш катта илмий қизиқиш туғдиради.

Замонавий лингвистик назарияни ривожлантириш чоғида турли даражаларга мансуб тил бирликларининг тизимли муносабатлари ва функционал хусусиятларини, уларнинг семантик корреляциясини ўрганиш ва уларни таққослаш тил тўғрисидаги замонавий фаннинг энг долзарб муаммоларига киради.

Инсоний жамиятнинг атроф муҳитга таъсирининг улкан кўлами ва ушбу таъсирнинг оқибатлари экология соҳасининг кенгайишига олиб келади, бу эса янги терминологик бирликлар пайдо бўлишини асослайди.

Шу тариқа, тил ҳақидаги фан турли термин тизимларини ўрганишдан, шунингдек қўшни ва бир-биридан узокроқ термин тизимлари ўртасидаги алоқаларни тадқиқ қилишдан манфаатдор. Бу терминологияларни таърифлашни яхшилаш, терминологик луғатларни такомиллаштириш, терминларни илмий мулоқотда ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ишлатилишини яхшилаш, термин ҳосил қилиш ва ишлатишни бошқарувчи асосланган тавсиялар олиш имконини беради. Бу ўз навбатида экологик термин ва тушунчаларни, экологик терминологик аппаратнинг ўзига хос тил таркиби ва тузилишини, унинг фаолияти ва ривожланишини таърифлаш заруратини изоҳлайди. Бунда воқеликнинг бошқа тузилмалари (жамият, онг, фикрлаш, маданият ва х.к.з) билан алоқалар ва муносабатларни инобатга олиш муҳим.

Ҳозирги замон ўзбек ва қорақалпоқ экологик термин тизими шаклланиш ва ривожланиш босқичида турибди, «тилга ёпирилган терминологик тошқин эса ўзида кўплаб янги сўзларни олиб келади» ва бу тилларга кўпроқ ҳосила ва ўзлаштириш йўллари билан кириб келади.

Экологик терминларнинг табиатини тушуниш учун тараққиёт жараёнида мураккаб тузилмаларнинг негизида пайдо бўлиши ва кейинги ривожланиш босқичлари учун асос бўлиб хизмат қилишини эътиборга олишимиз керак. Экологик терминларни биз тизим сифатида қабул қилар эканмиз, ўз ўзини ташкиллаштириш хусусиятини унутмаслигимиз керак. Ўз-ўзини ташкиллаштириш Ч. Дарвиннинг фикрича тизимнинг хилма-хил хусусиятлари ортади. Ч. Дарвин таълимотида маданиятлаштирилган ўсимлик навлари, уй ҳайвонлари зотининг хилма-хиллиги деган тушунчалар орқали ифодаланади.

## **1.2. Экология ва тилшунослик ўртасидаги алоқа**

Тилшунослик билан экология ўртасидаги алоқалар яқиндагина ўрнатилган бўлса-да, экологиянинг фан сифатида шаклланиши, асосан, лексикографик манбаларда, яъни луғатларда акс этди. Бунга рус ва инглиз тиллари мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Инсон ўз табиатидаги номукамалликни фан ёрдамида тузатишга қодир. Экология фани мана, қарийб икки ярим аср вақт давомида тараққий этаётган фанлар қаторига киради. Дастлаб, биологик фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида, мустақил фан сифатида, анча кейинроқ XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Қадимда экологик билимларни Ҳиндистон, Хитой, Мисрдаги ёзма манбаларда ҳайвон ва ўсимликларнинг сони ва ҳаёт тарзи тўғрисидаги маълумотларда кузатамиз.

Эколексика ўзига яраша лексик фондга эга. Бироқ, у ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ тилларида умуман ўрганилмаганлиги учун ҳозиргача аниқланмаган.

Барча тилларда бўлгани каби ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам эколексика маълум бир дунёқараш ва техника тараққиёти ютуқларини ўзида акс эттирган, илмий асосланган тушунчалар ёки ҳатти-ҳаракатлар тизимини ифодалашга хизмат қилади. Инсониятнинг экология соҳасида тўплаган глобал тажрибаси шуни

кўрсатадики, эколексика ва терминларнинг пайдо бўлиши ва ривожлантирилишида давлат, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий миқёсдаги ўзгаришлар муҳим ўрин тутди. Янги эколексиканинг пайдо бўлишида экология фани асосий нолисоний омил сифатида муҳим ўрин тутди. Табиийки, экология нима деган савол туғилади.

“Экология” сўзининг ўзи ҳам қадимги грек тилидан келиб чиқиб, “oikos” – уй, истиқомат жойи, ватан, “logos” – фан маъносини билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинганда, экология организмнинг “ўз уйидаги” ҳаёти, яъни табиий шароитлари ҳақидаги фан деган маънони билдиради<sup>51</sup>. Э. Геккельнинг таърифига кўра, тирик организмлар ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатлар бошиданок экологиянинг диққат марказида бўлган. А.В. Мананков, “Геккель экологиясининг асосий камчилиги, тирик организмлар табиатдаги етакчи, ҳукмрон объектлари деб тасаввур этилганлиги, яшаш муҳити эса шунчаки ташқи ҳодиса деб қабул қилинганлигидир”, деб таъкидлайди. Шу тариқа, организм-муҳит муносабатига етарли эътибор қаратилмас эди. А.В. Мананков қайд этганидек “умуман олганда Геккель фанга экология деган янги тушунчани киритди, бироқ экологик даражанинг ўзига эриша олмади, чунки индивидуал организмларни ўрганиш доирасида қолди”<sup>52</sup>.

Экология деганда биз табиат иқтисодиётига оид билимлар йиғиндисини тушунамиз, яъни жониворнинг уни ўраб турган муҳит билан ўзаро муносабатлари йиғиндисини ўрганиш назарда тутилаяпти. Бунда ҳам органик, ҳам ноорганик муҳит, жонивор бевосита ёки билвосита алоқага киришадиган ҳайвон ва ўсимликлар билан дўстона ёки душманлик муносабатлари ҳам назарда тутилади. Бир сўз билан айтганда, «экология – бу Дарвин томонидан тириклик учун курашни юзага келтирадиган шароитлар деб аталган барча мураккаб ўзаро муносабатларни ўрганишдир»<sup>53</sup>.

Г.С. Розенберг томонидан “экология” терминининг таърифларини таҳлил қилиш натижасида экология фанини талқин этишнинг икки асосий тенденцияси намоён бўлди. Яъни, биринчиси – биологик тармоқ сифатида, иккинчиси эса инсон ва унинг фаолиятини ўрганувчи фан сифатида. “Бу вазиятда” деб ёзади

<sup>51</sup> Энциклопедический словарь юного натуралиста / Под ред. Е.Е. Сыроечковского. - М., 1981 С.

<sup>52</sup> Мананков А.В. Проблемы интегративной экологии// Педагог. Наука, технология, практика.- Барнаул.: Барнаульский гос.пед.ун-т. -2000. - №8. -С.38.

<sup>53</sup>Рахилин В. К., Благосклонов. К. Н. Охрана природы и экологии. Термины и сущность// Философские науки. 2000. - №1.- С. 139 -142

муаллиф, “классик терминнинг анча сийқаси чиқиб қолган тушунчаларга берилган асосий таърифларини “биоэкология” ва “социоэкология” деб номлаш ўринлидир”<sup>54</sup>.

Экология фанлараро фан бўлиб, унинг объекти табиий фанлар ва гуманитар йўналишлар, фундаментал ва амалий илмий фаолиятни яқинлаштиради. Замонавий экологияни мегафан<sup>55</sup>, комплекс фан<sup>56</sup>, интегратив фан<sup>57</sup>, синтетик фан деб аташади. Бироқ шу ўринда А.Ф. Алимов, “синтетик фан ҳақида синтетик материаллардан айрим ҳолатда сўз юритиш тўғри бўлмаса керак...”, деб қайд этади<sup>58</sup>.

Британиялик олимлар экологик фан ва терминология ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Инглиз табиатшуноси Чарльз Дарвиннинг илмий ишлари экология ғоялари ривожига учун қанчалик туртки бўлганини эслаш кифоя. Инглиз олими Т. Спенсернинг 1870 йилда чоп этилган “Социологияни ўрганиш” асарида инсон экологиясининг асосларини шакллантирди. Экология фанининг марказий тушунчаларидан бири - экотизим тушунчаси 1935 йили тадқиқотчи Артур Тенсли томонидан киритилган<sup>59</sup>. Америкалик олимларнинг экология ривожига қўшган ҳиссаси ҳам салмоқли. АҚШда экология термини жонли табиатнинг тарихий ривожланишини тадқиқ қилишнинг анъанавий усулларидадан воз кечиб, организмларнинг атроф муҳит билан ўзаро муносабатларини ўрганишга жазм қилган биологлар гуруҳи томонидан илк мартаба ишлатилган эди<sup>60</sup>.

Муаллифлар экологияни тўртта асос бўйича йўналишларга бўлишни таклиф этадилар:

- марказий тушунча бўйича (ландшафт-ландшафт экологияси, ҳамжамият – ҳамжамиятлар экологияси);
- ўрганилаётган организм тури бўйича (ўсимликлар – ўсимликлар экологияси);
- тадқиқ этилаётган муҳит тури бўйича (кўл - лимнология);

<sup>54</sup> Розенберг. Г. С. Анализ определенной понятия “экология”//Экология. – 1999. - С. 96.

<sup>55</sup> Марфенин Н.Н. Гуманизм и экология//Экология и жизнь. - 2000. -№5. – С. 6- 10

<sup>56</sup>Қаранг:Рахилин В.К, Благосклонов. К.Н. Охрана природы и экологии. Термины и сущность//Философские науки. – 2000 №1 с.146; Коробкин В.И, Передельский. Л.В Экология. –Ростов н/Д: Феникс. - 2000. – 576с

<sup>57</sup>Мананков. А.В. Проблемы интегративной экологии//Педагог. Наука, технология, практика. – Барнаул.: Барнаулский гос.пед.ун –т. -2000. -№8

<sup>58</sup>Бродский. А.К. Краткий курс общей экологии.: Учебн.пособие. –Спб:ДЕАН, 1999. -224 с

<sup>59</sup>Снакин.В.В. Экология и охрана природы.словарь справочник. Под.ред. академика А.Л. Яншина. –М.: Academia, - 2000. -384 с.

<sup>60</sup> Снакин. В.В. Экология и охрана природы. Словарь справочник. Под.ред.академика А.Л. Яншина. – М.: Academia.- 2000. -387с

– экологик билимларни қўллаш соҳаси бўйича (агроэкология, экоменежмент ва бошқалар)<sup>61</sup>.

Ҳозирги кунда экология лексикаси ва терминологияси шаклланиш босқичида эканлиги маълум, чунки турли илмий йўналишларнинг экологиядаги интеграциялашуви жараёнининг ҳали тугамаганлиги экологиянинг айрим йўналишлари ноаниқлиги туфайли “экология” терминининг универсал характерга эга бўлишига сабаб бўлмоқда. Натижада “экологик таълим”, “экологик фикрлаш” ва “экологик дунёқараш” каби иборалар юзага келаяпти.

Замонавий экология бир неча соҳаларни ўз ичига олади ва уларнинг ҳар бири ўз тадқиқот предмети ва объектига, ўз тушунчаларига эга. Экологиянинг у ёки бу соҳа мутахассиси ўзига таниш тушунчалар орқали шу фанни, дунёни кўра билади. Муаллифлар шу туфайли экологияни тўрт асосга кўра турларини белгилашни таклиф этишди:

- асосий тушунчага кўра (ландшафт экологияси, жамоалар экологияси);
- ўрганилаётган организм турига кўра (ўсимлик экологияси);
- ўрганилаётган муҳит турига қараб (кўл – лимнология);
- экологик билимларни тадбиқ этиш соҳасига кўра (агроэкология, экомаданият)<sup>62</sup>.

Имло луғатлари, шубҳасиз, экологиянинг бошқа фанлар билан алоқаларини ҳам ўзида акс эттиради. Уларда экологиянинг янги соҳаларига оид сўзлар қайд этилган. “Dictionary of Ecology” луғати 90 хил фан соҳаларини ўз ичига олган: масалан: *демография - demography, кибернетика - cybernetics, генетика - genetics, геоморфология - geomorphology*. Шулардан атиги 20 таси экологик йўналишлар номларидир: *Dendraecology; ecological genetics; restoration ecology; replacement ecology* ва ҳоказо.

Е.А. Высторобец экологик терминлар тизимини асосий концептуал семантик аспектини 3 та микромайдон таҳлил қилади. 1). Аналитик экология, 2). Глобаль экология 3). Тарихий ва динамик экология<sup>63</sup>. Айнан мазкур микромайдон экологик терминлар

<sup>61</sup> Қаранг: Гусева И.Г. Когнитивно-дискурсивный анализ межотраслевой экологической терминологии в области рыбного промысла. Автореф. дис. ... канд. филол. Наук. – Калининград, 2004. 25 с.; Рахилин В.К, Благодосклонов. К.Н. Охрана природы и экологии. Термины и сущность//Философские науки. – 2000 №1 с.146; Коробкин В.И, Передельский. Л.В Экология. –Ростов н/Д: Феникс. - 2000. – 576с; Мананков. А.В. Проблемы интегративной экологии//Педагог. Наука, технология, практика. – Барнаул.: Барнаулский гос.пед.ун –т. -2000. -№8.

<sup>62</sup> Dodson S.I. et al. Ecology. - New York: Oxford University Press, 1998. - 464 p. - URL: <http://www.questia.com>

<sup>63</sup> Высторобец Е. А. Интерэкоправо и отрасли экологии / Е. А. Высторобец // Козволюция

тизимининг асосини ташкил этади. Бошқа микро майдонлар эса тилнинг функционал семантик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда экологик терминларнинг концептларини ташкил этади: 1). *Биоэкология; аутоэкология; популяцион экология; биогеоэкология; эволюцион экология; биосфера ҳақида таълим; экософия; интерэкохуқуқ; экологик маданият; одам экологияси.* 2). *Геоэкология; биогеоэкология; ҳудудий антропоэкология; ландшафт экологияси; гидросфера экологияси.* 3). *Амалий экология; тиббиёт экологияси; радиоэкология; энергетика экологияси; инженер экологияси; қишлоқ хўжалиги экологияси; табиий заҳиралардан фойдаланиш экологияси; кимёвий экология;* 4). *Ижтимоий экология; антропоэкология; эколингвистика (тил экологияси); видеоэкология; эконпсихология; оила экологияси; эконпедагогика; аркэкология; шаҳар экологияси; экосоциология; экосиёсат.* Бу рўйхат экологиянинг ўз соҳаси доирасида бўлиниши давом этиши мумкин.

Ҳар қандай ҳодисанинг моҳиятини чуқур англаб етиш учун уни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт шароитларни ўрганиш лозим. Тадқиқ этилаётган тиллардаги экологик терминларнинг ҳозирги қиёфада шаклланишига қандай омиллар таъсир қилганлигини аниқлаш ўрганилаётган бу муаммони ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Рус ва инглиз тилларида бошқа тараққий этган европа тиллари каби экологик лексика шаклланишида “экология” сўзи асосий термин ҳамда бу термин тизимида энг маҳсулдор сўз ясовчи воситага айланди.

Экологик йўналишдаги илмий тадқиқотларнинг фаол олиб борилиши янги билимлар, маълумотларни аниқлаш имконини беради. Эндиликда экология фақат табиатгагина эмас, балки жамиятга тегишли кенг қамровли фан соҳасига айланиб қолди. Ҳозирда инсон билимлари ва ижтимоий-иқтисодий соҳани экологик қонунларни ҳисобга олмасдан ривожлантириб бўлмайди. Бундан ташқари экологик ҳодисалар ҳақидаги билимларнинг қисми бўлган ва функционал тарзда аниқланган терминларнинг тушунчалари орқали ўз моддий ифодасини топган экология концептларининг таҳлили ҳам инсоният тарихида янги динамик даврнинг экологик

---

геосфер: от ядра до Космоса: Материалы Всерос. конф. Саратов, 17-20 апр. 2012 г. / Редкол.: А. В. Иванов, И. А. Яшков, М. Н. Пещеров, О. А. Волкова. – Саратов: Саратов. гос. тех. ун-т им. Ю. А. Гагарина, 2012. – С. 9-11.

тамойили шакланганлигидан далолат бермоқда. Буни экологик билимларнинг турли хилдаги инсон фаолиятига мувофиқ равишда узлуксиз кўпайиб бораётганлиги билан изоҳлаш жоиз. Объектив сабабларга кўра, Н.Н. Крючкова таъбири билан айтганда “экологизациялашмоқда”<sup>64</sup>.

Маълумки, ўзбек ва қорақалпоқ экологик лексикаси халқ тилидан чегараланган. Чунки, унинг асосини умумистеъмол лексика ташкил этади. Турли ҳодиса ва ҳар қандай тил соҳаси каби у ҳам ўзига хос хусусиятга эга.

Ўзбек ва қорақалпоқ эколлексикасининг лексик-семантик гуруҳлари, экологик номинация намуналари ушбу тиллар луғат бойлигининг таркибий қисмини ташкил қилади. Уларни бир тилли луғат ёки 2-3 тилли таржима луғатлари тарзида (тақдим этиш) тўплаш ва шундай экологик лексика манбаларини яратиш зарурияти ҳам аллақачон юзага келган. Бу эса экологик лексикани ҳар томонлама лисоний таҳлил этиш, унинг таркибий қисмлари, ясашиш моделлари ва усулларини аниқлаш, лексик семантик белгиларини ўрганиб таснифини яратишни тақозо этади.

---

64 Крючкова Н.Н. Лексико-семантические, словообразовательные и структурные особенности эко терминов в русском и немецком языках: Автореф. дис. канд. филол. наук. - Краснодар. 2006 - 10 с.

---

## 2-БОБ. ЭКОТЕРМИНЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 2.1. Турли тизимли тилларда экологик терминларнинг белгилари

Индустриаллашув, илмий-техникавий тараққиёт, жадал ижтимоий-сиёсий ҳаёт асри деб аталган, халқаро аҳамиятдаги воқеаларга тўла давримизда, тилнинг лексик бойиши жараёни тинимсиз давом этмоқда. Жамият ҳаётида содир бўлаётган ўзгариш ва турли жараёнлар жаҳоннинг барча мамалакатлари тилларида бевосита акс этади.

А.Горелов “тараққиёт жараёнида мураккаб тузилмалар олдингиларининг негизида пайдо бўлади ва кейинги ривожланиш босқичлари учун асос бўлиб хизмат қилади”<sup>65</sup> - дея таъкидлайди.

Oxford dictionary (2010) да экологияга берилган ... “the science of the economy of animals and plants; that branch of biology which deals with the relations of living organisms to their surrounding, their habits and models of life”.

Экология терминлари доирасидаги категориал кўп маънолилик бутун қисм муносабатларини фан – фан соҳаси – илмий йўналиш тарзида ифодалашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам экологик терминларнинг кўпчилиги бир неча маънони, хусусан, фан, фан соҳаси, йўналиш, концепция (таълимот) кабиларни билдириши мумкин, масалан: *замонавий акрология – архитектура экологияси – экологик архитектура* уч хил маънони билдиради:

1) сунъий объектларнинг атроф муҳит билан таъсирлашувини ўрганувчи фан;

2) архитектурадаги йўналиш; у инсоннинг туғилишидан қаригунича мавжуд бўладиган ижтимоий экологик эҳиёжларини максимал равишда ҳисобга олишни талаб этади (шаҳар ёки район қурилиши миқёсида);

3) архитектура таълимоти; у урбанизация муаммоларини вертикал мегаструктуралар қуриш орқали ҳал этишни таклиф этади.

Экологик терминларнинг қисқа шаклларда кўпроқ қўлланилиши нутқий тежамкорлик қонунининг таъсири ва уларни нутқда қўллашнинг қулайлиги билан изоҳланади. Экотерминлар

---

<sup>65</sup> Горелов А. А. Экология. - М.: Юрайт-М, 2002. - 312 с.

доирасидаги синонимия ва полисемия ҳодисаларининг мавжудлиги экология фанининг фанлараро ёндашув натижасида юзага келганлигидан далолат беради<sup>66</sup>. Бундай фанлар тоифасига кибернетика, термодинамика, синергетика ҳам киради. Улар бир-бири билан ўзаро таъсирлашиб, бир-бирига киришиб ва янги йўналишларни келтириб чиқарди. Уларни тадқиқ этувчи объектлар ҳам ўта мураккаб тузилганликлари билан ажралиб туради. Замонавий экологиянинг ўрганадиган объекти ҳам худди шундай. Экология ўз ичига илм-фаннинг барча соҳаларини қамраб олган ва асосий экологик ахборотнинг барча шаклларида намоён бўлувчи тирик модда ва ижтимоий биологик тур сифатида инсон ташкил этади. Тизимлаштирилган илмий экологик билимлар экологиянинг яхлит, интеграллаштирилган объектини ҳосил қилади. Улар биология, география, ижтимоий, иқтисодий, юридик ва бошқа гуманитар соҳалардан танлаб олинган бўлиб, уларнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятга эга ва бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ.

Экологияга оид терминлар инсон ва табиат ўртасидаги англаб етилган муаммолар мазмунини ифодалайди, бундай номинацияларнинг кўплиги негатив қўшимча маъно (коннотацияга) эга, масалан: *экологик тенглик; экологик ҳалокат, экологик фалокат, экологик қочоқлар, экологик жиноятлар, тирик қолишининг стратегияси* ва б. Кўриниб турибдики, кўпгина экотерминлар экспрессив эмоционал бўёққа эга: бу уларнинг семантик таркибига кирган ва алоҳида экосемалар мазмунида ўз аксини топган.

Экологик билим ва тушунчаларнинг дивергенция босқичида унинг семантик тузилиши ўзгаришларга учрайди. Конвергенция босқичида эса бу ўзгаришлардан фақат биттаси танланади ва натижада ҳам семантик, ҳам шакл жиҳатидан ягона бўлган структура ҳосил қилинади. Бу экологик фанларнинг номлари доирасидаги синонимия ҳодисаси орқали намоён бўлади: масалан: *глобал экология, мегаэкология, популяцион экология, аграр экология* ва б.

Экотерминлар тизимида у рус, инглиз, ўзбек ёки қорақалпоқ тилларида бўлишидан қатъий назар, синонимия ҳодисалари кузатилади. Синонимлар – бир реаллик, бир деннотат (предмет)нинг

---

<sup>66</sup>Косов А. В. Некоторые различия системной терминологии по сравнению с организацией общей лексики // Термин и слово: Межвуз. сб. - Горький: ГГУ им. Н.И. Лобачевского, 1980. - С. 13 - 22.

турли номлари, термин вариантлари эса битта тушунча (сигнификат)ни ифодаловчи турли номинатив бирликлардир.

Экологик терминларни тезаурус усулида ўрганиш экология фани соҳалар орасидаги тур муносабатларини аниқлаш имконини беради. Масалан, радиацион экология – экология бўлими, радиоактив моддаларнинг организмга таъсири ва уларнинг экотизимларда тақсимланиши ва миграциясини ўрганади. Дефиниция таҳлили шуни кўрсатадики, бу терминда таъсир лексикаси мавжуд. Шунинг учун радиоэкологияни факторал экология соҳасига киритиш ўринли. Чунки у атроф муҳитга таъсир этувчи барча ҳаёт омилларини ўрганади. Ўз навбатида, радиоэкология ҳам ер усти экотизимлар радиоэкологияси, чучук сув экотизимлари радиоэкологияси, денгиз экотизимлар экологияси каби кичик турларга бўлинади ва ҳ.к.

Экотермин – сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, деннотатив, сигнификатив, синтагматик, категориал ва грамматик маъноларни ўз ичига олган семантик ва шаклий белгиларига эга. Экотерминларнинг кўп қисмини эмоционал экспрессив коннотатив маънога эга лексемалар ташкил қилади.

Экотермин – бошқа экотерминлар билан синонимик, полисемик, баъзан омонимик муносабатларга киришади. Инглиз, рус, ўзбек ва қорақалпоқ экология терминшунослигида экотерминларнинг бу хусусияти турли кўринишда намоён бўлади: турли аффиксал терминлар, композитлар, эллипсислар, қисқартмалар, абсолют синоним ёки дублетлар кўринишида ва ҳ.к. (Экотерминлар орасидаги полисемия бир қатор экстралисоний сабаблар бир терминнинг илм фаннинг турли соҳаларида қўлланиши билан изоҳланади). Кўп маънолилиқ экотерминлар ичидаги тур муносабатларини ўрнатиш имконини беради, шунингдек илмий йўналиш ичидаги турли соҳаларга ишора қилади. Экотерминлар синонимияси ўхшаш маънони ифодалашда турли термин яшаш усуллари борлигини кўрсатади. Термин дублетлар сўз – сўз бирикмаси кўринишида синтактик кореллятлар ҳосил қилади; физиологик экология – органлар ва улар тизимининг физиологияси; тўлиқ шаклдаги термин қисқа шаклдаги термин экологик психопедагогика – экопсихопедагогика. Экофанлар дефинициясининг семантик таҳлили шуни кўрсатадики, экотерминлар семантик таркиби жиҳатидан, бир томондан, доимий маънони билдирувчи тушунчани ифодаласалар, иккинчи томондан,

ушбу соҳанинг концептуал имкониятлари чекланмаганлигини кўрсатади. “Муносабат”, “Таъсир”, “Қонуниятлар” каби семалар илмий экологик тадқиқотларнинг мураккаблигини номлайди ва маънонинг турғунлигини таъминлайди.

Ҳозирда мавжуд бўлган экология фани тармоқлари таснифлари замонавий дунё экологиягача бўлган даврдан экология даврига ўтиш билан машғул эканлигини уқтиради.

Экотерминлар экология соҳаси лексикасининг асосий қисмини ташкил қилади. Улар ушбу билим соҳасига оид бир маъноли илмий тушунчаларнинг турли тарзда ифодалаш воситаси сифатида хизмат қилади. Экологик терминларни маълум экологик тушунчаларнинг тизимини ифодалайди. Экотерминлар ҳар қандай термин каби билиш қуроли бўлиб хизмат қилади. Улар дефиницияларга эга эканликлари, ўз термин майдонида моносемантикликка мойиллиги, услубий жиҳатдан, одатда, нейтраллиги (лекин баъзан экотерминларда экспрессив коннотатив маънолар ҳам акс этади) билан тилдаги бошқа нотермин сўзлардан фарқ қилиб туради.

Ўз термин майдонидан ташқарисида экотерминлар детерминизацияланиши, яъни умумистеъмол лексикага ўтиши мумкин. Терминлашиш ва детерминлашиш термин ва нотермин сўзларнинг ўзаро таъсирлашуви ва бир бирига ўтишидан далолат беради<sup>67</sup>. Ҳар қандай сўз ёки сўз бирикмаси экотермин сифатида намоён бўла олади. Экотермин тизимига киритилган ҳар қандай сўз баъзан термин бўлмай қолиши ҳам мумкин.

Экотерминларнинг кичик ва катта тизимларга, тушунчавий, лексик – семантик, деривация ва грамматик миқёсида бирлашуви экология фанининг серсоҳа, сержабҳалигидан, бу эса, ўз навбатида, сайёрамиздаги ҳаётнинг серқирра, ранг баранг ва зиддиятларга бой эканлигидан далолат беради.

Экологик терминларнинг бошқа фанлар билан интеграциясига нисбатан қуйидаги терминлар гуруҳига ажратиш мумкин:

- соҳалараро терминлар яъни вазифаси жиҳатидан ҳар қандай соҳада ишлатиладиган экологик терминлар *energy (физика) balance (математика, иқтисод), chemicals (тиббиёт, кимё)*;

- умумилмий экологик терминлар: *analysis, control, system, technology*;

---

<sup>67</sup>Ахманова О.С. Терминология лингвистическая // Лингвистический энциклопедический словарь. 1990. М., С. 509.

-уникаль экологик терминлар: *autoecology; synecology; demoeecology, ecological system.*

Экологик терминологияда вариантларнинг мавжудлиги билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар мавжуд.

В.В. Снакиннинг “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” китобида рус ва инглиз экологик терминлардан мисол келтирилган:

- 1) фонетик вариантлар (хоминг-хоуминг);
- 2) график вариантлар (фиорд -фьорд, mould -mold, амёба ameba);
- 3) морфологик вариантлар (микрокосм–микрокосмос, мегаполис мегалополис, boscus -subboscus).
- 4) аффиксал вариантлар (эврифагия - пантофагия, isogeneic - syngeneic);
- 5) суффиксал вариантлар (*продуктивность первичная - продукция первичная, holistic -holological*);
- 6) композит вариантлар (*экобизнес — экологический бизнес, nutrient cycle -mineral cycle*);
- 7) эллиптик вариантлар ва қисқартмалар (*провал земной поверхности -провал поверхности, critical erosion velocity — critical velocity, bacteriophage -phage*);
- 8) аббревиатурали вариантлар (биохимическое потребление кислорода БПК, gross primary productivity -GPP);
- 9) “позицион” вариантлар (*генетический вид — вид генетический*);
- 10) новербал субституция/дублетлар (*крип — оползни, ледник — глетчер*).

Билимнинг муайян соҳасига боғланган терминлар йиғиндисига термин тизими деб айтилади. Термин тизимининг таркиби, умуман олганда, билимларнинг ижтимоий соҳасига оид муайян назарий тушунчалари терминлар таркибига мос бўлади<sup>68</sup>. Замонавий экологик терминология ва термин тизими лексикограф ва терминографларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунончи, экологик маълумотномалар ва маълумот базаларининг мавжудлиги, мазкур тармоқ терминологиясини унификация қилиш ва уйғунлаштиришга қаратилган халқаро лойиҳаларнинг кўплиги ана шундан далолат беради. Дармштад университетининг бир гуруҳ немис олимлари

---

<sup>68</sup>Лейчик В. М, Бесекирска Л. Терминоведение. Предмет, методы, структура. - Bialystok, 1998. - 184 с.; Никитина С. Е, Семантический анализ языка науки. - М.: Наука, 1987. - 143 с.

томонидан экологиянинг марказий тушунчаларини диахрония ва синхронияда таърифлаш мақсадида ташкил этилган НОЕК (*Handbook of Ecological Concepts*) лойиҳаси шулар жумласидандир<sup>69</sup>.

Тўлиқ эквивалентлик таққосланаётган тиллар лексемалари ўхшаш ташқи шаклга эга ва семантик жиҳатдан тўлиқ мос бўлсагина кузатилади<sup>70</sup>. Масалан, русча *литосфера* - инглизча *lithosphere*<sup>71</sup>. Ижтимоий лексикография соҳасида дефинициялари бир-бирига тўғри келган кириш ва чиқиш сўзликлари терминлари тўлиқ эквивалент ҳисобланади. Экологик терминологиянинг ўзига хос жиҳатларидан бири деб шуни айтиш мумкинки, ишлатилаётган лексика орасида фақат бир сўздан иборат терминларнинг ўзи нисбатан кам.

Экотермин-сўзлар қуйидаги турлардан иборат бўлиши мумкин:

- отлар: *ecology* – экология - экология - экология; *environment* - окружающая среда - атроф муҳит – қоршаган орталық; *bioethics* - биоэтика – биоэтика - биоэтика; *biosphere* – биосфера – биосфера – биосфера; *fauna* - фауна; *flora* - флора; *aquaculture* – аквакультура – аквамаданият – суў маданияты; *ecosystem* – экосистема – экотизим - экосистема ва хоказолар

- сифатлар: *abiotic* – абиотический – абиотик - абиотикалық; *hypersaline* – гиперсолёный – шўр тузли – шор дузлы; *benthic* – бентический – бентик - бентик; *ecological* – экологический – экологик – экологиялық ва хоказо.

- феъллар: *grade* – градуировать; *hydrophite* – гидрофит; *benthos* – бентос - ва хоказолар.

Экологиянинг асосий бўлимларига хос терминларнинг дефиницион таҳлили бизга ушбу экологик тармоқларнинг замонавий ҳолатини кузатиш имконини беради. Маълумки, термин-махсус тушунча белгисидир. Терминга берилган таъриф унинг тушунчага оид мазмунини ва белгиланаётган тушунча тематик соҳанинг бошқа тушунчалари орасидаги ўрнини очиб беради<sup>72</sup>. Аксарият терминологик тизимларнинг тушунчавий тузилмаси

<sup>69</sup> Лойиҳанинг [www.hoekweb.netV](http://www.hoekweb.netV) вебсайтига қаранг

<sup>70</sup> Дубичинский В. В. Основные аспекты переводной лексикографии // Актуальные проблемы теоретической и прикладной лексикографии: Межвуз. сб. научн. трудов. - Иваново: Юнона, 1997. - С. 110-118.

<sup>71</sup> Безносков В.Н., Горюнова СВ. Многоязычный словарь основных терминов по экологии. На русском, английском, немецком, французском и испанском языках. - М.: РУДН, 1995. - 128 с.

<sup>72</sup> Шелов С. Д. Терминоведение: семь вопросов и семь ответов по семантикетермина // НТИ. Сер. 2. Информационные процессы и системы. - 2001. - № 2.-С. 1-12.

асосида турга оид ва субординация (хилнинг турга муносабати) муносабатлари мужассам<sup>73</sup>. В.И. Булатов томонидан ажратиб кўрсатилган замонавий экологиянинг асосий блокларининг номларига берилган таърифлар таҳлили бизга асосий экологик йўналишлар тавсифини аниқлаш ва экологиянинг интегративлигини кўрсатиб бериш имконини берди<sup>74</sup>.

Экологик термин табиий тил бирлиги негизида тузилиши мумкин. Бундай ҳолатда лексик бирлик унинг асосида тузилган термин учун табиий тил субстракти бўлиб хизмат қилади. Олинган терминологик бирлик бошланғич сўзга омоним бўлади, чунки улар турли соҳаларда ишлатилади: сўз – табиий тилда, термин эса – махсус мақсадларга мўлжалланган тилда. Термин билан белгиланадиган махсус тушунча унинг мантикий суперстратини ташкил этади. Тушунчага оидлик терминнинг асосий белгисидир<sup>75</sup>.

Демак, барча тиллардаги экотерминлар қуйидаги хусусиятларга эга эканлигини қайд этиш мумкин:

- экотермин – махсус тушунчани ифодаловчи восита;
- экотермин икки хил табиатга эга: у бир пайтнинг ўзида тил бирлиги ва экологик билим бирлиги сифатида намоён бўлади;
- лисоний белги сифатида экотермин деннотатив, сигнификатив, синтагматик, категориал ва грамматик маъноларга эга;
- экотермин бошқа тил бирликларидан қўлланиш доирасига кўра фарқ қилади, чунки у махсус мақсадларда қўлланадиган тилнинг асосий элементи ҳисобланади;
- экотермин маълум терминлар тизими доирасида бошқа терминлар билан тартибли муносабатларга киришади;
- экотерминлар тизими турли типдаги луғатлардаги лексикографик тавсифлар натижаси, унинг таркиби маълум соҳа тушунчалари тизимининг таркибига айнан ўхшаш.

Экотерминлар тизимида у рус, инглиз, ўзбек ёки қорақалпоқ тилларида бўлишидан қаътий назар, синонимия ҳодисалари кузатилади. Синонимлар – бир реаллик, бир деннотат (предмет)нинг

---

<sup>73</sup>Шелов С. Д. Определение терминов и понятийная структура терминологии. - СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 1998. - 236 с.

<sup>74</sup>Булатов В.И. Российская экология на рубеже XXI века. - Новосибирск: ЦЭРИС, 2000.-44с.

<sup>75</sup>См: Володина М.Н. Лингво-прагматический аспект терминологической номинации // Терминоведение. Материалы Международной научной конференции "Терминологические чтения РоссТерма. 4". М., 1997. № 1-3.

турли номлари, термин вариантлари эса битта тушунча (сигнификат)ни ифодаловчи турли номинатив бирликлардир.

Мураккаб мажмуавий фанлар номларида куйидагича синонимик мувофиқликлар кузатилади:

– сўз – сўз бирикмаси кўринишида: *археэкология* – қадимги инсон экологияси, *биоэкология* – анъанавий экология, *санэкология* – саломатлик экологияси;

– сўз бирикмаси – сўз бирикмаси кўринишида: *глобал экология*, катта экология, умумий экология, тупроқ экологияси *педосфера экологияси*; экологик педагогика – *энвайронментал педагогика*;

– тўлиқ шаклдаги термин – қисқа шаклдаги термин: *геохимик экология* – *экогеохимия*; *экологик генетика* – *экогенетика*; *экологик тилшунослик* – *эколингвистика*.

Шундай қилиб, экотерминдаги кўп маънолилиқ (полисемия) сўзларнинг семантик структураси орқали тил ёрдамида дунёни категорияларга ажратиш принципларини акс эттиради, бунга сўзларнинг морфологик тузилишида ҳам уни акс эттириш усули орқали эришилади.

Тилшуносликдаги шу пайтгача юзага келган терминавий тизимларнинг тараққиётида (шу жумладан экология терминлари тизимида ҳам) терминларнинг интернационаллашуви энг асосий тамойил бўлиб қолди. Бу терминларнинг лексикадаги бошқа сўзларга нисбатан ўзга тиллар билан жуда фаол тарзда тўқнаш келаётганликлари билан изоҳланади. Бу ҳолат терминларнинг (шу жумладан, экотерминларнинг ҳам) ҳаддан зиёд кўпайиши ва улар ўртасидаги алоқаларнинг мураккаблашувида ҳам ўз аксини топади.

Мавжуд терминлар ҳақидаги материаллар асосида тўпланган янги билимларни умумлаштириш натижасида экотерминларнинг интеграцион фанлараро қатлами ҳам шаклланганлиги аниқланган. Бу рус, инглиз, немис ва француз каби тараққий этган тиллардагина эмас, балки экотерминлари шу кунга қадар умуман кўриб чиқилмаган, ўрганилмаган ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам улардаги экотерминларнинг барча лисоний хусусиятларини аниқлаш, тизимга солиш, ясашиш ва бошқа хилдаги моделларини аниқлаштириш каби масалалар ҳозирги пайтга келиб янада долзарб тус олди. Бу шубҳасиз, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ҳудудларида, айниқса, охириги пайтларда экологик шароитнинг ёмонлашганлиги, аҳоли ўртасида экологик

билимларнинг етарли даражада тарғиб қилинмаётганлиги каби бир қатор экстралисоний сабабларга боғлиқ бўлиб қолган.

Тадқиқотимизнинг вазифаси экологик терминларнинг деривацион тавсифи учун одатий бўлган турли-туман сўз яшаш воситаларини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат. Бу жараёнда унинг соҳалараро хусусиятга эга эканлиги, шунингдек сўз яшаш воситаларининг ўзаро таъсирига хос айрим хусусиятларни ҳисобга олиш лозим. Шундан келиб чиқиб, бу ўринда терминнинг деривацияси, терминологиянинг мавжуд тузилиш турлари, бойитиш йўллари ва таққосланаётган тилларнинг экологик терминологик тизимларининг ҳолатига оид умумий масалалар кўриб чиқилмоқда.

## **2.2. Турли тизимли тилларда экотерминларнинг шаклланиш тарихи**

Қиёсланаётган тилларда экологияга оид терминлар ўзларининг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихига эга. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам, худди бошқа туркий тиллардаги каби эколексик қатлам тарқоқ ҳолда ўрганилган. Эколексика бошқа турдаги лексемалар билан параллел равишда тадқиқ этилган бўлса-да уларнинг экологик соҳасига оид эканлиги аниқланмаган. Ўз даври учун табиий ҳол ҳисобланади, чунки ўтган даврда инсониятнинг экология тўғрисида билимлари етарли даражада шаклланмаган эди. Аммо эколексемалардан қорақалпоқ ва ўзбек тилида сўзлашувчилар доимо фаол фойдаланиб келишган. Тарихий манбалар эколексиканинг Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, А. Навоий, М.З. Бобур ва бошқа кўпгина мутафаккирларининг асарларида табиат- бу аввало сув, ҳаёт, тириклик асоси эканлигини ва қисман бўлсада экологик сўзларни ўрганилганлигидан далолат беради. Масалан, А. Навоийнинг асарларида табиатга муносабат ғоят чуқур ва гўзал ифодаланган. Навоий табиатда содир бўладиган аксарият воқеа ва ҳодисаларни инсонларга намуна сифатида кўрсатади. З. М. Бобур ҳам табиатни жуда севган, Ўзбекистондаги жуда кўп гиёҳ ва дарахт турларини, уларнинг хосияти ва аҳамиятини яхши билган. Ҳатто, Машҳур “Бобурнома” асарида ҳам Фарғона водийсига хос иқлим, табиий шароитлар, гўзал дала ва қирлар, ўзи томонидан ташкил этилган “Боғи Шаҳроро”, “Боғи Жаҳоноро”, “Боғи Наврўзий” ҳақида

маълумотлар келтирилган бўлиб, уларда бизни қизиқтираётган экосўзларни ҳам кўплаб учратиш мумкин<sup>76</sup>.

Табиатни эъзозлаш ҳар бир инсоннинг олижаноб бурчи ва маъсулияти эканлиги хусусидаги неча-неча аجدодларимиз сабоқлари неча замонлар ўтганига қарамасдан ҳали ҳануз ўз аҳамиятини сақлаб, аجدодлардан авлодларга ўтиб замонавий ютуқлар билан бойиб, умумбашарий аҳамият касб этиб келмоқда.

Инсон ва жамият, халқлар ва миллатлар ҳозирги давр ва келгуси насл насаб манфаатларига бевосита тааллуқли бўлмаган бирон бир масала йўқки муқаддас китоб Авестода тилга олинмаган бўлса.

Авестода ерга, дарёлару-боғлар, тоғлару булоқлар, кўлу саҳролар, оташу оловга алоҳида эътибор берилганлигига, теварак муҳитни покиза сақлашга одамларнинг диққатини тортилганига ишонч ҳосил қиламиз.

Она заминни улуғлаш, сувни ҳаёт манбаи деб кадрлаш, ҳаво ҳамда оловни илоҳийлаштирилган ҳолда эъзозлаш Авестодаги марказий масалалардан бири. Айниқса бу китоб аجدодларимизнинг табиатга, ерга, сувга, қуёш ва ҳавога бўлган илоҳий муносабатини ота она ва фарзандда меҳр оқибатини, уларнинг муқаддас тушунчаларни ўз ерларини кимлардан, қандай хавф хатарлардан жамоа бўлиб ҳимоя қилишнинг мукамал ёритиб бергани билан қимматлидир<sup>77</sup>.

Х асрдан бошлаб араб ва форс тилларидан ўзбек ва қорақалпоқ тилларига сўзлар ўзлаштира бошланган. Бунга Исломи динининг қабул қилиниши ва жорий этилиши ҳам ўз таъсирини ўтказди. Кўпгина тадқиқотларда табиий ҳодисалар, коинот, тиббиёт ва вақтга оид умумий лексик номинациялар, асосан, араб ва форс тилидан қабул қилинганлиги таъкидланади. Араб – форс дунёси маданият савиясининг юқорилиги араб ёзувининг тарғиб қилиниши, табиий фанлар, фалсафа ва тиббиётнинг сезиларли равишда тараққий этганлиги ушбу жараённинг муқаррарлигини белгилаб берган.

Арабча *дунё*, *умр* каби экотушунчалар нафақат ўзбек ёки қорақалпоқ тилларига, балки бошқа туркий халқлар тилларига ҳам ўзлашган. Арабча *давр* сўзи вақт номинацияси сифатида туркий тилларга ўтиб қолган. “*Замон*” сўзи унга синоним, у ҳам арабча сўз

<sup>76</sup> Қаранг: Шодиев Э. А. Навоий ва форс тожик адаблари., Т., 1989; Қаюмов. А., Алишер Навоий. Т., 1991; Жалолов Т. “Хамса талқинлари”, Т., 1960; Бобурнома. Т., 1989; КИтоб – 3 –закот. Т., 1993; Машрабов З., Шоакрамов С. Асрларни бўйлаган Бобур. Т., 1997.

<sup>77</sup> Махмудов.Т. Авесто.- Тошкент.: Шарқ.,2000. – 127 Б.

бўлиб, *давр, вақт, пайт* маъноларини ифодалайди. У барча туркий, ҳинд эрон, индонезия, кавказ тилларида ҳам қўлланилиб келинган. Ундан ҳосил қилинган форсча эронча “*замона*” сўзи замонлар маъносини билдиради ва “*замон*” сўзининг умумлашган шакли ҳисобланади. Маҳал сўзи ҳам арабча бўлиб “*бир пайт, вақт*” маъноларини англатади.

Ўзбек ва қорақалпоқ тиллари лексикасига кириб келган арабизмлар жумласига *ҳаво, нур, табиат* каби сўзлар киради. Масалан, *нав – янги, сорт* маъноларида ишлатилган, ҳозирги экологияга алоқаси бўлмаган “*магазин*” сўзи аслида арабча “*махзан, мухзан, мухазёна, хазина*” сўзларидан юзага келган. Асл тилда бу сўзлар “*омбор, хазина, ғазна*” маъноларини англатади. Ўзбекча *боғча, дармон, заҳар, заҳ, камалак* сўзлари форс тилидан ўзлаштириб олинган эколлексемалар ҳисобланади.

Хуллас, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги арабча-форсча этимологик қатлам тилларнинг эколлексикаси шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Арабча *муҳит, табиий, йил фасллари, дунё, нур, табиат, модда, зор, жаҳон, ҳалокат, жинс, ҳайвон, ҳаво, дарё* каби сўзлар ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги эколлексика ва айниқса, экотерминларнинг ҳосил қилинишида асосий сўз ясовчи компонентлар сифатида хизмат қилди. Бундай сўзларнинг тилимизда кўпайиб бораётганлиги уларни ҳар томонлама ўрганиш кераклигини талаб қилади. Ҳозирги пайтда аксарият арабча ва форсча ўзлашмалар соф ўзбекча, қорақалпоқча, Европа тилларидан ўзлашган сўзлар ўрнига ишлатилмоқда. Лекин баъзи ўринларда бунисини ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида татар ва мўғул тилларидан ўзлаштирилган экосўзлар ҳам учрайди. Мўғуллар империяси, кейинчалик Олтин Ўрда юзага келгач, XIII асрдан бошлаб туркий лексикага монголизмларнинг ўзлашганини кўпгина тадқиқотчилар таъкидлашади. Ўзбек ва қорақалпоқ тилшунослигида экологияга оид монголизмларга бағишланган тадқиқотлар яратилмаган. Манба сифатида мўғулча, татарча ва ўзбекча, қорақалпоқча изоҳли луғатлардангина фойдаланиш мумкин. Араб ва форс тилидан ўзлашган сўзлар туркий тилларда табиат ва об-ҳаво ходисаларини ифодалашга хизмат қилган, мўғул ўзлашма сўзлари, асосан, рельеф, ўсимлик, чорвачилик билан боғлиқ, хусусан, отбоқарликка оид сўзлар ҳисобланган. Масалан, мўғул тилидан олинган *тала* сўзи *дашт* маъносини; қозоқ, уйғур, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида эса у

“*текислик, дашт*” маъноларини, ёқут тилида “*тоза дала*” маъносини билдиради. Ёки эчки маъносини “*така*” сўзи билдирган қадимги мўғул тилида *tekke* шаклида, *жайрон* – малла от ёки антилопа, *бузу* маъносида, *қулан* умуммўғул тилида *хулан* – ёввойи эшак, унинг боласи, *қисир* – зурриётсиз, *чол* – оқарган маъноларида қўлланган.

Экология фани шаклланишга қадар ўзбек ва қорақалпоқ тилларида эколлексиканинг айрим намуналари бошқа турдаги лексик бирликларнинг зоонимлар, топонимлар, гидронимлар, архаизмларнинг этимологиясини ўрганиш билан бирга тадқиқ қилинган. Мас: *ҳаво, сув, дарё, Наманган* – *намак кўл* – *тузли кўл, Тошкент* – *тошдан бунёд этилган қўрғон* ва ҳоказо.

Х. Жамолхоновнинг ўзбек эколлексикасига доир тадқиқот ишида *сув* ва *ер* экосўзларининг жуда қадимий ҳамда умумтуркий қатламга тааллуқли эканлиги аниқланган.<sup>78</sup>

Ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ тилларида рус алифбосида нашр қилинган энг дастлабки луғатларида уларга мансуб эколлексика қайд этилган. Ўтган асрнинг охиридан ҳозирги даврга қадар нашр қилинган турли соҳаларга ва техникага оид луғатларда ҳам кейинги йилларда кириб келган аксарият янги экосўзлар жой олган. Улар, асосан, рус, инглиз, француз, араб, япон, корейс ва бошқа тиллардан кириб келган сўзлардир. Масалан: *Рельеф, саҳро, цунами, тайфун, дезактивация, дезинфекция, жазирама, сирка(лаш)*. Ана шундай лексикографик манбалар, энциклопедиялар, газета ва журналлар, бадиий асарлар ушбу тиллардаги эколлексикани тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам ривожланиши жиҳатидан тарихий аҳамиятга эга сўзлар қатламининг бир неча турини аниқлаш мумкин. Улардан, даставвал, умумтуркий этимологик ёки (генетик) қатламни ажратиш мумкин. Ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ тиллари ва улардаги эколлексиканинг ривожланишида араб ва форс тилидан ўзлаштирилган сўзлар (айниқса, Ислом дини қабул қилингандан кейин) катта роль ўйнаган. Бу давр лексикасида татар, мўғул, рус ва бошқа европа тиллари билан ҳам ўзаро таъсирлашувлар содир бўлиб турган. Ўзбек ва қорақалпоқ лексикасининг шаклланишида бошқа

---

78 Жамолхонов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук / Х.Джамалханов; Таш. пед. ин-т.- Ташкент, 1968. - 23 с.

тиллардан қабул қилинган ўзлашма сўзларнинг қайси тилдан қабул қилинганини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича гуруҳлаш жоиз:

- Умумтуркий экологик лексика.
- Ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг фақат ўзига тегишли лексикасининг шаклланиши.
- Ўзлаштирама эколексемалар.
- Араб ва форс тилидан қабул қилинган эколексемалар.
- Мўғулча, татарча сўзлар.
- Рус тилидан ва у орқали бошқа Европа тилларидан қабул қилинган экосўзлар.

Умумтуркий экологик лексикага бағишланган махсус илмий тадқиқотлар бўлмасада, бироқ табиий ҳодисалар, вақт, ер тузилиши, ўсимликлар билан боғлиқ номинациялар, лексика этимологияси билан туркий тилларнинг кўп асрлик тарихи давомида кўп тилшунослар шуғулланишган<sup>79</sup>. Умумтуркий лексика табиий ва об-ҳаво ҳодисаларини номлашда катта роль ўйнаган ва кейинчалик ўзбек, қорақалпоқ ва бошқа туркий тиллардаги экологик тушунчаларнинг ифодаланишида асос бўлиб хизмат қилган.

Умумтуркий сўзлар қаторига “*ботқоқлик*” сўзини киритиш мумкин. Қадимги ўзбек ва бошқирд тилида *баткак*, татарча *баткаклик*, уйғурча *паткан*, қозоқча, қорақалпоқча *батпақ*, озорийларда *батлак*, чувашларда *путлах*, туркманчада *батка*, *батча*, туркчада *батак*. Ушбу апеллятивнинг умумтуркий этимологик келиб чиқиши бот(ир) – феъл ўзагидан бошланади. Шу каби *булоқ*, *денгиз*, *кўл* сўзлари ҳам умумтуркий табиатга эга бўлиб, улардан ҳосил қилинган ясама сўзлар экологик гидролексика ҳам ўзбек ва қорақалпоқ (ва бошқа туркий тилларда ҳам) тилларда умумтуркий лексика асосида шаклланганлигини кўрсатиб турибди.

Демак, умумтуркий лексика ўзбек, қорақалпоқ (ва бошқа туркий тилларда) эколексиканинг шаклланишида энг дастлабки ва энг асосий негиз, деривация бўлиб хизмат қилган. Ушбу тилларда рельеф ва ўсимликлар турларини номлашда ва ҳозирги даврга келиб ўзига хос бир ҳолат, яъни *ли (-лик)* –*чилик* суффикслари иштирок

---

<sup>79</sup> Қаранг: Закиев М.З. Татары: проблемы истории и языка:Сб. ст. -Казань, 1995.-464 с.; Камалетдинова З.С. Тюрко-татарская географическая терминология и топонимия Томской области: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Казан, ун-т.- Казань, 1997. - 20 с.; Сабирова Г.С. Новые слова и новые значения в современном татарском языке (на материале периодической печати и словарей 1990-х г.г.): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. ИЯЛИ.- Казань, 1999. - 20 с.; Саттаров Г.Ф. Этапы развития и очередные задачи татарской ономастики. Пособие к спецкурсу "Татарская ономастика". - Казань: Изд-во Казан, ун-та, 1970. - 87 с.; Садыкова З.Р. Названия хозяйственных построек и инвентаря в татарском языке. - Казань: Печатный двор, 2003. - 212 с.

этган универсал модель юзага келдики, бу қадимги туркий тилда кузатилмаган. Бу сўз ясовчи моделнинг ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ тиллари учун янгилик бўлиб қолганлиги ва мустаҳкам жой олганлиги туфайли унинг таъсирида янги модель ва сўзлар яратилмоқда: *тоғли, тоалик, пастлик, дўнглик, тоғу – тош, паст баланд*. Эколексемаларнинг жуфтлашган сўзлар кўринишида қўлланилиши (бу энг қадимги номинатив ҳисобланади) ҳам ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ тилларида жуда тараққий этган. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги лексика бошқа тиллар таъсирида янги сўзларни ўзига ўзлаштириб борган. Унинг натижасида уларнинг ўзида ҳам бу жараён таъсирида ўзига тааллуқли лексик бирликлар, сўз ясовчи воситалар, умумий лисоний материал асосида янгича сўз яшаш усуллари, янгича деривация механизми юзага келган. Ушбу тилларнинг ўзига хос энг дастлабки эколексикаси, аниқроғи, табиат ҳодисалари, рельеф, гидротушунчалар, ўсимлик, чорвачилик ва деҳқончиликка оид номинациялари IX-X асрлардан бошлаб шакллана бошлаган.

Қадимги ўзбек тилининг география ва экологияга оид лексикаси “Бобурнома”да ўз аксини топган<sup>80</sup>. Масалан: *ўлка, иқлим, об-ҳаво, обиҳаёт, чакалакзор* ва ҳоказо.

Қорақалпоқ тилида бу лексик қатлам халқ дostonларида кўзга ташланган. Масалан: *ҳаўа райы, дўт тоғайлық, таўлық таслық, жаўынлы, шөлистан, нәлише, қудық, булақ, ойпатлық* ва ҳоказо.

XXI аср бошига келиб ўзбек ва қорақалпоқ эколексикаси уч йўналишга тўғри келади: илмий эколексика, адабий тил эколексикаси ва ўзбек ҳамда қорақалпоқ шевалари эколексикаси.

Терминлар тилдаги экосўзлар захирасининг асосий қисмини ташкил этади. Барча тиллардаги эколексика каби бу тиллардаги экологияга оид илмий терминлар ҳам аниқлиги билан ажралиб туради. Уларнинг кўпчилиги калька, ярим калька, халқаро сўзлар, халқаро бўлиб кетган “эко” элементини ўз ичига олган сўз бирликлари ташкил қилади. Бундай сўзларни ўзлашмалар деб ҳам бўлмайди, балки байналмилалашган илмий терминлар деб атаган маъқул.

50-йилларда илм фан ва техника тараққиёти туфайли “*йўлдош*”, “*сунъий йўлдош*”, “*қўриқ ерларни ўзлаштириш*”, “*кимёлаштириш*”

---

<sup>80</sup> Бобурнома. Т., 1989; Китоб – з – закот. Т., 1993; Машрабов З., Шоакрамов С. Асрларни бўйлаган Бобур. Т., 1997.

каби янги сўзлар пайдо бўлди. Бундай сўзлар ўша давр ходисаларини номлаш учун жуда зарур эди. Илмий терминлар, экотерминлар ўзбек ёки қорақалпоқ тилларининг қонуниятлари ва ривожланиш хусусиятлари асосида ясалади. Масалан: *герметиклаштириш* (герметизация), *кислоталилик* (кислотность), *оксидлашиш*, *хлорлаш*, *кристаллашув*, *филтрланиш*, *нурланиш*, *минераллаштириш*.

Ушбу терминларда эколексика билан боғлиқ ўзак одатда халқаро байналминал сўзники бўлиб, сўз ясовчи суффикс эса ўзи мансуб бўлган тил хусусиятлари билан белгиланади: *мутант +лик*, *минерал+ла+шув*.

Ҳозирги замон ўзбек ва қорақалпоқ тиллари рус тили ва, айниқса, у орқали Ғарбий Европа халқлари тилларидан ўзлаштирилган экосўзлар ҳисобига сезиларли даражада бойиди, чунки бундай сўзлар ўзбек ва қорақалпоқ тиллари эколексикасининг катта қисмини ташкил этади. Европача экосўз ва сўз бирикмаларининг бу тилларга ўзлашиши XVIII-XIX асрдан бошланган. XX асрдан бошлаб бу жараён яна ҳам жадаллашди. Масалан: французчадан: *фреон* (газсимон ёки суюқ органик модда, асосан музлатгичларда ишлатилади), *циклон* (об – ҳаво ходисаси), *дренаж*, *карьер*, *натурализация*, *токсин*, *деградация*, *популяция*, *газ*, *кадастр*, *бассейн*, *вибрион*, *дегенерация*, *браконьер* ва б. Инглиз тилидан рус тили орқали ўзбек ва қорақалпоқ тилларига *мониторинг*, *парк каби сўзлар кириб келган бўлса*, немис тилидан *шлак*, *филтрат*, *ландшафт*, *лавина*, *ареал* каби сўзлар, финн тилидан *тундра* сўзи, итальянчадан *карантин*, *лава*, исланд тилидан *гейдер*, япончадан *цунами* каби сўзлар ўзлашган.

Бу тиллар эколексикасининг шаклланишида қадимги грек ва латин тиллари катта таъсир кўрсатган. Бунга экология сўзининг ўзини, бундан ташқари география, биология, геология, ботаника каби номинацияларни ҳам келтириш мумкин. Қадимги грекча лексемалар асосида *экология*, *эготизим*, *озон*, *экотип*, *сейсмограф*, *биоценоз*, *организм*, *бактериофаг*, *некрофаг*, *биосфера*, *симбиоз*, *литосфера*, *биосинтез* каби сўзлар ясалган.

Илм-фан тилига қуйидаги экологик халқаро тушунча ва терминлар латин лексикаси асосида киритилган: *дехлорация*, *конкуренция*, *концероген*, *абориген*, *радиация*, *гербецид*, *санитария*, *гигиена*, *эволюция*, *эрозия* кабилар. Келтирилган мисоллар ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ эколексикасининг шаклланишида қадимги грек, латин ва

ғарбий Европа тиллари катта роль ўйнаганлигини кўрсатади. Қорақалпоқ, ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги кўп асрлик маданий ва иқтисодий алоқалар уларнинг тилларида ҳам сезиларли из қолдирган. Рус тили ўзбек ва қорақалпоқ тилларига халқаро илм-фан лексикасини олиб кирди. Ўзбек ва қорақалпоқ эколлексикаси рус эколлексикаси билан синхрон равишда шаклланиб борди. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларига жуда кўп русча сўзлар ўзлашди. Уларнинг кўпчилиги учала тилда ҳам кенг қўлланилади. Ўзлаштирилган сўзларнинг баъзилари фонетик талаффузи ўзгарган бўлса ҳам, бошқалари янги тил таркибида ҳеч қандай ўзгаришларга учрамасдан қўлланилмоқда. Масалан: *нефть, канал, асфальт, атмосфера, канализация, гармон, экология, атом, молекула, электрон, радиация, комплекс, экотизим* ва ҳоказо.

Ўзбек ва қорақалпоқ эколлексикасининг шаклланиш жараёни ҳозир кунда яна ҳам жадал тус олган. Чунончи, рус, инглиз, немис, француз тилшуносликларида бу мавзу чуқур ўрганилган бўлса-да, аммо ўзбек ва қорақалпоқ тилида унга ханузгача эътибор қаратилмаган.

Умумтуркий эколлексиканинг асосий намуналари, энг аввало, осмон, коинот ва об-ҳаво ҳодисаларини номлашга хизмат қилади: *ер-жер; сув-суў; кўк-көк* ва ҳоказо. Бундай сўзлар ҳозирги туркий тилларнинг барчасида сақланиб қолган. Масалан, ўзбек тилидаги *юлдуз*, қрим татар тилида *сундуз*, қорақалпоқча *жулдыз, қуёш* (ўзбек), *қояш* (татар), *қуяш* (қорақалпоқча). Ўзбек ва қорақалпоқ тиллари эколлексикасининг яна бир муҳим таркибий қисми рельеф ва ўсимликларни ифодалашга хизмат қилувчи сўзлардан иборат. География, геология, ботаникага оид номинацияларнинг ўзаро боғлиқликлари уларнинг экологик моҳиятини очиб бериш имконини беради. Бундай сўзларга *ёғоч, ағаш, агач, яғач* (татарча), *йўвас* (чувашча), *ағас* (бошқирдча), умумтуркий *ауас, жауас, ауас, пас* (ўрмон, ёғочли маъносида) кабилар киради. *Сув* билан боғлиқ ҳодисаларни ифодалашда оқим сўзи *йохам* (чувашча), *оқим* (бошқирдча), умумтуркий *ак, сув, су, си* (дарё, кўл, денгиз) маъноларида *кўл, денгиз, шаршара* каби сўзлар қўлланилади.

Ернинг тузилиши, яъни рельефни ифодаловчи *яланглик, алан* (татарча), *жолан*, умумтуркий *йалан, қир, кир, хир* (қипчоқ тилларидан), қирғоқ умумтуркий *қуруау, тақир ер, дашт туз* – умумтуркий, *тоғ, тау, таў* (қорақалпоқча), *ўрмон* (ўзбекча), *орман* (қорақалпоқча), *яйлов, отар, утар* каби сўзларнинг асосий қисми

ҳозиргача етиб келган ва ҳозирда ҳам қўлланилмоқда. Шулардан, масалан *қир* сўзи бир неча маъноларга эга: 1) дала, аҳоли яшайдиган очиклик майдон; 2) чекка жой, чуваш тилида ушбу сўзнинг ҳар иккала маъноси сақланиб қолган. Ўзбек ва уйғур тилларида бу сўз “*чегара, чекка, ён бош, тизма, тўгон, даштлик, дала майдон, текислик*” каби маъноларни билдиради. Волга бўйи татарлари, ноғай, кўлик, марий, хакас тилида қир сўзи (қадимги туркийда [qur̥g̊] ёлғиз тоғ) *йўл бўйи, қиргоқ, бордю*р ёки аҳоли яшайдиган жойдан узоқдаги *ўрмон, дашт, чўл, тақир* жой, кенглик маъноларини англатади. Ўзбекча *тоғ*, қорақалпоқча *таў* эколексемасидаги та- (та) бўғини “*ер*”, “-*ў*” ёки “-*э*” эса “*ўғил*” маъносини билдиради. Қрим татар тилида ушбу номинация *дача* (тоғ ёки ўрмон маъносида) тарзида талаффуз қилинади.

Умумтуркий “*орман*” сўзи замонавий туркий тилларда ундан ясама сўзлар ҳосил қилинишида энг фаол номинация бўлиб чиқди. Кўп бўлмасида, лекин мисолларнинг таҳлилидан кўришиб турибдики, ўсимлик ва рельеф номинациялари ўзбек, қорақалпоқ ва бошқа туркий тилларда ўзбек ва қорақалпоқ эколексикасининг кейинги тараққиётига сезиларли таъсир қилди. Уларда турли хил ясама сўзларни яшашда асос бўлиб хизмат қилди. Умумий эколексемалар тизимида умумтуркий тилнинг гидролексикаси ҳам алоҳида ўрин тутди. У ҳам ўзбек ва қорақалпоқ тилларида экологияга оид тушунчаларнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бундай сўзларни тўплашда “*сув*” сўзи энг асосий лексема ҳисобланади. Умумтуркий “*su*” апеллятиви кўплаб дериватларнинг ҳозирги туркий тилларда юзага келишига сабаб бўлди.<sup>81</sup> Ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг изоҳли луғатларида “*сув*” сўзи асосий маъносидан ташқари “*дарё, ирмоқ, кўл, денгиз*” маъноларини билдиради.<sup>82</sup> Уйғурчада “*суб*”, туркманчада “*сув*”, тувачада “*ар*”, козоқ, қирғиз, татар, озарбойжончада “*су*” сифатида талаффуз қилинади. Масалан: ўзбек тилида “*дарё, денгиз, ирмоқ, сой*” каби сўзларнинг фаол қўлланиши кенг миқёсда амалга оширилади. Масалан, *ирмоқ, сой* сўзлари кўпроқ бадиий адабиёт матнларида қўлланилса, *денгиз* ва *дарё* сўзлари асосан, илмий адабий тил доирасида ишлатилади. Ҳозирги пайтда ўзбек ва қорақалпоқ тиллари эколексикаси янгиланиш босқичини бошидан

<sup>81</sup> Древнетюркский словарь. - Л.: Наука, 1969. – 512 – 515 сс.

<sup>82</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1981, 600 бет.

кечирмоқда, ушбу тилларга янги сўзлар кўпроқ ғарб тилларидан кириб келмоқда.

Адабий экологик лексика ҳам умумхалқ лексика сифатида тан олинган ва маълум даражада анъанавийлаштирилган. У ҳозирда аксарият фан тармоқларига кириб бормоқда ва унумли қўлланилмоқда. Унинг энг асосий хусусияти адабий тил меъёрларига мувофиқлаштирилганидир. Бунга эса, бундай сўзларнинг изоҳли, икки тилли луғатларда ёзма равишда қайд этилганлиги далил бўлиб хизмат қилади. Бундай эколексемалар стилистик бетараф, яъни буёқдор эмас: *атроф-муҳит, тәбият, жер, ер, тошқин, тасқын, қурғоқчилик, қурғоқшылық, ташиландиқ ер, тасландық жер, қумлик, қумлық, суюқлик, суйықлық* ва ҳоказо.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги эколексикани бойитувчи яна бир манба бу шевалардир. Шева сўзлар орқали эколексик тизимни таҳлил қилиш унинг янги хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Ўз хусусиятларига кўра шева сўзлар прогрессив ва регрессив турларга бўлинади. Биринчи тоифага мансуб шева сўзлар адабий тилда эквивалентларга эга бўлмайди. Нутқ фаолиятига улар машҳур бадий асарлар орқали татбиқ этилади. Масалан, машҳур ёзувчилар томонидан тақдим этилган экологияга оид қуйидаги сўзлар фаол қўллана бошланди (ўзбек ва қорақалпоқ тилларида). Масалан: *кузак-куз* фасли; *қиш* - аёз; *сахарда* – эрта тонгда; *зухро юлдузи* – тонг юлдузи; *оқшом* – кечаги кун.

Регрессив шева сўзлар адабий тилда аниқ эквивалентларига яъни синонимларига эга: *девосил* – *кийик оти*, *череда* – *иттикенек*, *сабзи* – *гешир*, *қовун* – *гурбек*, *қум* – *шеге*, *тарвуз* – *гарбыз*, *беда* – *жоньшиқа*, *чинор* – *гужум*, *ботқоқлик* – *балшық*.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ўрнашиб бўлган айрим шева сўзлар ўз хусусиятини йўқотиб эколексиканинг таркибидан мустаҳкам жой олган. Масалан: *ён* – канал, сув ўртасидаги оролча – *ўтов*, дала – *тахта*, силос – помидор, *бурч* – болгар қалампери, *зекаш* – шўр сув тўпланадиган жой, терак – дерак, *замча* – хандалак, *биринч-гурунч*.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги эколексика ҳозирги пайтга келиб сертармоқ тизимга айланган Янги экологик тушунчаларни ифодалашга бошқа тиллардан, масалан, араб тилидан қабул қилинган унсурлардан фойдаланиш кенг тарқалган. Масалан:

*ҳайвонот дунёси, табиат ҳалокати, дунё кўламидаги ҳалокат* ва ҳоказо.

Ўзбек ва қорақалпоқ тиллари экологик терминологиясида ўзлаштирма лексиканинг катта қисми байналмилал лексикадан иборат. Улар бир қатор афзалликларга эга:

1) ўзлаштирилган элемент нейтрал белги бўлиб, унинг афзалликларига қўшимча маъно, экспрессиянинг йўқлиги, имкон қадар моносемантик эканлигини киритиш мумкин;

2) байналмилал элементлардан қурилган термин турли тил соҳибларига тушунарлидир;

3) у аниқ ва қисқа;

4) унинг асосида янги атамаларни ҳосил қилиш учун очиқ бир турдаги терминологик парадигмалар қаторлари осон шакллантирилади.

Араб ва форс тилидан ўзлаштирилган сўз ва морфемаларнинг русча ва бошқа европа тилларидан қабул қилинган лексемалар билан бирикиши натижасида мураккаб сўз бирикмалари ҳосил бўлади: *табиат қонунларини ўрганиш, табиат объектлари, табиат системаси, дунё океани, ҳаво бассейни, географик муҳит, табиий ресурслар, табиий ландшафт, рельеф* ва ҳоказо. Бундай сўзлар чет тилларидан аввал ўзлаштирилган лексемалар бўлсада, бироқ улар ҳозирги замон ўзбек ва қорақалпоқ тилларига хос янги маъноларни, яъни, экологик маънога эга сўз бирикмаларини ифодалашга хизмат қилган. Дастлабки умумэкологик сўзларнинг шаклланиши ва ривожланишида қадимги шарқ цивилизациясига мансуб бўлган араб ва форс тиллари катта роль ўйнади. Уларнинг таъсирини ҳисобга олмасдан туриб ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экотерминларнинг ҳозирги ҳолати ва манбалари аҳамиятига тўғри ва холисона баҳо бериб бўлмайди.

Русча ва инглизча экотерминлар ўзбек ва қорақалпоқ тилларида тўғридан-тўғри калькаланиш йўли билан ўзлаштирилган. Ўз тилида бир сўз билан ифодаланган сўзларнинг кўпчилиги ўзбек ва қорақалпоқ тилларида одатда сўз бирикмалари кўринишини олади. Масалан: *экология выживания* – тирик қолиш экологияси, *многоголовые мутанты* – кўп бошли мутантлар, *морозостойкий сорт помидора* – помидорнинг совуққа чидамли сорти ва ҳоказо. Ёки одатда бундай операция манипуляцияда табиий шароитда бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлмаган организмлардан фойдаланилади. Генетик операциялар, табиат қонунлари, балиқлар

ва ўсимликлар ўзаро чатиштирилмоқда; - калькалар ҳисобланса; трансген ўсимлиги озукалар занжири неъматлари мавҳум очил дастурхон; нанотехнология оқибати; ҳайвонот ҳаёт тизими; экологик фалокат генлари каби сўз бирикмалари изофа шаклида намоён бўлади.

Рус тилидан ўзгармасдан қабул қилинган сўзлар жуда кўпчиликни ташкил қилади: *ботаник, ландшафт, кислота* ва х.к.

Умуман олганда, лексик ва бошқа лисоний ўзлаштириш жараёни ҳар бир жонли тил учун табиий ҳол ва муқаррар тараққиёт натижаси. У ҳар қандай тил учун прогрессив аҳамиятга эга.

Келтирилган далиллар шуни кўрсатадики, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари экологик терминологиясининг XX аср бошларигача бўлган шаклланиш ва ривожланишининг бу босқичида муайян бир тизим ҳолига келган, бирор аниқ тартибга туширилган терминология бўлмаса-да, халқ нутқида ёки ёзма манбаларда қўлланиб келинган, бундай терминлардан фойдаланилган. Бундай терминлардан айримлари ҳозиргача яшаб келаётганлиги тожиклар, араблар, форслар, ўзбек ҳамда бошқа туркий халқларнинг ҳаётнинг ҳар жабҳасидаги алоқалари воситасида оғзаки ҳамда ёзма тилнинг узок ва мураккаб ривожланиш маҳсулидир. Асримизнинг 20-йиллари ва 30-йилларининг бошларида ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ тили лексикаси ва терминологияси ҳамда имлосининг назарий асосларини ишлашга киришила бошлаганлигини уқтириб ўтиш лозим бўлади. Ўз олимларимизнинг тилимиз ва ўзимизга хос рисола ва дарсликлар яратиши, бошқа (асосан рус) тиллардан таржима қилиши, турли соҳалар бўйича терминологик луғатларнинг яратилиши ўзбек тилида турли фан соҳаларига оид терминологик тизимларнинг янада ривожлана бошлашига сабаб бўлди.

Диссертацион тадқиқотда инглиз ва рус тилларига қиёслаган ҳолда замонавий ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экологияга оид терминларнинг ясалиши, яъни деривацион механизмларини аниқлашни мақсад қилиб қўйилган.

## 2.3 Экологияга оид терминларнинг деривацион таснифи

Деривация тушунчаси сўз яшаш амалиётларини белгилаш учун киритилган ва аввал бошида сўз яшаш терминига тенг эди. Лекин лексик ва синтактик деривация фарқлангандан сўнг<sup>83</sup>, деривация тушунчаси тил шакллари сўз чегарасидан ташқарида яшаш жараёнларига нисбатан қўлланила бошланди. Деривация тушунчасининг кенгайиши деривацион жараёнларни матн даражасида тадқиқ қилишга олиб келди, ва дериватология томонидан ўрганилади.

Деривация – (лот. *derivatio* – ҳосил қилиш, яшаш) – бир тил бирликларини (дериватларни) бошланғич асос сифатида қабул қилинадиган бошқа бирликлар негизда ҳосил қилиш жараёнидир, энг оддий ҳолатда бу ўзакни аффиксация ёки сўз кўшиш ҳисобига кенгайтириш орқали амалга оширилади, шу муносабат билан деривация баъзан сўз ҳосил қилиш ёки ҳаттоки сўз яшашга тенглаштирилади, яъни “тилда ҳар қандай иккиламчи белгиларнинг ҳосил қилиниши, бошланғич деб қабул қилинган бирликлар ёрдамида тушунтирилиши мумкин, ёки улардан муайян қоидалар, операцияларни қўллаш йўли билан чиқарилиши мумкин”<sup>84</sup>.

“Деривация” сўзи тармоқланиш шаклланиш маъноларини англатади ва бу орқали тилшуносликда муайян тил бирлигининг бошқа бир бирлик асосида шаклланиши тушунилади.<sup>85</sup>

Ҳозирги пайтда дериватология – бу тилнинг функционал тадқиқотлари соҳаси бўлиб, деривацияни кенг маънода ўрганади.

Катта энциклопедик луғатда деривация тушунчасини янада кенгроқ очиб бериш учун, уни термин сифатида тушуниш кераклиги, сўз ўзгартириш (*inflection*) ҳам, сўз яшаш (*word-formation*) ҳам, муайян тил қоидаларига бўйсунган ҳолда ҳосил бўлиши қайд этилади<sup>86</sup>.

«Деривация сўз, гап, сўзнинг грамматик шакллари, сўз бирикмалари, фразеологизмлар, бўғин ёки тактлар ва матнларни, яъни фонемадан тортиб матнгача, барча тил бирликларини яшаш жараёнидир»<sup>87</sup>.

<sup>83</sup> Курилович Е. Очерки по лингвистике.-М., 1962. –С 57-70.

<sup>84</sup> Большой энциклопедический словарь. – Москва, 1990, -С. 129.

<sup>85</sup> Лингвистический энциклопедический словарь. –М., 1990. –С.129.

<sup>86</sup> Там же.

<sup>87</sup> Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. Пермь, 1984. С.3-4.

Деривацияга ишчи таъриф сифатида биз қуйидагиларни қабул қиламиз: деривация – янги сўзларнинг аффиксал ёки аффиксиз усул билан ҳосил қилиш, (лингвистикада) сўз ясашдир.

Деривация тушунчаси XX асрнинг ўрталарида Прага тилшунослик мактабининг номоёндаларидан бири Ежи Курилович томонидан киритилган. Олимнинг “Деривация лексическая и деривация семантическая” номли мақоласи<sup>88</sup> чоп этилгандан кейин, рус тилшунослигида дериватология масалалари тадқиқига янада эътибор қаратила бошланди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам дериватология масалаларига бағишланган жиддий илмий ишлар бажарилди ва бунинг натижасида ўнга яқин диссертациялар химоя қилинди ва илмий мақолалар ёзилди.<sup>89</sup>

Сўзларнинг деривацион нуқтаи назаридан фаол ёки нофаоллиги, албатта, уларнинг истеъмол даражалари билан боғлиқ бўлади. Бунда турли сабаблар аҳамият касб этиши мумкин. Масалан, баъзи сўзларнинг синонимлари мавжудлиги, бошқа бирларининг эскирганлиги ва айримларининг янгилиги уларнинг деривацион мавқеини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Агар сўзнинг синонимлари бўлса эскирган ва янги сўзларнинг бири эскирганлиги сабабли, иккинчиси эса янгилиги учун ҳали деривацион фаоллик даражасига етмаган бўлиши мумкин.

Мазкур мулоҳаза ўз қатламдаги сўзлар учун ҳам, ўзлашган сўзлар учун ҳам тегишлидир. Шундай ўзлашган сўзлар борки, улар деривацион нуқтаи назардан ўта фаолдир. Бунинг асосий сабаби яна уларнинг истеъмол даражалари юқори эканлигидадир.

“Деривация” сўзи тармоқланиш, шаклланиш маъноларини англатади ва бу орқали тилшуносликда муайян тил бирлигининг бошқа бир бирлик асосида шаклланиш тушунилади.<sup>90</sup>

Ҳозирги кунда тилшуносликда деривацион муаммолар қуйидаги уч йўналишда тадқиқ этилмоқда.

-лексик деривация;

---

<sup>88</sup> Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая//Очерки по лингвистике.-М.: Иностранная литература, 1962.

<sup>89</sup> Турниязова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн тилининг матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. Филол.ф.н....дисс. –Тошкент., 2010.; Турниязов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисга кириш.–Самарқанд, 1990. ;Четин М. Ҳозирги ўзбек ва турк тилларида сўз бирикмалари синтактик деривацияси. Филол.ф.н....дисс. –Самарқанд, 2002.; Холияров Л. Ҳозирги замон немис тилида содда гаплар деривацияси. Филол.ф.н. дис.... автореф.-Тошкент, 2004. Шодиев. Э. А. Навоий ва форс тожик адаблари., Т., 1989;

<sup>90</sup> Лингвистический энциклопедический словарь. –М., 1990. –С.129.

-синтактик деривация;

-семантик деривация.

Лексик деривация сўзнинг грамматик шакллари ҳамда сўз ясалиши муаммолари билан шуғулланади.

Синтактик деривация сўз бирикмалари ҳамда гапдан бошлаб микромаатнгача бўлган ҳосила қурилмалар шаклланиш масалалари доирасида тадқиқ этилади.

Семантик деривация эса тил бирликлари ҳамда синтактик қурилмаларнинг ҳосилалари талқини билан шуғулланади<sup>91</sup>.

Деривация, албатта, бирор материал асосида воқеланади, бундай материал ёки хомашё дериватологияда оператор деб номланади. Деривация ҳодисаси операторсиз воқеланмайди. Чунки оператор лексик деривацияда ҳам, синтактик деривацияда ҳам уларнинг вужудга келишини таъминловчи асосий восита саналади. Шу боис дериватологияда оператор деривациянинг мутлақ ҳоким унсури сифатида талқин этилади<sup>92</sup>.

Шунингдек, деривацион жараён бошланғич асос сифатида қабул қилинадиган бирликларнинг тузилиш шакли ва семантикаси ўзгаришига олиб келиши қайд этилган.

Деривация лексик ёки синтактик характерда бўлишидан қатъий назар, тил материалининг таҳлили уч нарсага асосланади:

а) операнд;

б) оператор;

в) дериват<sup>93</sup>.

Операнд – деривациянинг тил материали.

Оператор – деривация вужудга келтирувчи восита тарзида.

Дериват – деривациянинг натижасининг ҳосиласини тақаззо этади.

Лексик деривация бир босқичли бўлади: (*чи, лик, ли, бай*) *тоза, тозалик, ўтзор*.

*Жон + зот* (икки компонентли операнд).

*Ифлос* (операнд): *ифлослик* (оператор - лик).

Айтиш жоизки деривация операторсиз воқеланмайди. Чунки оператор лексик деривацияда ҳам, синтактик деривацияда ҳам уларни таъминловчи асосий восита саналади<sup>94</sup>.

<sup>91</sup> Шодиев Э. А. Навоий ва форс тожик адаблари., Т., 1989;

<sup>92</sup> Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики - 1972. -М., 1972. -С.599.

<sup>93</sup> Шодиев Э. А. Навоий ва форс тожик адаблари., Т., 1989;

Лексик деривация тушунчаси тилшунослик фанида қадимдан ўз ўрнига эга бўлса ҳам, унинг бир бўғинли сўзлар доирасида формал-структур таҳлил нуқтаи назаридан талқин этилиши илмий янгиликни тақозо этади ва тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги босқичи даврида ўта долзарбдир. Зотан, ҳосила структуралар деривацион хусусиятлари нафақат тил системаси унсурлари ўртасидаги муносабатлар доирасида, балки система унсурларининг нутққа кўчирилиши маслалари талқини сатҳида ҳам салмоқли аҳамият касб этади<sup>95</sup>.

Лексик деривация ҳар доим иккиламчи номинацияга ишора қилади. Бу жараёнда эса, ўз навбатида, деривация учун асос бўлаётган туб ҳамда ҳосила структура қолипида семантик номуштараклик рўй беради. Чунки лексик деривация ўз табиатига кўра марказдан қочувчи характерга эга.

Лексик маъно фақат тадқиқотга турдош сўзлар жалб этилса аниқланади. Сўзлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш тилларнинг семантик фарқига оид айрим фактларни аниқлаши мумкин. Мазкур тадқиқотда морфологик деривация йўли билан ясалган ва отларнинг бир морфологик тоифасига кирувчи бир ўзакли сўзлар жамламалари ҳақида сўз юритилмоқда.

Шундай қилиб, лексик деривация ходисаси ўзига хос системани ташкил қилади. Деривацион жараён шаклланиши ва бу жараёнда терминлар ясалиши, деривациянинг кейинги босқичларида ҳосиладан янги ҳосилаларнинг вужудга келиши унинг мураккаб система эканлигидан далолат беради.

Лексик деривация ҳар доим иккиламчи номинация ходисаси қолипида вужудга келади. Бу эса ўз навбатида, лексик деривация жараёнининг синтактик характерли эканлигини кўрсатади. Бунда деривация жараёни бир сўз (баъзан бирдан ортиқ сўз) қолипида шаклланади ва унинг гап шаклланиши билан алоқаси кўрсатилмайди<sup>96</sup>.

Лексик деривация доирасида бўлган бошқа икки компонентли бир бўғинли сўзларда ҳам кузатиш мумкин (тез – кор).

Белгининг мазмуни ўзгариши мумкин, яъни у янги маъно, функцияда қўлланила бошлайди, ёки ушбу ўзгариш эски белгини

---

<sup>94</sup> См: Хорковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики - 1972. -М., 1973. -С.599.

<sup>95</sup> Турниязова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн тилининг матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. Филол.ф.н....дисс. –Тошкент., 2010. - Б. 46.

<sup>96</sup> <http://slovaizbukv.ru/деривация.htm>.

ўзгартириш ёки уни бошқа тил белгилари билан уйғунлашишга йўналтирилиши мумкин.

Биз шунингдек, деривация жараёнларининг классификацион жиҳатини яъни уларнинг мунтазамлик даражасини қайд этамиз. Тил назарияси соҳасидаги тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, бирлик, унинг маъноси унинг қисмлари таҳлилидан келиб чиқсагина, мотивланган деб ҳисобланиши мумкин<sup>97</sup>. Шу тариқа тилда (юқорида таърифланган) йиғинди ва интегратив (унинг маъноси таркибий қисмларининг маъноларидангина иборат бўлмаслиги натижасида шундай тил бирлиги юзага келади) деривацион жараёнлар мавжуд. Катта энциклопедик луғатда чизикли ва ночизикли жараёнларга бўлиниши қайд этилган, деривациянинг чизикли жараёни натижаси бошланғич тил бирлигининг синтагматик ўзгаришидан иборат, бу белгиларнинг уйғунлашуви ёки тақсимланиш тартибига оид турли моделлардан фойдаланиш пайтида содир бўлади. Ночизикли деривацион жараёнлар белгининг сегмент давомийлиги эмас, балки кўпроқ белги ўзининг ички ўзаришига олиб келади<sup>98</sup>.

Е.Курилович томонидан таклиф этилган “Синтактик дериват” термини тушунчаси замирида сўз яшашнинг икки жараёни – лексик ва синтактик деривацияни фарқлаш назарияси мужассам<sup>99</sup>. Ушбу икки жараён ҳақида сўз юритилар экан, Е.Курилович, бир томондан, ўз эътиборини бошланғич ва ҳосила сўзнинг лексик маъносида жамлаган, бошқа томондан эса уларнинг “синтактик вазифасига” урғу берган: "синтактик деривация бир хил лексик маъно ичида содир бўлади. Лексик деривация эса бошланғич ва ҳосила сўзлар бирламчи синтактик функцияси бўйича бир бирига тенг"<sup>100</sup>.

Юқорида келтирилган фикрлардан: "Синтактик дериват – бу бошланғич шакл каби бир хил лексик мазмунга эга, лекин синтактик функцияси бошқача; у синтактик морфемага эга<sup>101</sup>, деган таъриф келиб чиқади.

Синтактик дериватни синтактик деривация жараёни натижаси сифатида кўриб чиқар экан, замонавий тадқиқотчиларнинг кўпчилиги синтактик дериват деганда шундай бир ҳосила сўзни

<sup>97</sup> См: Маслов Ю. С. Введение в языкознание. - СПб: Филологический факультет СПбГУ; М.: Академия, 2005; Бурлак С. А. Старостин С.А. Сравнительно-историческое языкознание. - М.: Академия, 2005; Бенвенист Э. Общая лингвистика. Издание 2-е-М; Едиториал УррС, 2002.

<sup>98</sup> Большой энциклопедический словарь. – Москва, 1998, -С. 129-130.

<sup>99</sup> Курилович Е. Очерки по лингвистике.-М., 1962.

<sup>100</sup> Там же.-С.62-63.

<sup>101</sup> Там же.-С.61-62.

тушунишади, унинг лексик маъноси бошланғич сўз маъносига айнан ўхшаш, лекин ундан бошқа сўз туркумига оидлиги билан, умумкатегориал маъноси ва синтактик функцияси билан фарқ қилади (қаранг: Земская А.Е., 1973; Ермакова О.П., 1984; Улуханов И.С., 1979).

Деривация бирор бир материал асосида воқеланади. Бундай материал ёки хомашёни дериватологияда операнд деб юритилади.

Сўз бирикмаси қолипидаги микроматнлар ҳам баъзи хусусиятларга кўра мустақил сўз билан ифодаланган микроматнларга ўхшайди. Буни биринчи галда улар орқали тугал ифодаси берилишини кузатамиз. Бундай микроматнлар бирор бир табиат ходисаси, ҳолатнинг номини ва х.к. аташда тўлиқ воқеланади.

Синтактик бирликлар (сўз бирикмалари ва гаплар)нинг синтактик- семантик номуносаблиги тилдаги шакл ва мазмун номуносаблигининг ўзига хос кўриниши ҳисобланади.

Сўз бирикмасининг синтактик деривациясини ўрганишда ҳоким компонент билан тобе компонентнинг қай тарзда муносабатга киришуви масаласи ҳам муҳимдир. Айнан шу нарса синтактик деривация ходисасининг энг юқори нуқтасини белгилайди, зеро алоқа воситаси синтактик деривациянинг оператори функциясини бажаради. Оператор – бу синтактик деривациянинг мутлоқ ҳоким унсуридир<sup>102</sup>.

Г.С. Чинчлей деривацияни кенг маънода англаган ҳолда, унинг замирида семантик деривацияни тушунади<sup>103</sup>.

Биз экологик терминларни аввало лексик, синтактик ва номинатив деривация сифатида кўриш билан бир қаторда, сўз яшашнинг бу усулида семантикада ҳам ўзгариш рўй беришини ҳисобга оламиз.

Деривациянинг кўрсатилган усуллари изоморфизм ва ўзаро таъсир муносабатларида бўлиб туради<sup>104</sup>. Бу айниқса деривацион парадигмада аниқ намоён бўлади. Сўз ясовчи тизимга бирёклама қарашдан қочиш ва сўз яшашнинг морфемали ҳамда семантик усуллариининг ўзаро таъсирини эътиборсиз қолдирмаслик зарур. Ҳосила сўзларда бир хил ўзакнинг шаклан такрорланиши улар

<sup>102</sup> <http://slovaizbukv.ru/деривация.htm>.

<sup>103</sup> Чинчлей Г.С. Функционально-семантический аспект языковых единиц разных уровней: межвузовский сборник. <http://slovaizbukv.ru/деривация.htm>.

<sup>104</sup> Маркова Э.В. Производные от зоонимов в русском языке (взаимодействие морфемного и семантического способов словообразования). –М., 1990. –С.61.

орасида семантик ассоциацияни қўллаб қувватлаш учун моддий асосни таъминлайди, лекин у унинг хусусиятидан аниқ далолат бермайди <sup>105</sup>.

Семантик деривация деганда бошланғич номинатив бирликлардан белги шаклини ўзгартирмай ҳосила ясашни тушуниш қабул қилинган <sup>106</sup>.

Туб сўз билан боғланган микроматн семантик деривация маҳсули саналади ва шу боис унинг шаклланиши фақат прагматик муҳит билан боғлиқ бўлади. Ясама сўз қолипида келган микроматн деривацияси эса аффикс морфема орқали ифодаланган операторга таянади. Бошқача қилиб айтганда, бунда лексик деривация қонуниятлари аҳамият касб этади. Туб сўз билан ифодаланган микроматнинг семантик деривацияси ноль операторли бўлади. Бундай оператор тилнинг бирор реал воқеаси орқали ифодаланмайди. Ясама сўз қолипидаги матн деривациясини эса реал операторли деб номлаймиз, зотан, бунда операторлик вазифасида аниқ ифодали аффикс морфема иштирок этади <sup>107</sup>.

Семантик деривацияни инсон фикрлаши мураккаб ментал ва ассоциатив жараёнларининг акс этиши деб кўриб чиқиш лозим. Ушбу илмий ишда семантик деривация механизмлари батафсил таърифланиб, уларни моделлаштириш ва универсаллаштиришга ҳаракат қилинган.

Экологик терминлар доирасидаги семантик деривация лингвистик тадқиқот нуқтаи назаридан жуда қизиқарли кўринади. Янги номинатив бирликлар пайдо бўлишининг ушбу йўли ҳозирги пайтда ушбу соҳада энг самарали ҳисобланади.

Деривацион парадигмани таърифлашда биз француз тилшунослигида И.А. Цибова томонидан тақдим этилган сўз яшаш парадигмаси тушунчасига таянамиз. Тилшуносликнинг фикрича, сўз яшаш парадигмаси бир яшаш усулига хос бир ўзакли негизлардан ҳосила занжирларини ўз ичига олади. Ушбу парадигмаларга кирувчи сўз яшаш турлари семантик категорияларни, яъни реал воқеликда мавжуд муносабатларни акс эттиради <sup>108</sup>.

---

<sup>105</sup> Кубрякова Е.С. Типы языковых значений. Семантика производного слова. М.: Наука, 1981. –С. 13.

<sup>106</sup> См. Никитин М. В. Основы лингвистической теории значения. – Москва, «Высшая школа», 1988.

<sup>107</sup> Қаранг: Турниязов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисга кириш. –Самарқанд, 1990. 7-9

<sup>108</sup> Цибова И.А. Определите значение слова .- М.; Изд. Междунар. отнош. ,1981.-С.7. 192с.

Деривацион жараёнлар асосан сўз яшаш турларида тадқиқ қилинади, яъни ҳосила сўзларнинг тузилиши ва семантикаси нисбати нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Ҳосила сўзга нисбатан қизиқиш доимо мавжуд бўлган ва яна шу билан ҳам изоҳланадики, ушбу тил бирлиги бир томондан, ҳосила функциясига мос номинация жиҳатидан буюмлар дунёсига қаратилган, бошқа томондан эса сўзлар дунёсига қаратилган ва уларнинг турли туман муносабатларини акс эттиради. Ҳосила сўз семантикасида сўз яшовчи негиз ва сўз яшаш элементи маъноси орқали бўлақларга ажратилган кўринишда атроф дунё объектлари, ҳодиса ва алоқалари акс этади, бу эса унинг тузилиши ва семантикаси ноҳосила бирликларга нисбатан мураккаброқ эканлигини изоҳлайди <sup>109</sup>.

Луғат таркибини бойитиш асосан тилнинг ўз ресурслари ҳисобига содир бўлади, бунда морфологик деривация етакчи ўрин тутди. А.А. Потебнянинг таъкидлашича, «генетик равишда ўзаро боғлиқ сўзлар ҳаётини шажара дарахти кўринишида тасаввур қилиш мумкин, унда бир ўзак йўқки, уни тушунтиришга ҳамма нарса боғлиқ бўлса, аввалги сўзсиз кейинги сўз бўлмас эди, биргина аввалги сўздангина яшалиши мумкин эмас, чунки у тайёр математик формулани ўзгартиришдан иборат эмас, балки мутлақо янги бир сўздир» <sup>110</sup>. Сўз яшаш тадқиқотнинг янада мураккаб объекти – номинатив тизимнинг асоси бўлиб чиқади <sup>111</sup>.

Номинация муаммолари коммуникация вазифалари билан бевосита боғлиқ. Н.Д. Арутюнованинг сўзларига кўра, семантикага хужум амалиёт эҳтиёжлари билан изоҳланади <sup>112</sup>.

Сўз яшаш тил номинациясининг махсус соҳаси ҳисобланади <sup>113</sup>. Миллий ўзига хослик сўз яшаш даражасида ҳам намоён бўлади. Шу тариқа, семантик инвариантларни ажратишда улардан айримлари тақдим этилган аниқ лингво-маданий жамоанинг менталитетини акс эттиради. Бу тадқиқ қилинаётган тиллар соҳиблари психологиясининг айрим ўзига хос жиҳатларини тил воситасида аниқлаш имконини беради.

---

<sup>109</sup> Аминова А.А. Производный глагол в сопоставительном аспекте: (На матер. рус. и тат. яз.) / А.А.Аминова; науч. ред. Ф.А.Ганиев.- Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1993.- С.5. 188 с.

<sup>110</sup> Потебня А.А. Мысль и язык. -М.: Лабиринт, 1999. -С. 217. -С. 300

<sup>111</sup> Никитевич В.М. Основы номинативной деривации, - Мн., 1985.-С.5.

<sup>112</sup> Арутюнова Н.Д. Семантика и ее место в деривационном процессе // Деривация и семантика. Пермь: ПГУ им. А.М. Горького, 1986. - С.3-9.

<sup>113</sup> Никитевич В.М. Основы номинативной деривации. Мн., 1985.-157 с.

Деривацион парадигмалар лексиканинг сўз ясашга оид тизимлигининг асоси ҳисобланади. Ҳосила сўз ўзининг парадигмаси бўйича унинг бошқа таркибий қисмлари билан айнан ўхшаш бўлиб, худди шу ўзак ва худди шу ясаш усулига оид сўзлар билан боғланади. Сўзларнинг парадигмаси бўйича тенглаштириш – бу уларни тизимга киритиш, уларни тизимнинг бошқа бирликларига ўлчовдош қилувчи хусусиятларни аниқлаш демакдир.

Шу тариқа, сўз ясаш уяларини таққослаш жиҳатидан энг ҳолис таҳлил қилиш учун шундай моделлар керакки, улар тиллардаги сўз ясаш жараёнларининг барча ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олсин. Бунда типологик тилшуносликнинг асосий назарий тамойили – таққосланишдан чекинмаслик муҳим. Сўзнинг тузилиши, сўз ясаш воситалари ушбу бирликлар соҳасидаги тузилишга оид асимметриянинг сабаби ҳисобланади, йирик сўз ясаш уяларини таққослаганда бошқа тилдаги мосликлар сони минимал бўлади<sup>114</sup>.

Сўз ясаш – бу «ҳосила ва мураккаб деб аталувчи сўзларнинг ясалишидир, бу одатда бир ўзакли сўзлар негизида тилда мавжуд намуна ва моделлар бўйича аффиксация, сўз қўшиш, конверсия ва бошқа формал воситалар ёрдамида амалга оширилади»<sup>115</sup>.

Экотерминларнинг шаклланишида ҳар бир манба ўзига хос термин ясаш усуллари талаб қилади. Булар: семантик усул, сўз ясаш ва калькалардир. Экотерминлар яшанинг ҳар бир манба ва ҳар бир усули яратилаётган терминнинг семантик структурасини белгилайди. Бу эса, ўз навбатида, унинг қўлланиш доирасини аниқлаш имконини ҳам беради.

Тилшуносликдаги шу пайтгача юзага келган терминавий тизимларнинг тараққиётида (шу жумладан экология терминлари тизимида ҳам) терминларнинг интернационаллашуви энг асосий тамойил бўлиб қолди. Бу терминларнинг лексикадаги бошқа сўзларга нисбатан ўзга тиллар билан жуда фаол тарзда тўқнаш келаётганликлари билан изоҳланади. Бу ҳолат терминларнинг (шу жумладан, экотерминларнинг ҳам) ҳаддан зиёд кўпайиши ва улар ўртасидаги алоқаларнинг мураккаблашувида ҳам ўз аксини топади.

Бизнинг тадқиқотимизда деривация ва сўз ясаш тушунчаларининг фарқланиши уларни синоним сифатидаги қўлланилишининг эҳтимолини йўққа чиқармайди.

---

<sup>114</sup> Земская Е. А. Словообразование как деятельность. - М.: Наука, 1992. С. 18. 221 с.

<sup>115</sup> Там же. –С. 29.

Умуман олганда деривация тушунчаси янада кенгрок, гиперонимик ҳисобланади, чунки сўз яшаш эмас, балки айнан деривация жараёнида янги илмий тушунчалар ҳам, янги маънолар ҳам кашф этилади.

Маълумки, сўз туркумининг лексик маъноси ва унинг синтактик функциялари ўртасида муайян муносабат мавжуд. Е. Курилович “у деривация жараёнлари йўналишида акс этади ва афтидан, тил тизимларининг индивидуал хусусиятлагига боғлиқ эмас” – деб ёзади<sup>116</sup>.

Терминологик деривация глобал жараён сифатида экологик термин тизимида асосий омил ҳисобланади ва уни барқарорлаштириш, шакллантириш ва экволюция воситаси бўлиб хизмат қилади. Барча деривацион жараёнларни экотерминларнинг деривацион салоҳияти ва когнитив хусусиятларини акс эттирувчи натижа сифатида талқин қилиш мумкин.

Экотерминларнинг деривацион тизимида термин яшашнинг синтактик усули хумкронлик қилади. Морфологик деривация доирасида суффиксация ҳукмрон, чунки у энг самарали ва кўп ишлатиладиган чет тилидан олинган суффиксал формантлардан иборат.

Шуни қайд этиш жоизки, экологик терминларни ўзлаштириш деривацион жараён сифатида когнитив, гносеологик ва ижтимоий жиҳатдан асосланган. У ҳам экологиянинг терминологик тизими эволюциясига, ҳам умумадабий тил ривожига тасъсир кўрсатади. Бунда ўзлаштириш ва экологик терминлар деривацияси жараёнлари лексикаллашув ва суффиксация жараёнлари билан баробар давом этиши мумкин.

Шуни тан олиш керакки, экотерминлар терминологик фаолиятнинг эволюцияси маҳсули ва натижасидир, чунки улар назарий ва амалий йўналишга эга.

Термин тушунчадан алоҳида мавжуд бўлмаслиги аниқланган, шу боисдан у семантик жиҳатдан парадигматикдир, яъни аниқ терминологиядаги муайян тушунча билан боғлиқ. Шунингдек термин дефиниция (терминга сўз билан берилган таъриф)сиз мавжуд бўла олмайди. Луғат дефинициясини маъно билан тўлдириш ҳамда унинг тўлиқ ва аниқлигини таъминлаш учун терминологиянинг

---

<sup>116</sup> Курилович Е. Очерки по лингвистике: деривация лексическая и деривация синтаксическая.  
<http://www.gumer.info>

дастлабки мантикий-тушунчавий таҳлилини амалга ошириш керак. Айнан мантикий-тушунчавий таҳлил луғатдаги мақолани шакли ва маъноси бўйича бир тизимга солади, унинг семантик жиҳатдан бойлигини белгилайди. Мантикий-тушунчавий таҳлил, шунингдек, терминологик дефиницияни бир хиллаштириш ва шу тариқа тегишли метатилни ривожлантириш имконини беради<sup>117</sup>.

Ирреаллик маъносини билдирувчи суффиксал воситаларни тадқиқ қилиш сўз яшаш моделлари ва сўз яшаш турлари доирасида долзарб масала ҳисобланиб, бу муаммо замонавий лингвистлар асарларида (Е.С. Кубрякова, 1969, Е.А. Земская, 1978, К.А. Левковская, 1952 И.С. Улуханов, 1977, Н.Г. Комлев) тур ва модель сўз яшашга оид дериватларни таърифлашда таснифлашнинг асосий бирликлари деб тан олинади.

Лексик birlikларнинг деривацион мақомини аниқлаш учун бошланғич назарий қоидалар сифатида сўзларни қисмларга ажратиш назарияси ва қисмларга ажратилиш ва ҳосилавийлик тушунчаларини фарқлаш назарияси орқали кўриб чиқилди, бундан мақсад ҳосила birlikлари мажмуини ноҳосила birlikларидан чегаралашдан иборат бўлади. Ушбу назариялар Г.О. Винокур, А.И. Смирницкий, Е.С. Кубрякова, Е.А. Земская, Н.А. Янко-Треницкая ва бошқа тилшунослар ишларида ёритилган.

Тадқиқ этилаётган тил материали шуни кўрсатадики, экологик терминлогик лексика таркибан турлича лексик birlikларга киради.

Сўз яшаш тизими доирасида бундай усулларнинг муайян сонидан фойдаланиш натижасида янги birlikлар юзага келадики, улар учун ҳозирча ягона термин ишлаб чиқилмаган.

Сўз яшаш тизими сўз ва морфемалар даражасидаги тил birlikларининг ўзаро таъсирлашувидан иборат, шу боис уни кўриб чиқишни айнан шу birlikлардан бошлаш тўғри бўлади.

Синтактик сўз яшаш деганда нафақат мураккаб сўзлар ва улар билан ўзаро боғланган сўз бирикмаларини яшаш жараёнлари, балки мураккаб қисқартма сўзлар (МҚС) ҳам тушунилади, чунки муайян сўз яшаш моделлари бўйича ҳосил қилинади. Сўз яшашни синхрон даражада сўзларни мавжуд моделлар бўйича (ўзак сўз тузилиши маъносида) танлаб қўшиш усули сифатида таърифлаш мумкин. Диахрон нуқтаи назардан мураккаб сўзларнинг ясалиши анча мураккаброқ ва кўпқирралироқ кўринади. Тарихан кўпгина мураккаб сўзлар кўп ишлатиладиган сўз бирикмалари сўзларининг

<sup>117</sup> См: Дианова Г.А. Термин и понятие: проблемы эволюции. - М.: Еврошкола, 2000. - 184с.

қўшилиши натижасида ясалган. Ҳозирги пайда ишлатиладиган кўплаб моделлар ўтиш босқичларини йўқотган ва ўз формулаларида фақат бошланғич ва якуний маҳсулларни сақлаб қолган. Бундан ташқари, ҳар қандай вақт оралиғида шундай сўз бирикмалари учрайдики, улар мураккаб сўзлар тоифасига ўтади, яъни сўз бирикмалари компонентларининг мураккаб сўзларга айланишининг охириги босқичида турибди, бунда улар сўз даражасидан морфема даражасига ўтади. Сўз бирикма – сўзларнинг мураккаб сўзларга қўшилишининг бу жараёнларини сўз бирикмаларининг лексикализацияси деб аташ қабул қилинган, мустақил сўз яшаш усулидан кўра кўпароқ сўз қўшиш вариантларидан бири сифатида кўриб чиқилса, тўғри бўлади.

Тил материали шуни кўрсатадики, экологик терминологик лексика тузилиши бўйича ҳар хил лексик бирликларга оиддир. Ушбу факт бизни лексиканинг таҳлил этилаётган қатламини биринчи навбатда айнан шу позициялардан туриб ўрганишга ундади.

Тузилиш нуқтаи назаридан таққосланаётган тилларнинг экологик терминологиясида ўзакли, ҳосила, мураккаб сўзлар, сўз бирикмалари, аббревиатуралар мавжуд.

Ўзакли сўзларга шундай лексик бирликлар киритилган, улар кўриб чиқиладиган тилларни таққослаш жиҳатидан бўлинмасдек кўринади, уларда ҳосиланинг генетик боғлиқлиги бузилган, аффиксациянинг шаффофлиги йўқотилган ёки соддалашув содир бўлган. Ўзакли сўзлар синтактик жиҳатдан мустақил ва муайян тушунчани ифодалайди:

Ўзакли сўзлар анча камсонли гуруҳни ташкил этади, одатда жинс билдирувчи маъноларни ифодалайди, умумбиологик терминологик фондга киради; ясама сўзлар эса кенгроқ тарқалган, кўпинча категориал тушунчаларни ифодалайди.

Ҳосила сўзларга шундай лексик бирликлар киритилганки, уларда қолган морфеманинг маъноси қанчалик аниқлигидан қатъий назар, ўзак ва аффиксни ажратиш мумкин. Масалан, ўзбек тилида: *ботқоқ, ўтлоқ, чўрлантириш* ва бошқ. Лексик-семантик ҳосилавийлик лингвистик терминология соҳасида деривацион жараёнлар билан детерминацияланади, бу эса моно- ва полилексемали термин бирликларини ҳосил қилишга қаратилган. Ушбу термин соҳасининг деривацион тизимида термин деривациясининг энг самарали усуллари деб синтаксик усул ва

суффиксацияни ҳисоблаш мумкин, префиксация камроқ продуктив ҳисобланади.

Мураккаб сўзлар - бу шундай сўзларки, уларда икки ёки ундан кўпроқ ўзак морфемелари ажратилади. Мураккаб сўзлар мураккаб аниқловчи отлар семантик тузилишининг бинарлиги туфайли тушунчанинг ўзини ва унинг тизимдаги ўрнини тавсифловчи тушунчаларнинг тур-хил муносабатларини билдириш учун жуда қулайдир: *атмосфера, биосфера, ер эрозияси*.

Сўз бирикмалари чуқур семантик маънога эга, шакли бўйича улар фразеологизмларга яқин, бироқ терминларга маъноларни образли кўчириш хос эмас, лекин элементларнинг барқарорлиги мавжуд: *хаво оқими, табиий сув*.

Таққосланаётган тилларда сўз яшаш усулларининг таҳлили ва умумлаштирилишига киришар эканмиз, шуни эслатиш жоизки, бизнинг асосий вазифамиз сўз яшашнинг амалдаги усулларини аниқлашдан иборат, буни нафақат умумий фойдаланувдаги лексика тизимда, балки илмий терминология тизимида ҳам ишлатиш мумкин. Терминлар эса кенг тарқалган лексика сўзларидан фарқли ўлароқ одатда мураккаброқ тузилишга эга бўлади.

Сўз яшашнинг барча усулларини бошланғич birlikлар ва якуний маҳсуллар билан бирга ўзга хос иерархик тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин, бунда ҳар бир даража аввалгиларига нисбатан таркиби ва тузилиши бўйича янада мураккаб birlikлардан иборат.

Шунингдек, деривация назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши турли деривацион моделлар қурилишига ҳам хизмат қилди, бунинг натижасида турли тиллар тизимларида иккиламчи тил birlikларининг белгиланиши, деривацион тузилмалар пайдо бўлиши ва турли хил формал операциялар ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилиши, шунингдек бу жараёнларнинг семантик хусусиятларини тадқиқ этишга замин ҳозирлайди<sup>118</sup>.

Терминлар инсоннинг фикрлаш фаолияти маҳсулларида мустаҳкамланар экан, улар тамойиллар, қоидалар, қонунлар, назариялар шаклланишига хизмат қилувчи восита бўлган терминлар фан ва техника тилининг муқим таркибий қисми ҳисобланади. Турли тизимли тилларда айниқса, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида экология соҳасига оид терминология масалалари қиёсий даражада

---

<sup>118</sup> См: Буянова Л.Ю. Терминологическая деривация в современном русском языке (метаязыковой аспект) / . - Краснодар, 1996.

деярли тадқиқ қилинмаганлиги сабабли замонавий ўзбек тилшунослигида экотермин пайдо бўлиши, ясашиш қонуниятлари ишлаб чиқилган эмас. Маълумки, терминнинг маъноси тушунчаларнинг бутун тизими билан белгиланади ва дефиниция ёрдамида терминга тиркалади. Махсус ахборотни ўзида мужассам этар экан, термин белги сифатида фикр-мулоҳазаларнинг узок занжирини якунловчи қисқа хулоса сифатида намоён бўлади.

Таққосланаётган тиллар лексикаси ҳар қандай бошқа тил лексикаси каби сўзларнинг семантик ўзгартирилиши, лексик ўзлаштириш, сўз ясаш ҳисобига тўлдирилади. Лексиканинг бир қатламини ташкил этувчи терминология унинг қонуниятларига бўйсунди. Терминларни яшашнинг семантик йўли тилда мавжуд сўзларни терминлаштириш, ҳаммага маълум лексик маънони илмий жиҳатдан қайта англаш йўли билан сўзлар ва терминларнинг янги маъноларини ҳосил қилиш ёки эскиларини ўзгартиришдан иборат. Бу жараён икки йўл билан боради: 1) умум қабул қилинган лексик маънодан воз кечиш ва сўзга қатъий, аниқ ном бериш йўли билан; 2) сўзнинг умумий қўлланишдаги лексик маъносининг асоси бўлиб хизмат қилувчи белгиларни тўлиқ ёки қисман ишлатиш йўли билан, яъни ўхшашлик, турдошлик ва бошқалар бўйича аташ.

Терминологиялаштириш кўпроқ терминларнинг шаклланишига оид илк босқичларга хос, лекин шаклланиб бўлган терминларда ҳам маъно, метафора, метонимия шаклида учрайди.

Ўзлаштира сўзлар тушунчалар тизими ва уларни ифодалаш усуллари такомилаштириш зарурати туфайли пайдо бўлади. Экологик терминологияда ўзлаштиришларнинг лексик, морфологик ва сўз ясаш турлари ишлатилган.

Шу билан бир вақтда, шуни таъкидлаш керакки, термин ясаш, бир томондан сўз ясашга нисбатан кенгрок, чунки сўз бирикма – терминларни яшашни ҳам ўз ичига олади, бошқа томондан торрок, чунки унда барча усул ва воситалар ишлатилмайди, боз устига коммуникантлар доираси чегараланган<sup>119</sup>. Ясама сўз- терминларни ҳосил қилишда суффикслар ва яримсуффикслар асосий ўрин тутди.

Барча сўз ясаш усуллари бошланғич бирликлар билан биргаликда муайян иерархик тизим сифатида таърифланиши мумкин, унинг ҳар бир даражаси аввалгилари билан таққослаганда таркиби ва тузилиши бўйича янада мураккаб маҳсуллардан иборат.

---

<sup>119</sup> См.Татаринов В.А. Теория терминоведения: В 3т. Т.1. Теория термина: История и современное состояние. -М.: Московский лицей, 1996.-311с

Қорақалпоқ тилида қайсидир вақтда сўз яшаш оддий сўз даражасида содир бўлган, бунга мисол тариқасида фонетик усулни келтириш мумкин, унинг ёрдамида кўп бўғинли, лекин морфологик жиҳатдан ажралмас сўзлар ясалган. Сўнг предметларни янада фарқлашга бўлган эҳтиёж шундай сўз яшаш усулларининг пайдо бўлишига олиб келди ва уларнинг маҳсули сифатида мураккаб (кўпинча икки морфемали) тузилишли сўзлар юзага келди. Бу усуллардан энг сермаҳсули сўз кўшиш усулидир, унинг натижасида бошланғич даражада мураккаб сўзлар ясалади.

Тарихан бу усул мураккаб йўлни босиб ўтди, унинг босқичларидан бири – ўзбек тилидаги сўз бирикмаларининг лексикаллашуви ҳозирда ҳам кузатилмоқда. Сўз бирикмаларининг лексикаллашувидан олинадиган маҳсул ва сўз кўшиш натижасида олинадиган натижа бир хил.

Мураккаб сўз луғатини тўлдиришнинг яна бир усули конверсиядан иборат. Бу усулнинг орқага қайтариш мумкинлигига эътибор қаратиш керак, яъни конверсия усули сўзларнинг бошқа туркумлардан отга ўтиши йўли билан луғат захирасини тўлдиришдаги иштироки муҳим аҳамият касб этади. Биринчи даражада ясама сўзлар деб аталувчи сўз яшаш маҳсули туради, улар аффиксация натижасида ҳосил бўлади. Ушбу даража сўзларининг ясалишига оид бошланғич бирликлар аҳамиятли бир бўғинли сўзлардан иборатдир.

Иккинчи даража ва кейинги даражалардаги сўз яшаш усуллари таркиби ва тузилиши бўйича янада мураккаброқ, биринчи навбатда бу мураккаб сўзлар ва сўз бирикмаларига тааллуқли. Улар аввалги даражалардаги мураккаб сўзлар ва сўз бирикмаларини ўзаро ёки ўзак морфемаси билан кўшиш натижасида ҳосил бўлган. Бошқача айтганда, биринчи даража сўзлари иккинчи даража сўзларини яшаш учун бошланғич бирлик бўлиб хизмат қилади.

Сўз яшаш модели самарадорлик, яъни аниқ материал билан тўлиш қобилияти билан тавсифланади. Шу маънода модел тил ривожига, диахронияда фаолият кўрсатади. Сермаҳсуллик “мутлак сон билан ифодаланиши мумкин эмас, чунки у фаолият кўрсатаётган экан, унинг имкониятлари чексиз” бўлган сўз яшаш моделининг сифат тавсифидир<sup>120</sup>. Бу албатта продуктивлик моделларнинг ўзаро таққослаш мезони бўла олмайди, дегани эмас. Аксинча, фаолият

---

<sup>120</sup> Тимофеев К.А. О некоторых вопросах словообразования (из лекций по современному русскому языку) / Новосиб. гос. ун-т. Новосибирск, 1993. -С. 16

кўрсатувчи моделни бесамар, кампродуктив, ёки тўла продуктив деб таърифлаш мумкин. Бироқ, продуктивлик даражасини ҳисоблаш мумкин эмас, у тез орада ўзгармаслигини ҳам кафолатлаш мумкин эмас. “Продуктивлик – сўз яшаш моделлари функционал имкониятларини баҳолашнинг нисбий, лекин кўпинча ягона мезонидир”<sup>121</sup>.

Сўз яшаш моделларининг сифати уларнинг умумлаштириш хусусиятидан иборат, яъни тузилиши бўйича қариндош бир қатор сўзларни ташкил этувчи ядроси сифатида хизмат қилиш қобилиятидан иборат. шу нуқтаи назардан моделлар сон жиҳатидан баҳолашни мумкин, яъни уларни ишлатиш сонини ҳисоблаш йўли билан, бунда уларнинг ишлатиш даражаси аниқланади.

Моделлар тавсифининг икки хусусиятли (бир томондан продуктивлик, бошқа томондан ишлатилиши) унга нисбатан икки хил ёндашувда мужассам. Бир томондан, биз уни намуна сифатида кўриб чиқамиз, аниқ материал билан тўлдирилиб, янги сўзлар яшаш эталони бўлиб хизмат қилади (фақат сифат томонидан баҳолаш имконини берувчи диахрон аспект), бошқа томондан биз уни моделни ташкил этувчи тузилиши бўйича бир хил сўзларнинг сеҳмаси (синхрон аспект, қайсики сон, миқдорий таҳлил ўтказиш имконини беради) сифатида кўриб чиқамиз.

Шу тариқа, ушбу ишда биз терминни терминологик маъноси асосий ҳисобланган сўз сифатида тушунилишидан келиб чиқамиз. Идеал ҳолатда терминлар - бу шундай сўзларки, уларнинг маъно жиҳатидан тузилиши билимларнинг муайян тармоғи билан боғлиқ маънолар билан чекланади.

Терминларнинг формал турларини таърифлаш аксарият терминологик тадқиқотларнинг анъанавий қисми ҳисобланади. Бироқ, терминларнинг тузилишга оид турларининг синхрон тадқиқоти терминлар ҳосил қилишнинг у ёки бу усул ва моделларининг самарадорлиги ҳақида ишончли маълумот бермайди.

Экологик терминларнинг деривацияланиш жараёнлари бир вақтнинг ўзида лексикаллашув ва суффикслашув билан кечиши мумкин.

Суффиксация оддий ва мураккаб лингвистик терминларнинг деривацияланишининг асосий усули сифатида намоён бўлади.

---

<sup>121</sup> Адливанкин С.Ю. Словообразовательная семантика и виды// Семантика и производство лингвистических единиц. -Пермь: ПГУ, 1979. - С.68-79.

Ўзакдан кейин турадиган аффикслар лингвистик термин дериватларни юзага келтиради, бунда жараён, натижа, белги, хусусият, жамулжамлик, шаклнинг базавий аҳамиятига эга.

Шундай қилиб, қиёсланаётган тилларда сўз яшаш – бу тилнинг алоҳида бўлими ҳисобланиб, сўзларнинг семантик тузилиши таснифлари ва уларни яшаш усулларини ўрганади.

---

## 3-БОБ. ЭКОТЕРМИНЛАРНИНГ ДЕРИВАЦИОН ТАСНИФИ

### 3.1. Экотерминларнинг лексик – деривацион хусусиятлари

Ушбу бобда экотерминларнинг лексик миқёсда ясалишини, яъни деривацион хусусиятарини тадқиқ қилар эканмиз, сўз қолипида рўй берувчи ясама сўз шаклланиши билан боғлиқ бўлган деривациянинг барча кўринишлари лексик деривация тарзида, синтактик деривация эса сўз бирикмаларидан бошлаб матнгача бўлган худудда воқеланувчи, семантик деривация сўз семантикасида сўз ясовчи негиз ва сўз яшаш элементи маъноси орқали бўлақларга ажратилган кўринишда атроф дунё объектлари, ҳодиса ва алоқалари ва ҳолатларини акс этиши тарзида талқин этилади.

Лексик деривация ҳар доим иккиламчи номинация ходисаси қолипида вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, лексик деривация жараёнининг синтактик характерли эканлигини кўрсатади. Бунда деривация жараёни бир сўз (баъзан бирдан ортиқ сўз) қолипида шаклланади ва унинг гап шаклланиши билан алоқаси кўрсатилмайди.

Тилнинг энг ҳаракатчан томони – бу унинг узлуксиз ўзгариб турадиган луғат таркиби. Янги сўзларнинг ясалиши янги предмет ва тушунчалар падо бўлгани сайин инсонларнинг мулоқоти эҳтиёжлари билан тақазо этилади. Луғат таркиби у томондан ифодаланган тушунчалар бойлиги турли туман маъноларни акс эттирувчи ва одамлар мулоқот эҳтиёжларини тўла тўқис қондирадиган сўзларнинг семантик туслари кўплиги билан ажралиб туради. Сўз яшаш муаммоларига бўлган алоҳида қизиқиш ҳам шу билан изоҳланади.

Ҳар бир тил эколексикаси ўзининг деривацион имконият ва ресурсларига эга, лекин ҳар бир қиёсланаётган (рус, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ) тилларда деярли бир хил. Шу билан бирга уларнинг ўзига хослари ҳам топилади. Барча тилларда эколексемалар лексик ва синтактик миқёсда фаол бўлган сўз яшаш усуллари орқали ҳосил қилинади. Лексик миқёсда лексик семантик усул анъанавий ҳисобланади. Масалан, барча тилларда лексик семантик сўз яшаш

усули мавжуд. Бундай сўз яшаш усули натижасида омонимик лексемалар кўпаяди. Бу сўзлардаги лексик маънонинг кенгайиш ҳисобига содир бўлади. Бундай сўз яшаш механизми асосида турли тематик гуруҳларга мансуб икки сўз ва улар маъноларининг ассоциация ёрдамида яқинлашиш ҳодисаси ётади. Лексик бирликнинг кўчма (метафорик) маъноси унинг номинатив функцияси сифатида намоён бўлади, яъни унинг номига ўтиб қолади.

Бунда қиёслаш учун, асосан, бир умумий элемент инсон танаси органлари, баъзида, кийимга тааллуқли предметлар олинади: *қўлтиқ* (тўғри маъноси) – *gulf* – *залив -Гибралтар қўлтиғи; тоғ этағи – at the foot of the mountain – подножья горы*. Рус ва инглиз тилларида ўзбекча “*этак, нога, foot*” сўзларига алмаштирилган. Туркий тилларда бундай сўз яшаш усули маҳсулдор эмас. Морфологик сўз яшаш усули барча қиёсланаётган тилларда энг маҳсулдор саналади. Унга префикслар, суффикслар, сўз (негизларини) қўшиш, конверсия (айниқса, инглиз ва ўзбек тилларида), сўзларни қисқартириш, новербал субституция (барча тилларда), семантик қисқартириш кабилар ёрдамида сўз яшашлар киради.

Аффиксларнинг сўз яшаш соҳасида сермаҳсуллиги ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг туб моҳиятидан, яъни уларнинг агглютинативлик хусусиятидан келиб чиқади. Бунда янги тушунчаларни ифодалаш учун тилда мутлақо янгидан пайдо бўлган лексемалардан эмас, балки мавжуд луғавий бирликларга ясовчи аффикслар қўшишдан ҳосил бўлган лексемалардан ҳам фойдаланилади. Лексемаларни ҳосил қилувчи аффикслар ясама терминлар ясалишида иштирок этади. Кези келганда айрим терминологик ишларда бундай ҳолатга эътибор берилмаслигини қайд этиб ўтишни ўринли, деб биламиз. Чунки, ясовчи унсур воситасида ҳосил қилинган ясама мустақил маъноли термин ҳисобланса, улар ёрдамида юзага келтирилган бирикмаларнинг биринчи компоненти термин элемент ҳисобланади. Шу боисдан, қуйида биринчи галда ясама терминларни юзага келтирган ясовчи элементлар хусусида сўз юритилади.

*Префиксация*, конверсия агглютинатив тиллар учун пассив сўз яшаш усуллари ҳисобланади. Префикслар, асосан, рус ва форс тилларидан қабул қилинганлиги сабабли фақат шу тилдан ўтган сўзлар негизларигагина қўшила олади: *антивирус, беадад, экотизим, дезактивация* ва б. Улар кўпроқ экотерминларда учрайди.

Экологияга оид терминшуносликда префикслар жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек тилида префикслар деярли йўқ бўлса-да, бироқ бошқа тиллардан инглиз ва рус тилидан ўзлаштирилганлари ўзбекча экотерминлар яшашда фаол қатнашади. Ана шундай сўз ясовчи морфема тоифасига эко- префиксини киритиш мумкин. Ушбу префикс барча тиллардаги экотерминлар тизимида энг фаоли, энг кенг тарқалгани ҳисобланади: экоэкономика, экотизим ва б.

Эко- префикси экологик сўздан такрор фойдаланиш имкониятини тежаш ва чеклаш учун хизмат қилади. У грек тилидан олингани учун барча тилларда бир хилда талаффуз қилинади, шунинг учун байналминал олд кўшимча саналади. Инглизча – русча экологик луғатда эко- кўшимчаси билан ясалган 53 та кўшма термин ва 92 кўп компонентли терминлар қайд этилган. Био- термин ясовчи кўшимчали сўзлар ушбу луғатда 209 та бирликни ташкил этади. Бундай префикслар тоифасига транс-, диа-, гидро-, микро-, каби грекча лотинча олд кўшимчалар ҳам киради.

Масалан: *биоэкономика, биометрия, гидробиос.*

Лекин айрим ҳолларда префиксал русча терминлар инглиз ва ўзбек тилларида суффиксли сўзлар ёки бирикмалар билан ифодаланади: *микросистема, конвергенция, дивергенция, интеграция.* Экотерминларнинг ясалиши жараёнида –*ациялаш, -циялаш, -чи, -иш, -изм* каби кўшимчалар (рус тилида: *-ация, -ция, -тель, -ение, -ство,* инглиз тилида: *-tion, -or, -er, -ing, -ty, -ant, -ment, -age, -ence, -able, -ism*) фаол иштирок этади. *Forester – ўрмончи, жамиятни экологизациялаш – экологизация общества, обитатели биосферы – биосферада яшовчилар* ва б.

Инглиз тилида конверсия энг анъанавий сўз яшаш усули бўлиб, унда сўз семалари парадигмаси сўз ясовчи восита сифатида хизмат қилади: *damage – зарар, to damage – зарар келтирмоқ; smog – тутун, to smoke – тутамоқ; flood - сув босиши, to flood – сув бостирмоқ;*

Ҳозирги замон ўзбек ва қорақалпоқ тилларида, хусусан, унинг терминологик тизимларида *-и(-иш)* аффикси фаоллашиб кетганлиги лексикология, терминологияга бағишланган қатор тадқиқотларда алоҳида таъкидланган. Уларда баён этилган фикрларнинг қай даражада тўғри ва ҳақли эканлигини фактлар ҳам яққол тасдиқлай олади.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам янги экосўзлар конверсия, яъни бир сўз туркумига тегишли сўзнинг бошқасига ўтиши натижасида

ҳосил бўлади. Бунга асосан, отлар тоифасига ўтиб қолган сифатлар, ҳаракат номлари киради: *тепа* (тепа жой), *баландда* (баландлик тепасида), *аччиқ*, *чучук*, *ифлос*, *исқирт*, *чирик*. Бундай сўзлар ўзбек тилида ҳам қорақалпоқ тилида ҳам кўп эмас.

Рус тилида конверсия усули кузатилмайди. Рус тилида худди инглиз тилидаги каби префиксал ва, айниқса, суффиксал усул маҳсулдор.

Инглиз тилида эколлексемаларни яшашда қуйидаги префикслар қўлланилади.

*Dis-* префикси сўз негизидаги *маънога тесқари ҳаракатни* ифодалайди. Лекин бу префикс билан ясалган сўзлар рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларига асосан икки компонентли сўзлар орқали ва ўзбек тилида *-моқ*, *-иш*, қорақалпоқ тилида *-иў*, *-иў* қўшимчалари билан ясалади. Лекин баъзи ҳолларда ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги мазкур префикс билан ясалган сўзлар икки компонентли сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бу ҳолат инглиз ва рус тилларидаги кўпчилик префиксларда ҳам учраб туради.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>Disforest</i>	<i>вырубать лес</i>	<i>ўрмонни кесмоқ</i>	<i>тоғайды</i>
<i>kesiў</i>			
<i>disarm</i>	<i>обезружить</i>	<i>қуролсизлантирмоқ</i>	<i>қ</i>
<i>уралсызландырыў</i>			
<i>disroot</i>	<i>искоренять</i>	<i>илдизини йўқотиш</i>	<i>тамырын</i>
<i>суўырыў</i>			
<i>disincrease</i>	<i>понижать</i>	<i>камайтириш</i>	
<i>кемейтириў</i>			
<i>discharge</i>	<i>разгружать</i>	<i>бўшат</i>	<i>босатыў</i>

Инглизча префиксал экосўзлар рус тилида ҳам префиксал сўзлар орқали ифодаланади.

*De-* префикси. Инглиз тилида *De-* префикси *тесқари иш* – *ҳаракат*, *ёки борини йўқ қилиш*, *қутулиш*, *озод қилиш* маъноларини билдиради:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>Denitrify</i>	<i>удалять азот</i>	<i>азотни чиқариш</i>	<i>азотты</i>
<i>шығарыў</i>			
<i>Devastate</i>	<i>опустошать</i>	<i>хароб қилмоқ</i>	<i>ўайран етиў</i>

*Depopulate*                    *обезлюдить*    одамлардан бўшатмоқ  
*босатыў*  
*Dewater*                    *отводит воду* сувни қочирмоқ            суўды қашырыў  
*Desalinize*                    *опреснять*            сувни чучуклаштирмоқ    суўды шорландырыў

*Re* – префигси *яна, қайтадан* деган маъноларни билдиради. Лекин бу ҳолатни биз ўзбек ва қорақалпоқ тилларида эса феълнинг маъно англатаётган сўзи олдиға *қайта* сўзини кўшиш орқали ясаймиз. Ва бу қиёсланаётган тилларда иш ҳаракатни қайтадан, бошқатдан содир этиш маъносини беради.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>refine</i>	<i>очищать</i>	<i>қайта тозалаш</i>	<i>қайта тазалаў</i>
<i>restock</i>	<i>пополнять запасы</i>	<i>заҳираларни тўлдириш</i>	<i>запас толтырыў</i>
<i>refores</i>	<i>пересадить лес</i>	<i>ўрмонни қайта тиклаш</i>	<i>тоғайды қайта тиклеў</i>
<i>rewater</i>	<i>оборотная вода</i>	<i>қайтар сув</i>	<i>қайтар суў</i>
<i>recycle</i>	<i>перерабатываться</i>	<i>қайта ишлаш</i>	<i>қайта ислеў</i>
<i>recover</i>	<i>возвращать</i>	<i>қайтиш</i>	<i>қайтыў</i>
<i>repopulate</i>	<i>вновь заселять</i>	<i>шаҳарлаштириш</i>	<i>қалаландырыў</i>

*Mis* – бирор ҳаракатни “*ёмон, нотўғри бажариш*” маъносини билдиради. Рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида бу префикс асосан иш ҳаракатнинг нотўғри, хато бажарилганлик маъноларини беради. Лекин юқорида айтиб ўтганимиздек инглиз тилидаги префикслар ўзбек ва қорақалпоқ тилларига икки ёки уч компонентли сўз бирикмалари орқали ифодаланиши мумкин.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>misuse</i>	<i>злоупотреблять</i>	<i>суистеъмол қилмоқ</i>	<i>ысырап етиў</i>
<i>mispend</i>	<i>неправильно использовать</i>	<i>нотўғри фойдаланмоқ</i>	<i>қате пайдаланыў</i>
<i>misapply</i>	<i>злоупотреблять</i>	<i>суистеъмол қилмоқ</i>	<i>ысырап етиў</i>

*Micro*– *кичик* деган маънони билдиради. Байналмилал префикс, у ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам ишлатилади:

Инглиз тилида тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ
<i>microsoom</i>		микрoоpганизм	микрoоpганизм
		микрoоpганизм	
<i>microenvironment</i>	микpосpeдa	микpомухит	микpоатpан
<i>microclimate</i>	микpоклимaт	микpоиклим	микpоықлым
<i>micropollution</i>	микpозaгpязнение	микpоифлослик	
		микpонaтaслық	

*Over* – префигси рус тилидаги *пере* – приставкасига мос келади. У ўзбек ва қорақалпоқ тилларида *устки ҳаракат, йўқотиши, ошиб ўтиши устида туриши ва ҳаддан зиёд* деган маъноларни англатади. Баъзи ҳолатларда ўзбек ва қорақалпоқ тилларида шу префигс билан ясалган экосўзлар от, феъл кўринишида ҳам ифодаланишини учратишимиз мумкин.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>overdo</i>	<i>переутомляются</i>	ҳолдан тоймоқ	ҳалдан тайыў
<i>overpopulation</i>	<i>перенаселять</i>	аҳолининг зич жойлашиши	тығыз жайласыў
<i>overflow</i>	<i>наводнение</i>	сув тошқини	суў тасқыны
<i>overwash</i>	<i>заплеск</i>	ювиши	жуўыў
<i>overfatigue</i>	<i>переутомление</i>	киришиб	кетилган
	<i>кирисиш кетиў</i>		

*Over* – префигси *Under* – префигсига қарама қарши маъно билдиради.

*Under* – нинг асосий маъноси ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ясалаётган сўз олдида *паст, пастда, пастга* каби сўзларни кўшиш орқали ясалади:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>Underground</i>	<i>подземный</i>	<i>ер ости</i>	<i>жер асты</i>
<i>Undersoil</i>	<i>подпочва</i>	<i>тупроқ ости</i>	<i>топырак асты</i>
<i>Underwater</i>	<i>подводный</i>	<i>сув ости</i>	<i>суў асты</i>

*Circum* – префигси инглиз тилида *ёнида турган ёки айланма ҳаракат* маъноларини сифат, от, феъллар кўринишида ифодалашга ёрдам беради. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида мазкур префигс

фақатгина уч компонентли сўз бирикмалари ёрдамида ифодаланиши мумкин.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>Circuitambient</i>	<i>омывать вокруг</i>		
<i>circuitambiency</i>	<i>окружающая среда</i>		<i>атроф муҳит</i>
	<i>қоршаган орталық</i>		
<i>circuitfliuous</i>	<i>окруженный водой</i>	<i>сув билан қопланган суў менен</i>	
	<i>қапланган</i>		
<i>circuiterraneous</i>	<i>окружающий землю</i>	<i>ер билан қопланган</i>	<i>жер менен қапланган</i>

*Anti-* қарши, қарама қарши маъноларида қўлланилади ва маҳсулдор ҳамда байналмилал сўз ясовчи қўшимча ҳисобланиб, қиёсланаётган тилларнинг барчасида бу префиксни учратамиз.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида бу префикс бирон нарсага қарши, қарсы лигини билдириб, мазкур сўзларнинг қўшилиши орқали ясалади.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>antibiotic</i>	<i>антибиотик</i>	<i>антибиотик</i>	<i>антибиотик</i>
<i>anticyclone</i>	<i>антициклон</i>	<i>антициклон</i>	<i>антициклон</i>
<i>anthelion</i>	<i>противосолнце</i>	<i>қуёшга қарши</i>	<i>қуяшқа қарсы</i>
<i>anticenter</i>	<i>антипод эпицентра</i>	<i>марказга қарши</i>	<i>орайга қарсы</i>
<i>antipole</i>	<i>противоположный полюс</i>	<i>қарши қутб</i>	<i>қарсы</i>
<i>mapen</i>			

*Inter* – орасида, аро, ўзаро – байналмилал қўшимча ҳисобланади:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>Interaction</i>	<i>взаимодействие</i>	<i>ўзаро таъсир</i>	<i>озара</i>
<i>mapen</i>			
<i>Intercontinental</i>	<i>межконтинентальный</i>	<i>континентлараро</i>	
	<i>континентлерара</i>		
<i>Interchange</i>	<i>переставлять</i>	<i>ўзаро алмашмоқ</i>	<i>озара</i>
	<i>алмасыў</i>		

*Sub* – энг маҳсулдор префикс. Рус тилидаги *под* – приставкасига тўғри келади. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида бу

префиксни бирон нарсани ёки белгининг ости маъносида ишлатилади.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
---------------	------------	--------------	-------------------

<i>Subsoil</i>	<i>подпочвенный</i>	<i>тупроқ ости</i>	<i>топырақ асты</i>
----------------	---------------------	--------------------	---------------------

<i>Subaqua</i>	<i>подводный</i>	<i>сув ости</i>	<i>суў асты</i>
----------------	------------------	-----------------	-----------------

<i>Suburban</i>	<i>пригородный</i>	<i>шаҳар яқинидаги қала жақинында</i>	
-----------------	--------------------	---------------------------------------	--

<i>sub fluvial</i>	<i>подводный</i>	<i>сув ости</i>	<i>суў асты</i>
--------------------	------------------	-----------------	-----------------

<i>subterraneous</i>	<i>подземный</i>	<i>ер ости</i>	<i>жер асты</i>
----------------------	------------------	----------------	-----------------

*En* – қиёсланаётган тилларда “*кириш, қўшилиш*”

маъноларидаги эколексемаларини ясада хизмат қилади:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
---------------	------------	--------------	-------------------

<i>Englobe</i>	<i>поглощать</i>	<i>ютмоқ</i>	<i>жутыў</i>
----------------	------------------	--------------	--------------

<i>Envenom</i>	<i>отравлять</i>	<i>заҳарламоқ</i>	<i>заҳарлеў</i>
----------------	------------------	-------------------	-----------------

<i>Enkindle</i>	<i>зажигать</i>	<i>ёқиб юбормоқ</i>	<i>жагыў</i>
-----------------	-----------------	---------------------	--------------

*Up - , under - , va over* – каби маъноларга эга бўлсада, маҳсулдор эмас:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
---------------	------------	--------------	-------------------

<i>upstream</i>	<i>вверх по течению</i>	<i>тепага оқим</i>	<i>тобеге агым</i>
-----------------	-------------------------	--------------------	--------------------

<i>upland</i>	<i>плоскогорье, нагорье</i>	<i>тоғ тепаси</i>	<i>таў тобеси</i>
---------------	-----------------------------	-------------------	-------------------

*Super* – энг маҳсулдор префикс бўлиб, экотерминларни ясада ўзбек ва қорақалпоқ тилларида “*кўп, юқорида*” каби маъноларни билдиради:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
---------------	------------	--------------	-------------------

<i>Supermarine</i>	<i>подводный</i>	<i>сув ости</i>	<i>суў асты</i>
--------------------	------------------	-----------------	-----------------

<i>superglacial</i>	<i>надледниковый</i>	<i>муз ости</i>	<i>муз асты</i>
---------------------	----------------------	-----------------	-----------------

*Суффиксация* энг қадимий сўз яшаш усулларида бири хисобланади. Эколексиканинг барча қиёсланаётган тиллардаги намуналарининг асосий қисми шу усулда ясалган. Ўзбек ва инглиз тилларида суффиксал эколексемалар икки типда ясалади:

1) бир суффикс ёрдамида (моноссуффиксал);

2) икки суффикс ёрдамида (бисуффиксал).

Инглиз тилида *-er, -age, -ion, -ation, -fication, -ness, -ment, -ty, -ity, -ant* каби суффикслар экосўзлар ясада иштирок этади.

Инглиз тилидаги *-ant* суффиксли модел феъллардан отлар ясайди: *pollutant* – *загрязнитель* – *ифлословчи - патаслаўшы* Бундай сўзлар рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги *-er, -тель, -ист, -чи, -шы* суффикслари билан ясалган эквивалентларга грамматик мазмунига кўра мос келади.

Инглизча *-ide* суффикси билан ясалган отлар феъллардан ҳосил қилинади ва улар кимёвий элемент ва моделлар номини аташга хизмат қилади: *chloride* – *хлорид*, *glyceride* – *глицерид*. Инглиз тилидаги *-al* суффиксли моделлар сифатлар ясайди ва улар муносабат ёки хусусият маъноларини билдиради. Улар, асосан, грекча лотинча негизлардан ҳосил қилинади:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>Littorial</i>	<i>прибрежный</i>	<i>соҳил бўйи</i>	<i>дарья</i>
<i>бойы</i>			
<i>Abyssal</i>	<i>глубоководный</i>	<i>чуқур</i>	<i>шуқыр</i>
<i>Bathyal</i>	<i>омывающий</i>	<i>ювиб турувчи</i>	<i>жуўйи</i>
<i>журиўши</i>			

Рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида бундай моделларда ясалган сўзларга префиксли ва суффиксли ёки сўз бирикмасидан иборат эквивалентлар тўғри келади. *-ic* (*-ик, -ический*) суффиксли моделлар асосида одатда, грекча, лотинча негизларни ўз ичига олган терминлар ясалади:

Инглизча	Русча	Ўзбекча	
Қорақалпоқча			
<i>Aquatic</i>	<i>водяной</i>	<i>сувга оид</i>	<i>суўга</i>
<i>байланыслы</i>			

Ҳар учала тилда ҳам ушбу суффикслар “қандайдир сифатга эга” деган кўшимча грамматик маънони терминларга олиб киради.

Агглютинатив тиллардаги эколлексемалар таркибига кўра синтетик ва аналитик сўзларга бўлинади. Бир ўзакли ва суффиксал сўзлар синтетик тил бириклари тоифасига киради. Бир ўзакли, яъни туб сўзларда сўз ясовчи кўшимчалар бўлмайди: *осмон, сув*. Бундай сўзлар барча тилларда у қадар кўп эмас. Туб сўзларга тарихан суффикслар ёрдамида ясалган, аммо таркибидаги суффикс аҳамиятини йўқотганлиги сабабли ҳозирги кунга келиб ўзакли туб сўзларга айланиб қолган сўзлар ҳам киради. Шунинг учун ҳам улар фақат этимологик жиҳатидан ясама сўзлар, уларнинг таркибидаги суффикслар эса ўлик ҳисобланади.

Икки суффиксли экосўзлар (R +s+s) инглиз ва ўзбек ва қорақалпоқ тилларига хос лисоний ҳодиса.

Масалан:

N+-er+-ing: *fishering* – *рыбаловство- балиқчилик – балықшылық*;

Инглизча бундай сўзларга бошқа тиллардаги бир суффиксли сўзлар тўғри келади. Аксарият ҳолларда уларнинг баъзиларига бирикмали эколексемалар мос келади:

N+-ous+-ness: *dangerousness* – *опасность – хавф хатар – қауип қатер*; *salinization* – *засоление почвы - ернинг шўрланиши – жердин шорланыўи*.

Флектив ва агглютинатив тилларда ўзак морфема ўзига ҳам префикс, ҳам суффиксни қўша олади. Ўзак морфеманинг сўз ясовчи морфема билан қўшилиши натижасида лексемалар ҳосил бўлади<sup>122</sup>. Бу ҳолат барча тилларга хос бўлгани учун бундай ясама сўзларнинг типологик мезонларини аниқласа бўлади. Барча тилларда экосўзлар бир лексема ёки бир неча лексемалардан иборат бўлиши мумкин. Лексемалар суффикслар ёки префиксларнинг ёки ҳар иккаласининг ҳам ўзакка қўшилишидан ҳосил қилиниши мумкин. Инглиз ва ўзбек тилларида ўзак морфемага икки суффикс қўшилиши натижасида ҳам янги сўзлар ҳосил қилинади. *Балиқ – чи – лик - fish – er – ing, рыбо- лов-ство – балық- шы- лық*.

Инглиз, рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида айрим экосўзлар бир неча *аффиксни* ўз ичига олган бўлиши мумкин.

Демак, аффикслар сони ҳам типологик категория бўла олади. Шунга кўра барча тиллардаги ясама сўзларнинг турларини уч мезон бўйича аниқлаш мумкин:

- бир лексемали эканлигига;
- аффиксал морфеманинг ўзак морфемага нисбатан вазиятига – суффикс, префикс, постфикс, инфикс, конфиксга кўра;
- ўзак морфема қўшиб олиши мумкин бўлган аффиксал морфемалар сонига кўра.

Ҳар бир тилда аффикс ўзакка ўша тил учун ўзига хос бўлган морфология қоидаларига биноан қўшилади. Сўз яшаш нуқтаи назаридан олиб қараганда, янги сўз ҳосил бўлишида унинг семантикаси сўз яшаш жараёнининг таъсирида ўзгаришига ва унинг

<sup>122</sup> Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке: Автореф. дис. ...канд. филол. наук/Т. Нугманов; Ташкент, 1971. - 25 с.; Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 23 с.; Ўринова О.Т. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик- семантик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 2007. – 125 б.

қайси сўз туркумига ўтиб қолиши ёки ўтмай қолишига қараб бир неча хил сўз яшаш муносабатлари фарқланади:

– сўзнинг семантикаси ўзгармайди, балки унинг бир сўз туркумига алоқадорлиги ўзгаради: *to liquidate* – ликвидировать – йўқ қилмоқ - жоқ қылыў феъл; *liquidation* – ликвидация – йўқ қилиш-жоқ этиў рус, англиз тилида – от, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳаракат номи;

– ҳам семантика, ҳам сўз туркуми ўзгаради: *to extinguish* – уничтожать – йўқ қилмоқ-жоқ қылыў; *extinguished* – потушенный – ўчган- сонген;

– семантика ўзгарса ҳам, сўз туркумига доир алоқадорлиги сақланиб қолади:

*to forest* – сажать лес – ўрмон барпо қилмоқ- тоғай егиў;

*to deforest* - вырубать лес - ўрмонни кесмоқ- тоғайды кесиў;

Экологияга оид сўзларнинг ясалишида қуйидаги аффикслар иштирок этади. Асосан барча қиёсланаётган тилларда аффикслар бир хил сўз туркумига қўшилади.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
-er: <i>smoker</i>	-тель: курильщик	-чи: чекувчи	-ши: шегиўши
-ist: <i>ecologist</i>	-Ø: эколог	-Ø: эколог	-Ø: эколог
<i>Economist</i>	-ист: экономист	-чи: иқтисодчи	-Ø: экономист
-age: <i>leakage</i>	-ка: утечка	-иш: оқиб кетиш	-ў: ағыў
<i>flowerage</i>	-ение: цветнение	-иш: гуллаш	-ў: гуллеў
<i>roughage</i>	-Ø: грубый	-Ø: қўпол	-Ø: қопал
<i>-ion, -ation, -tion:</i>			
<i>Radiation</i>	-ение: излучение	-иш: нурланиш	-ыў:
нурланыў			
<i>irrigation</i>	-ация: ирригация	-ация: ирригация	-ация:
ирригация			
<i>acceleration</i>	-ция: акселерация	-иш: тезлашиш	-иў:
тезлесиў			
-ness: <i>foulness</i>	-ение: приспособление	-иш: мослашиш	-иў:
бейимлесиў			
<i>Roftness</i>	-ость: испарченность	-лик:	бузилганлик-лық:
бузилганлық			
-ment: <i>abatement</i>	-Ø: защита	-иш: кураш	-с:
гурес			
<i>Assessment</i>	-ка: оценка	-иш: баҳолаш	-ў: баҳалаў

*-ty: purity*      *-ота: чистота*      *-лик: тозалик*      *-лық: тазалық:*  
*humidity*      *-ость: влажность*      *-лик: намлик*      *-лық:*  
*намлық*

*density*      *-ость: плотность*      *-лик: зичлик*      *-лық: тығызлық*  
*-ant (-ent): forestry* *-ство: лесоводство* *-чилик: ўрмончилик*      -  
*шылық:*

*-ry (-ery): pollutant* *-тель: загрязнитель* *-чи: ифлослантурувчи*      -  
*шы:*      *патаслаўшы*      *тоғайшылық*

*Absorbent* *-тель: поглатитель* *-чи: ютувчи*      *-шы : жутыўшы*

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида жуда фаол бўлган *-чи, -шы* кўшимчаси биринчи галда, турли категорияларга оид шахс номларини ясаб келади. Экологик терминология тизимида ҳам у мазкур соҳада иш олиб борувчи шахс маъносидаги кўплаб терминларни ясаб келади. *-ма* аффикси агглютинатив тилларда хилма-хил маънони ифодаловчи лексемалар ясайди. Унинг айримлари терминологик тизимларда бирмунча фаол эканлигини қатор илмий ишлар мисолида кўриш мумкин. Бу аффикс ёрдамида, гарчи кам миқдорда бўлса ҳам, ҳар ҳолда айрим экологик терминлар ясалган. *-кор* аффикс асосдан англашилган нарсалар-предметни етиштириш билан шуғулланувчи шахс отини ясаб (пахтакор, ғаллакор каби), экологик терминология тизимида мавҳум отларга кўшилиб, улардан англашилган иш-ҳаракат билан шуғулланувчи шахс оти ясайди. Ўзбек ва қорақалпоқ яъни агглютинатив тилларда юқорида берилган *-чи, -ши, -лик, -чилик, -шы, -лық, -шылық* суффиксларидан ташқари эколлексемалар ясаб:

*-гич, -кич, -қич* — *сузгич, ўлчагич, йиртқич* ;

*-ғыш, -қыш, -атуғын, -етуғын* — *сузгыш, олшейтуғын, жыртқыш*;

*-ма, -ме, -не* — *эритма, еритпе; қазилма, қазылма; бирикма, бирикпе*;

*-қин, -қын* — *тошқин, тасқын*;

*-инди, -ынды* — *чўкинди, шогинди; чиқинди, шығынды*;

*-зор, -зар* — *чакалақзор, орманзар; қайинзор, қайынзар*;

*-хона, -хана* — *иссиқхон, ыссыхана*;

*-н(-ин), -ун (-юн), -ак (-нак)* — *экин; бўғим; ўсма; элма тур* каби бошқа аффикслардан ҳам кенг фойдаланилади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, терминологияга оид тадқиқотлардан маълум бўлишича, бирор терминологик тизимда

аффиксация усули билан терминлар яшаш бир қадар фаол бўлса, бошқасида еса кammaҳсулдир. Масалан, ўзбек тилининг техника, музикашунослик, терминологияларида термин яшашда кўплаб аффикслар иштирок этгани ҳолда, касалликлар, доришунослик, химия терминологияларида термин ясовчи аффиксларнинг миқдори анча чекланган.

Инглиз тилида уч аффиксли сўз ҳам пайдо бўлган: *Environmentalist* – атроф муҳитни ифлосланишига қарши курашувчи воситаларни ишлаб чиқувчи олим.

Инглиз тилида  $p+R+s$  кўринишидаги, яъни лексема таркибида бир префикс ва бир суффиксга эга бўлган сўз яшаш модели ҳамда  $p+r+R+s$ , яъни икки префиксли ва бир суффиксга эга бўлган сўзларнинг моделлари мавжуд.

$im-+R+-sion$ ; *imprecision* – *неточность*- *аниқ эмас*- *аниқ эмес*

$im-+R+-ty$ ; *impurity* *грязь, загрязнение* – *ифлослик* - *патаслық*

$un- +R+ -ty$ ; *unregularity* – *нерегулярность* – *доимий эмас* – *барқулла эмес*

*uncertainty* - *неточность, неясность* – *аниқ эмас* –

*анық эмес*

$un-+R+ -ed$ ; *unpolluted* – *незагрязненный* – *ифлосланмаган* - *патасланбаган*

$de- +R+ -ed$ ; *deforested* – *обезлесенный* – *ўрмонсизланган* - *тоғайсизланган*

$un- +R+ -able$ ;

*unavailable* -*неизбежный* - *қочиб бўлмайдиган* – *қашып болмайтын*

*uncongrable* – *незамерзающий* – *музламайдиган* - *музламайтугын*

$un- +R+ -y$ ;

*unsanitary* – *антисанитарный* – *антисанитар* - *антисанитариялы*

$in-+R+-ate$ ; *inadequate* – *недостаточный* – *етарли эмас* – *жетерли эмес*

$un-+R+-able$ ; *unfavorable* – *неблагоприятный*- *ёқимсиз* - *жағымсыз*

$in-+R+-ous$ ; *injurious* - *вредный, губительный* – *қўпол* - *қопал*

$im-+R+-ing$ ; *impounding* - *затопление, заполнение* – *оқим* - *ағым*

$re-+R+-tion$ ;

*remigration* - *обратная миграция* – *қайта ирригация* – *қайта ирригация*

re-+R+-al            *removal-* удаление, смыв – ювилиши - жуўуылыў  
 de-+R+-ing:  
*dedusting* – обеспыливание – чангсизлантириши - шансызландырыў  
 im-+R+-ment; *impairment* - ущерб, вреда – зарар - зарер  
 de-+R+-ment; *defilement* - загрязнение - ифлослик - патаслық  
 post-+R+-ment;  
*posttreatment* –доочистка – олдиндан ювиши – алдыннан жуўуыў  
 de-+R+-ify;  
*denitrify* - удалять азот из соединений – азотни олиши – азотты алыў  
 de-+R+-ize;            *deoxidize* - отнимать кислород – кис.олиши – кис.  
 алыў

de-+R+-ate;            *depopulate* – обезлюдить – бўшатиши - босатыў  
 Префиксал ва суффиксал экосўзлар юқорида айтиб  
 ўтганимиздек барча қиёсланаётган тилларда мавжуд. Ўзбек тилида  
 ҳам кам миқдорда бўлса ҳам учрайди. Бироқ икки префиксли  
 суффиксал экосўзларнинг ноёб намуналари фақат инглиз ва рус  
 тилларига хос. Масалан:

over- +en-+R+-ment;  
*overenrichment* –перенасыщение – тўлиб кетган – толып кеткен.  
 Лекин бундай экосўзлар жуда оз миқдорни ташкил этади.

Ясама экосўзлар ичида бир префикс ва икки суффиксли сўзлар  
 ҳам учраб туради.

im-+R+-ous+-ness;  
*imperviousness* –непроницаемый – ўтказмайдиган - откизбейтугын  
 re-+R+-ize+-tion;  
*resalinization* - вторичное засоление – иккиламчи шўрлаш – екинши рет  
 шорлаў

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида экологияга оид лексик  
 қатламга оид жуда кўп терминлар мавжуд. Чунки бир тилнинг  
 иккинчисига бўлган таъсири биринчи навбатда лексикада ўз  
 ифодасини топади.

Аффикслар ёрдамида фақат отлар эмас, балки экология  
 соҳасига оид сифат ва феъллар ҳам ҳосил бўлади.

1. Феъл ясовчи аффикслар, –иши,-ла, -лан,-лаш, -лантир, -  
 лаштир;
2. Экологияга оид сўз-терминлар ичида соф феълларни ясовчи  
 соф ҳаракат номларини ясовчи аффиксларга нисбатан  
 озчиликни ташкил қилади: -иши, лан,-лаш, -лантир, -лаштир;

3. Сифат ясовчи аффикслар –*ги, -лик, -ий, -вий, -ма, -симон, -сиз;*

Барча қиёсланаётган тиллар эколексикасидаги сифатлар қуйидаги аффикслар ёрдамида ҳосил қилинади:

Инглиз тилида      рус тилида      Ўзбек тилида      Қорақалпоқ тилида

-al:	-н:	-ий, -аро	-ий, -ара:
<i>Natural</i>	<i>природный</i>	<i>табиий</i>	<i>табиий</i>
<i>Continental</i>	<i>континентальный</i>	<i>континентал</i>	<i>континентли</i>
-ent (-ant):	-ный, -ение:	-ли, -лик:	-лы, лық:
<i>Pestilent</i>	<i>заразный</i>	<i>юқумли</i>	<i>жуғымлы</i>
<i>Pollutant</i>	<i>загрязнение</i>	<i>ифлослик</i>	<i>патаслық</i>
-ful:	-ный:	-ли:	-ли:
<i>Baneful</i>	<i>губительный</i>	<i>ҳалокатли</i>	<i>палекетли</i>
<i>Harmful</i>	<i>вредный</i>	<i>зарарли</i>	<i>зарерли</i>
-ous:	-ный:	-ли:	-ли:
<i>Dangerous</i>	<i>опасный</i>	<i>хавфли</i>	<i>қаўипли</i>
-y:	-истый:	-ли, -роқ:	-лы, -рақ:
<i>Watery</i>	<i>водянистый</i>	<i>сувли</i>	<i>суўлы</i>
<i>Blacky</i>	<i>черноватый</i>	<i>қорароқ</i>	<i>қарарақ</i>
-ive:	-н:	Ø	Ø
<i>Active</i>	<i>активный</i>	<i>фаол</i>	<i>актив</i>
-atic, -ic:	-ческ:	-ли, ик:	-лы, -лық
<i>Catastrophic</i>	<i>катастрофический</i>	<i>ҳалокатли</i>	<i>палекетли</i>
<i>Ecologic</i>	<i>экологический</i>	<i>экологик</i>	<i>экологиялық</i>

Ясама сифатлар турли тизимли тиллар эколексикасининг асосий қисмини ташкил қилади. Инглиз тилидаги сифатлар отлар билан мослашмайди. Шу жиҳатдан улар ўзбек ва қорақалпоқ тилларига яқин туради. Чунки бу тиллардаги сифатлар ҳам отлар билан мослашмайди. Рус тилидаги сифатлар отлар билан род, сон ва келишиқда мослашади. Айни пайтда рус ва инглиз тилида сифатларнинг даража категорияси морфологик жиҳатдан ўз ифодасини топган.

Номлари юқорида қайд этилган тиллар эколексикасида қўшма сифатлар ҳам кенг тарқалган. Улар қуйидаги моделлар асосида ясалади.

A+N:	П+С	Сифат	Келб
<i>Spallow water</i>	<i>мелководный</i>	<i>саёз</i>	<i>сайыз</i>

N+A:	С	От+Сифат	
	Ат+Келб		
<i>Heat fast</i>	<i>тепlostойкий</i>	<i>иссиққа чидамли</i>	<i>ыссыга</i>
<i>шыдамлы</i>			
N+PII:	П	От+От	Ат+Ҳа
<i>Near shore</i>	<i>прибрежный</i>	<i>қирғоқ бүйи</i>	<i>сай</i>
<i>бойы</i>			
ADV+N:	П	Равиш +От	Раўиш +Ат
<i>Moisture resisting</i>	<i>влагопроницаемый</i>	<i>намлик ўтказувчи</i>	<i>ыгал</i>
<i>откизгичи</i>			
N+V+suf.:	П	От+Сифат	Ат+Келб
<i>Frost resistant</i>	<i>морозоустойчивый</i>	<i>совуққа чидамли</i>	<i>суўыққа</i>
<i>шыдамлы</i>			

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги *-иш*, *-и*, *-ыў*, *-иў*, *-ў* суффикслари русча *-ние*, *-ные*, *-ение* суффиксларига маъносига кўра мос келади. Улар асосан фақат феъл ўзакларига қўшилади ва мавҳум маъноли отлар ҳосил қилади: *излучение* – *нурланиш* – *нурланыў*; *явление* – *кўриниш* - *кўриниў*; *измерение* – *ўлчов* - *өлшеў*; *ограничение* – *чеклаш* – *шеклеў* ва ҳоказо. Улар сўз ясовчи семантик калькалар деб ҳам таърифланади.

Экотермин феъллари инглиз тилида асосан префиксал усулда ясалади. Бундан ташқари ҳозирги замон инглиз тилида феъллар барча сўз туркумларидан ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам бу тилда феълларнинг суффиксал ясалиш усули сусайиб кетган. Уларнинг сони ҳам оз *-ify*, *-ize*, *-ise*, *-ate*, *-en*, *-fy*: *to calcify-отвердеть-қотмоқ* - *қатыў*; *to sterilize-стерилизовать-стерилизациялаш* - *стериллеў*; *to activate* – *активировать* – *активлаштириш* - *активлестириў*; *to amalgamate* – *амальгамировать* - *амальгалаш*; *to ripen* – *созревать* – *етилмоқ* - *жетилиў*; *to humidify* – *увлажнять*- *намламоқ* – *ыгаллаў*.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилида экологияга оид феълларнинг ясалишида *-ла*, *-моқ*, *-лаштир*, *-лаштирмоқ*, *-ў*, *-иў*, *-ыў*, *-ластырыў* каби суффикслар иштирок этади: *хлорламоқ* - *хлорлаў*; *ифлосламоқ* – *патаслаў*; *минераллаштирмоқ* – *минералластырыў* ва ҳоказо.

Сўзларни қўшиш орқали терминлар ясаш усули дефиниция усули деб аталади: *гидробиология* – сувда яшайдиган жонзотлар ҳақидаги экологик фан. Корреляция усулида сўз ясашда кўпинча феъллар қатнашади. Улардан, тўғрироғи, уларнинг ўзагидан ясалган терминларда қайси сўз ясовчи қатнашган бўлса ҳам, маъно

жиҳатдан сезиларли ўзгаришга учрамайди. Масалан: *pollute* – ифлосланмоқ, *pollution* – ифлосланиш, *загрязнение* – патасланыў. Бундай бир ўзакли дериватлар яхлит сўз ясовчи занжирларни ҳосил қилади: (*fish, fisher, fishery, fishing, fishmeal* – балиқ, балиқчи, балиқчилик, балиқ овлаш, балиқли таомлар, балиқли озиқ овқат соҳаси). Бир ўзакли сўзлар матн тузиш жараёнида ундаги асосий ахборотни тез илғаб олишга катта ёрдам беради.

Тушунчаларнинг антитип синфини ифодаловчи, яъни шахс, мавжудот, иш ҳаракат куролини билдирувчи ўзак морфемага инглизча *-er, -or*; русча *-тель, -ист, -к*; ўзбекча *-чи, -кор*; қорақалпоқча *-шы, -бан* каби суффикслар қўшилганда (ўзбек тилида қуйидагича когнитив модель орқали ифодалаш мумкин: Ф+ -чи От ҳосил бўлган янги термин сўзлар умуман процессуаллик маъносини англатади. Масалан:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>Observe (-er)</i>	<i>наблюдатель</i>	<i>кузатувчи</i>	<i>гузетиўши</i>
<i>Operate (-or)</i>	<i>оператор</i>	<i>оператор</i>	<i>оператор</i>

Яъни бирор иш билан боғлиқ иш ҳаракатни амалга оширувчи киши.

Сўз ясовчи қўшимчалар ичига яширинган мазмун маъно ҳар бир морфеманинг мутаносиб боғланиши орқали очилади. Негизнинг асосий белги билан ўзаро таъсирлашуви ёки бошқа сўзлар билан боғланиши сўзга конкрет маъно беради. Эколексика доирасида бундай сўзлар бирор фаолият эгаси деган маънодан ташқари улар бирор экотизимнинг бирор жонли компоненти, бирор бир вакили маъноларини ҳам билдиради.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида
		Қорақалпоқ тилида
<i>Scaveng (-er)</i>	<i>сапрофит</i>	<i>сапрофитлар</i>
		<i>сапрофитлер</i>
<i>Produce (-er)</i>	<i>производитель</i>	<i>ишлаб чиқарувчи</i>
		<i>ислеп шығарыўшы</i>

Шундай усулда ясалган сўзларнинг айримлари иш ҳаракат куролини ҳам ифодалайди: *sample* – синовлар ўтказувчи асбоб. Бунда *sample* – иш ҳаракат маъносини англатувчи ономасиологик белги; *-er базис*, шу белгини шакллантирувчи қисм; унинг категориал маъноси қурол; худди шу каби *trawler* – *траулер* – тўр билан балиқ овловчи кема маъносини англатади. Инглиз тилида *-ion*,

рус тилида унга мос келувчи *-ство, -ение, -ация*, ўзбек тилида *-иш, -ланиш*, қарақалпоқчада *-ыў, -ланыў, -ласыў* суффиксларини ўз ичига олган моделлар жараён маъносини англатувчи ясама отларни ҳосил қилишга хизмат қилади. Улар асосан, экологик тизимларда содир бўлувчи табиий ижобий ва салбий жараёнлар бўлиб улар инсон фаолияти билан боғлиқ. Масалан:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>Interaction</i>	<i>взаимодействие</i>	<i>ўзаро таъсирлашув</i>	<i>өзара таъсирлесуў</i>
<i>Predation</i>	<i>хищничество</i>	<i>йиртқичлик</i>	<i>жыртқышылық</i>
<i>Aggregation</i>	<i>стайничество</i>	<i>тўдачилик</i>	<i>топаршылық</i>

Бундай ономазиологик моделлардаги базис “жараён” концептини, белги зонаси эса унинг белгили моҳиятини ифодалайди ва шундай сўзлар орқали табиий тизимга хос бўлган қонуний экологик жараёнлар ўз ифодасини топади. Ушбу суффикслар атроф-муҳитдаги салбий ҳодисалар билан боғлиқ терминларни яшашга ҳам хизмат қилади. Масалан:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>Pollute (-ion)</i>	<i>загрязнение</i>	<i>ифлосланиш</i>	<i>патасланыў</i>
<i>Fluctuation</i>	<i>колебание</i>	<i>нотинчлик</i>	<i>тынышлық болмаган</i>
<i>Depletion</i>	<i>истощение</i>	<i>табиий заҳираларнинг тугаши</i>	<i>тамам болуў</i>

Инглизча *rehabilitation*, русча *реабилитация*, ўзбекча *қайта тиклаш* (яъни тўлиқроқ, табиий заҳираларни қайта тиклаш); қорақалпоқчада *қайта тиклеў*; *creation* – *создание среды обитания* – *яшаш муҳитини яратиш* – *жасаў майданын жаратыў*; *restriction* – *ограничение* – *салбий жараённи тўхтатиш*, *чеклаш* - *шеклеў* каби сўзларда экологик фаолият эгаларининг ижобий хатти- ҳаракатлари ўз ифодасини топган. Ноодатий ҳодисалар, ташқи омиллар таъсирига мойил жараёнлар экологиядаги салбий ҳодисалар билан боғлиқ бўлса, маълум ўзгаришга қаратилган жараёнлар эса, ижобий характерга эга. Шунинг учун ҳам бундай сўзлардаги ономазиологик белги жараён сифати ва унинг нимага йўналтирилганини ифодалайди.

Жараён маъноси инглиз тилида *V + -ing*, рус ва ўзбек тилларидаги феъл ўзакларига процессуал маънони англатувчи, махсус сўз ясовчи қўшимчаларнинг қўшилишини ифодаловчи *Г + -ение, -ство, Феъл + -иш, -ш, феъл + ыў –ў* моделлар ҳам жараён маъносини билдиради. Бундай моделлар асосида ҳосил қилинган ясама отлар экологик терминлар тизимининг турли тоифаларига тегишли бўлиши мумкин. Улар, асосан, бирор бир фаолият билан боғлиқ жараённи ифодалашга хизмат қилади.

Жараён ва фаолият маънолари яна *-ism* (-изм) суффиксини ўз ичига олган моделлар асосида ясалган сўзлар ёрдамида ҳам ифодаланади: *метаболизм, environmentalism*.

Ҳолат маъноси инглиз тилида *V+ -ence (-ance)* моделлари орқали ифодаланди; бунда *V – феъл* негизи

Инглизча	Русча	Ўзбекча
----------	-------	---------

Қорақалпоқча

<i>Dependence</i>	<i>зависимость</i>	<i>боғлиқлик</i>	<i>батпақлық</i>
-------------------	--------------------	------------------	------------------

Рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида бундай сўзлар асосан сифатлардан ясалади ва бу қуйидагича моделлар тарзида ифодаланиши мумкин: *П + -ость, С + -лик, Келб + -лық*.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида
---------------	------------	--------------

Қорақалпоқча

<i>V+ -ment</i>	<i>Г+-ание, -ка</i>	<i>Ф+-иш ёки</i>	<i>О+-лаш</i>	<i>Ф+-лаў</i>
-----------------	---------------------	------------------	---------------	---------------

<i>Assessment</i>	<i>Оценка</i>	<i>оценивание</i>	<i>баҳолаш</i>	<i>баҳалаў</i>
-------------------	---------------	-------------------	----------------	----------------

Бундай сўзлар жараён натижасини билдиради. *N + -ive* инглизча моделлар асосида отлардан отлар ясалади: *objective – цель намерение – мақсад – мақсет*.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ тилларида экологик терминлар тизимида морфологик усул билан терминлар ҳосил қилиш анчагина фаолдир, чунки бу жараёнда хилма-хил аффикслардан ёки аффиксоидлардан кенг фойдаланиб келинаёпти. Демак, ҳозирги кундаги экологик вазиятларни ҳар томонлама ўрганишда ва уларни бартараф этишда янги-янги терминларнинг кириб келиши экологияга оид терминларнинг бойиб боришига сабаб бўлмоқда. Тушунчаларни ифодалаш мақсадида тилнинг ички ривожланиш қонунларига амал қилиниши исбот талаб етмайдиган аксиомадир.

Бу борада, биринчи галда, туб, ясама ҳамда қўшма лексемалардан фойдаланилса, иккинчидан, ҳар қандай тилнинг катта имкониятларидан бири-мустақил маъноли икки ва ундан ортиқ

сўзларни бир-бири билан грамматик жиҳатдан бирлаштириб ифодалаш усулидан ҳам фойдаланилади. Натижада тушунчаларни у ёки бу тарзда ифодалашнинг қамрови янада кенгайди. Бу эса ҳар қандай соҳа ва тармоқ терминологик тизимларида уларнинг барқарорлашувига олиб келади. Ҳақиқатан, борлиқдаги жамики тушунчаларни туб, ясама, қўшма лексемалар воситалари билангина ифодалаб бўлмайди.

Юқорида келтирилган мисоллар турли тизимдаги тиллар эколексикаси ясалишига кўра ҳам ўхшаш ҳам фарқли жиҳатларга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Экосўзлар барча тилларда асосан, сўз ясовчи морфемалар ва қўшма сўзлар воситасида ҳосил қилинган.

### **3.2. Экотерминларнинг синтактик – деривацион хусусиятлари**

“Синтактик деривация сўз бирикмаларидан бошлаб матнгача бўлган худудда воқеланувчи деривациядир”<sup>123</sup>.

Р.А. Будагов синтаксис мазмуни ҳақида шундай дейди: “Синтаксис ўзининг семантик категориясига эга. Семантик категориялар синтаксисда ҳам марказий мақомда бўлади. .. Мазмуний категориялардан ташқарида синтаксис ўзининг “руҳи” ни йўқотади ва шартли қоидаларнинг жонсиз мажмуасига айланади”<sup>124</sup>.

Тил белгиларининг синтактик аспектда гапда сўзларнинг ўзаро бирикуви қоидаларидир. Сўзларнинг қўшилиши, унда қисмларнинг тартиби маълум бир маъноларни ифода этади, масалан, тоза ва ҳаво сўзларининг ҳар хил тартибда қўшилишидан ҳар хил характердаги, ҳар хил маънодаги белгилар ҳосил бўлиши мумкин.

А.Н.Кононов сўз бирикмалари деганда, маълум бир маъно англатувчи ва синтактик жиҳатдан ўзига хос шаклий бутунликка эга бўлган икки ёки ёки бир неча мустақил сўзларнинг бирикувидан ташкил топган предмет, ҳаракат ва белги ифодасини бера оладиган бирикмаларни тушунади<sup>125</sup>.

Синтактик бирликлар (сўз бирикмалари ва гаплар)нинг синтактик-семантик номуносаблиги ўзига хос кўриниши ҳисобланади<sup>126</sup>.

<sup>123</sup> Розикова Г.З. Ўзбек тилида синтаксик полисемия. Филол.ф.ном.....диссерт.-Тошкент, 1999. -34 Б.

<sup>124</sup> Будагов Р.А. Человек и его язык. –М.: МГУ, 1976. –С.176.

<sup>125</sup> Кононов А.

<sup>126</sup> Розикова Г.З. Ўзбек тилида синтаксик полисемия. Филол.ф.ном.....диссерт.-Тошкент, 1999. -34 Б.

Бундай турдаги бирикмали экосўзларда баъзан уч ва тўрт компонентлар қатнашган бўлиши мумкин:

1. Икки компонентли терминлар:

– *wild life; water-ratio; urban center; thick fog; plant ecology; marine life; float wood; droughty zone; derelict land; barren soil; waste land;*

– *дикий мир; содержание воды; городской центр; густой туман; экология растений; подводная жизнь; сплавной лес; засушливая зона; заброшенная земля; бесплодная почва; пустая земля;*

– *ёввойи дунё; сув миқдори; шаҳар маркази; қалин туман; ўсимликлар экологияси; сув ости ҳаёти; сузувчи ўрмон; қуриб қолган зона; ташландиқ ер; унумсиз ер; бўш ер;*

– *жабайы дунья; суў қурамы; қала орайы; қалын думан; өсимликлар экологиясы; суў астындагы өмир; жүзиўши тогай; қурган қалган жер; тасландық жер; өнимсиз жер; бос жер;*

– *additive effects – дополнительный эффект–қўшимча самара – қосымша пайда;*

– *apparent effect – явный эффект – аниқ, кутилган самара – кутилген натиъже;*

– *water bloom – цветнение воды - сувнинг гуллаши – суўдын гуллеўи.*

2. Уч компонентли терминлар:

*инсониятнинг табиатга таъсири – адамзаттың тәбиятқа тәсири – воздействие человека на природу; атроф муҳитининг аҳволи - тәбияттын аўҳалы – состояние природной среды .*

3. Тўрт сўздан ташкил топган терминлар.

Ўзбек ва рус тилларида тўрт сўздан ташкил қилинган экотерминлар қорақалпоқ тилида уч сўздан ташкил бўлган бўлиши мумкин: *табиий муҳитга иқтисодий зиён - тәбиятқа экономикалық зыян – экономический вред природной среде. Ёки бунинг акси: Household waste water discharge – сток бытовых отходов – маиший чиқиндилар оқаваси - маиший хызмет шығындылары.*

Ўзбек тилидан фарқлироқ инглиз тилида тўрт ва беш сўзлардан ташкил топган экологик терминлар кам миқдорда учрайди.

Инглиз тилида бир компонентли сўзлар, ўзбек ва қорақалпоқ тилида икки компонентли сўзлар бўлиши мумкин:

Инглиз тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>Denitrify</i>	<i>азотни чиқариш</i>	<i>азотты шығарыў</i>
<i>Devastate</i>	<i>хароб қилмоқ</i>	<i>ўайран етиў</i>
<i>Depopulate</i>	<i>одамлардан бўшатмоқ</i>	<i>босатыў</i>
<i>Dewater</i>	<i>сувни қочирмоқ</i>	<i>суўды қашырыў</i>

Экологик терминларни от бирикмали синтактик курилмаларнинг ҳоким компоненти от билан ифодаланади. Сўз бирикмасининг семантик деривациясини ўрганишда ҳоким компонент билан тобе компонентнинг қай тарзда муносабатга киришувчи маслаласи ҳам муҳимдир. Айнан шу нарса синтактик деривация ҳодисасининг энг юқори нуқтасини белгилайди, зеро алоқа воситаси семантик деривациянинг оператори функциясини бажаради. Оператор – бу семантик деривациянинг мутлоқ хосила унсури хисобланади.

Сифат+от моделида экологияга оид сўз бирикмаларини компонентларининг синтактик муносабатлари битишув усули орқали юзага келиши сабабли, бу ўринда деривация оператори функциясида реал ҳолатда берилади. Масалан,

Инглиз тилида: *abiotic environment, allogenic succession;*

Рус тилида: *абиотический фактор, аллогенная сукцессия;*

Ўзбек тилида: *абиотик фактор, аллоген сукцессия;*

Қорақалпоқ тилида: *абиотикалық фактор, аллоген сукцессиясы;*

От+от

Масалан,

Инглиз тилида: *pollution abatement, waste assimilation, litter bin;*

Рус тилида: *борьба с загрязнением, поглощение отходов, мусорный бачок;*

Ўзбек тилида: *ифлосликлар билан кураш, чиқиндиларнинг ютилиши, аҳлат қутиси;*

Қорақалпоқ тилида: *патаслықлар менен гуресиў, шығындылардын жутылыўы, аҳлат қутысы;*

Айрим туркий тилларда қўшма сўзлар, жуфт ва бирикмали сўзлар аналитик усулда ясалган экотерминлар деб таърифланади.

Бирикмали экосўзлар рус, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида эколексиканинг энг кўп қисмини ташкил қилади. Улар тузилишига кўра эркин синтактик сўз бирикмаларига яқин туради. Агглютинатив тилларда бирикмали экотерминларнинг

компонентлари, асосан изофали боғланиш билан боғланган отлар ташкил қилади:

*экологик хавфсизлик – экология қаўипсизлиги- экологическая безопасность; ўсимликлар дунёси - өсимликлер дуньясы – растительный мир; ҳаво алмашиш- ҳаўа алмасыў – воздухообмен.* Бундай сўз яшаш усуллари кўпроқ экотерминлар доирасида кузатилади ва улар аббревация ҳамда новербал субституция (алмаштириш) деб ҳам аталади. Масалан: *қисқартма сўзлар: GMO – genetic Modified Organisms- генлари ўзгартирилган мавжудотлар; СОЭ – скорость оседения эритроцитов; БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва б. Нoverбал субституцияга мисоллар: озон –  $O_3$ , кислороднинг икки оксиди –  $O_2$ , сульфат кислота –  $H_2SO_4$  ва б.*

Бундан ташқари ҳозирги пайтда агглютинатив тиллар гуруҳига мансуб ўзбек ва қорақалпоқ тилларида, айниқса, калькалаш усули тараққий этган. Калькалаш янги сўзларни ўзлаштираётган тилнинг грамматик қонунлари ва сўз яшаш моделларига мувофиқ тарзда амалга оширилади: *самоочищение – ўз ўзидан тозалаш – оз озин тазалаў; самовоспламеняющийся – ўз ўзидан ёниб кетувчи – оз озинен жанып кетиўши; сверхзвуковой – товушдан тез – даўыстан тез; воздухоочиститель – ҳаво тозаловчи – ҳаўа тазалаўшы;*

Тилшуносликда калькаларнинг 3 тури аниқланган: семантик калькалар, таркибий семантик ва ярим калькалар. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экосўзларнинг кўпчилиги семантик калькалаш усулида ясалган. Семантик калькалашда ясовчи сўз семантик хажмининг торайиши ёки кенгайиши кузатилади, семантик калькалар дастлабки тилдаги сўзни қўшимча семантикаси билан қабул қилиш орқали ҳосил қилинади: *многonoжка – мингоёқ – мынаяқ.* Бундай калькалаш усулида бир тилга тегишли воситалар орқали намуна тилдаги маъно ва сўзнинг ясаиш хусусиятларини такрорловчи ясама сўз ҳосил бўлади.<sup>127</sup> Таркибий семантик калькаларнинг аниқ ва ноаниқ турлари мавжуд. Аниқ калькаларда моделдаги компонентларнинг таркибий жойлашиши ва уларнинг маъноси аниқ нусханики билан айнан мос тушади. Масалан: *вода хранилище – сув омбори – суў сақлагыш; распылитель – пуркагич - бөркегиш; водоочистка - сув тозалагич – суў тазалагыш.*

---

127 Юсупов М.А. Киргизские народные термины материальной культуры: Автореф. дис. ... канд. филол. наук / М.А.Юсупов; АН Каз. ССР. Ин-т языкознания.- Алма-Ата, 1988.-21 с.

Ноаниқ калькаларда калька ва модель компонентларининг жойлашиш тартиби мос тушмасада, бироқ уларнинг маъноси бир хил бўлади. Бу калькаларда иштирок этган тилларнинг турли тизимларга тегишлилиги билан изоҳланади. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида бошқа туркий тиллардаги каби ярим калькалар усулидан кенг фойдаланилади. Унинг моҳияти шундаки, экосўзнинг бир компоненти ўзлаштирилган, бошқаси эса ўзига мансуб бўлган тилга хос:

*Газоуловитель: – газ тутқич – газ тутқыш; азотистый – азотли – азотлы; мутантность – мутантлик – мутантлық; фильтрация – филтраш – филтраў.*

Уч ва ундан ортиқ сўзлардан иборат терминли сўз бирикмалари кўп компонентли терминлар деб аталади. Бундан ташқари қисқартма терминлар ҳам бор: *Ecological monitoring system – экологик мониторинг тизими – система экологического мониторинга.*

Ушбу тилларда аралаш калька экосўзлар ҳам кўплаб топилади. Бундай калькада русча сўзнинг ўзакли қисми семантик калькаланади. Суффиксал қисми русча сўзнинг деривацион тузилишини акс эттиради.

Шундай қилиб, турли тизимларга мансуб тиллардаги эколексиканинг ясаиш хусусиятларидаги кўп жиҳатлар типологик категориялар сифатида намоён бўлади. Экосўз ва экотерминларнинг асосий лексик семантикаси тил иерархиясининг лексик ва синтактик миқёсларида ҳар бир тилнинг ўзига хос ва фарқли сўз яшаш воситалари ва усуллари орқали ўз ифодасини топади. Эколексемаларнинг ясаишидаги умумийлик ва хусусийликлар типология категориялари сифатида ўзини намоён қилади.

Турли тизимларга мансуб тиллардаги эколексикада кўшма сўзлар ҳам мавжуд. Уларнинг кўп қисмини отлар ташкил қилади. Улар асосан, экотерминлар сифатида хизмат қилади. Кўшма экотерминлар қиёсланаётган барча тилларда сўз бирикмасини кўшма сўз ҳолига келтириш, яъни лексикализациялаш ва сўз бирикмасининг суффиксли кўшма сўзга айланрилиш усуллари билан ҳам ҳосил қилинади. Сўзларни кўшиб сўз яшаш инглиз ва рус тилларида энг маҳсулдор сўз яшаш усули ҳисобланади. Бунда икки ёки уч сўз негизи иштирок этиши мумкин: *тошкўмир – каменный уголь; ҳамиша яшил- вечнозеленый; аэрофототасвир – аэрофотосъёмка.*

Қўшма сўзлар компонентлари бир-бирига нисбатан тенг ёки тобе муносабатда бўлиши мумкин. Улар кўпинча битишув усулида ясалади ва бу усул инглиз, ўзбек тилларида кенг тарқалган. Ушбу тилларда уч компонентли қўшма сўзлардан кўра икки компонентли қўшма сўзлар кўпроқ. Айрим ҳолларда бу каби сўзларда атрибутив боғланишлар ҳам кузатилади. Бу ҳол қўшма сўзлар компонентларининг мослашув орқали ҳам боғланишига бевосита ишора қилади. Масалан: *snowfall* – *снегопад* – қорбўрон -қарборан; *durability* – *долговечность* – узоқ чидамлик- узаққа шыдамлы; *rainbow* – *радуга* – камалак.

Инглиз тилидан олинган ушбу мисолларда қўшма сўз компонентларидан жумлалар тузиш мумкин: *rainfall* – *the rain falls*; сабаби: уларда предикативлик муносабатлари яширинган, бундай мисоллар ўзбек тилида ҳам топилади: *ўтхўр* – ўт ўлан ейдиганлар, *табиатсевар* – *табиат*, *атроф муҳитни севади*.

Қиёсланаётган қўшма экосўзларнинг асосий ясаиш моделларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

A+N (Сифат +От, келб+Ат) – *stoneland* – *тошкўмир-маскомир*;

N1+N2 (От1+От2, Ат+Ат) *rainfall, gasbag, dustbin газ балон*. Бу модель ўзбек тилига хос эмас. Қўшма сўзлар компонентлари бир бирига қўшиб ёзилиши билан сўз бирикмаларидан фарқланиб туради. Рус тилида қўшма экосўзлар компонентлари –o- ёки –e- боғловчилари ёрдамида бир-бири билан бирикади: *сад+o+вод+ство, пут+e+шеств+ие*.

Турли тизимларга мансуб тиллар эколлексикаси таркибида жуфт сўзлар ҳам оз миқдорда бўлса-да мавжуд. Бундай сўзларнинг компонентлари бир-биридан грамматик жиҳатдан муस्ताқил. Масалан: *fleet park* – *лесопарк* – *дала дашт*, *атроф муҳит*. Рус эколлексемалари орасида бундай сўзлар учрамайди.

Инглиз тилида таркибий тузилишига кўра булар жуфт сўз бирикмалари, яъни турли синтактик моделлари кенг тарқалган. (*Adj+N; adaptive management*); *N+N (age structure)*, *V+-ed+N (allocated species)*, *N+of+N (pyramid of biomass)*; *N+to+N (race to fish)*; *N+on+N (ban on fishing)*; *N+at+N (catch at age)* ва б.

Инглиз тилида бўлгани каби бошқа тилларда ҳам терминли сўз бирикмалари содда терминларга қараганда керакли мазмунни ифодалашда кенгроқ имкониятга эга. Бундай термин максимал ҳажмидаги ахборотни сўз орқали ифодалайди. Сўз бирикмалари

тушунчаларнинг тизимли эканлигини (бирор тизимга тегишлилигини) ифодалашга хизмат қилади.

Улардан кейин кенг қўлланишига кўра бир сўздан иборат терминлар туради. Улар семантик деривация натижасида ҳосил қилинади, ясама ва қўшма сўзлардан иборат бўлади; улар асосан **Adj+N, N+N** кўринишидаги моделлар шаклида ясалади: fishmeal ва ҳоказо.

Инглиз тилида	рус тилида	ўзбек тилида	қорақалпоқ тилида
<i>fishmeal</i>	<i>рыбная мука</i>	<i>балиқ уни</i>	<i>балық уны</i>
<i>lifspan</i>	<i>жизненный круговорот</i>	<i>ҳаёт айланаси</i>	<i>омир айнасы</i>
<i>freshwater</i>	<i>чистая вода</i>	<i>тоза сув</i>	<i>таза суў</i>
<i>blighted area</i>	<i>трусобы</i>	<i>чакалакзор</i>	<i>тоғайлық</i>
<i>animal biotype</i>	<i>животный биотип</i>	<i>ҳайвон биотури</i>	<i>ҳайўан биотури</i>
<i>forest block</i>	<i>лесной участок</i>	<i>ўрмонли ҳудуд</i>	<i>тоғайлы майдан</i>

Инглиз тилида	рус тилида	ўзбек тилида	қорақалпоқ тилида
<i>ecological system</i>	<i>экосистема</i>	<i>экотизим</i>	<i>экотизим</i>
<i>burned over area</i>	<i>площадь пала</i>	<i>ёнгин бўлган жой</i>	<i>орт болган майдан</i>
<i>wild life habitat area</i>	<i>местообитание диких животных</i>	<i>ёввойи ҳайвонлар яшаш жойи</i>	<i>жабайы ҳайўанлар жасаў орны</i>
<i>fresh water biosphere</i>	<i>пресноводная биосфера</i>	<i>Суви чучук биосфера</i>	<i>суўы таза биосфера</i>
<i>wet dry suction cleaner</i>	<i>водопылесос</i>	<i>сувли чангютгич</i>	<i>водопылесос</i>

Демак, айрим тилда қўшма сўз кўринишидаги экотерминлар бошқа тилда сўз бирикмалари ҳолида қўлланади ёки бир тилдаги сўз бирикмалари бошқа тилда қўшма сўзлар кўринишида ишлатилади.

Экология соҳасига оид терминлар ясашда синтактик усул ҳам ниҳоятда маҳсулдор ҳисобланади. Терминли сўз бирикмалар турли

соҳаларга оид терминшуносликда сони жиҳатидан биринчи ўринда туради. Сўз бирикмаси бошқа номинатив бирликлардан фарқли ўлароқ, унинг тил бирлиги бўлиши бир томондан сўз билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан нутқ бирлиги бўлмиш гап билан ҳам боғлиқ. Сўз бирикмаси табиатидаги бу тарздаги икки хиллик уни ўрганишда икки хил ёндашувни талаб қилади: сўз бирикмасига “кичик синтаксис” бирлиги (синтагматик ёндашув) ва номинация бирлиги сифатида (ономасиологик ёндашув) қараш.

Анъанавий нуқтаи назаридан терминли сўз бирикмалар мазмунига кўра қисмларга бўлинадиган ва бўлинмайдиган турларга ажратилади. Қисмларга бўлинадиган терминли сўз бирикмалари ўз навбатида, эркин терминли сўз бирикмалари ва эркин бўлмаган синтактик бирикмаларга бўлинади. Қисмларга эркин бўлинадиган сўз бирикмалари алоҳида олинганда ҳам мазмун мустақиллигини бирикма ичида сақлаб қола олади. Эркин бўлмаганлари синтактик бирикмалар сифатида ўзларини намоён этади: *shadow, price, pulse fishing, race to fish, pollution to environment* – *загрязнение окружающей среды - атроф муҳитнинг ифлосланиши* – *қоршаган орталықтың патасланыуы*. Экология фанининг тараққий этиши ва ундаги тушунчаларнинг мураккаблашуви жараёнлари барча тилларда кўпкомпонентли синтактик курилмаларнинг кўплаб миқдорда пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлди: *Environmental conversation* – *охрана окружающей среды* – *атроф* – *муҳитни қўриқлаш* – *қоршаган орталықты қорықлау*; *environmental approach* – *подход в управлении учитывающий* – *состояние окружающей среды (управление с учётом состояния окружающей среды)* – *атроф* – *муҳит ҳолатига кўра бошқарув* – *қоршагаг орталықтың ахуалына қарап басқаруу*; *bio economic modeling* – *биоэкономическое моделирование* – *биоиқтисодий моделлаштириш* – *биоэкономикалық можеллестириу*; *action is directal to object* – *признаки, указывающие на источник действия* – *ҳаракат манбаига ишора қилувчи белгилар* – *ҳарекетти билдириуши белгилер*; *social constraints* – *социальные ограничения* – *ижтимоий чекловлар* – *социаллық шеклеулер*; *каби (Сифат + Ом), (adj + N), (прил. + Суш), (келб + Ам)*; моделлар орқали ўз ифодасини топган атроф муҳит соҳасига оид терминлардаги *ядро, одатда таъсир, ўзаро таъсир* концептини ифодалайди ва ясама от кўринишида намоён бўлади: *relations* – *связи* – *алоқалар* – *байлаыслар*; *interactions* – *взаимодействия* – *ўзаро таъсир* – *өзара тәсир*; *linkages* – *соединения*

– боғланиш – байланыс жасау; *succession* – последовательность – кетма кетлик – избе излик; *predation* – хищничество - йиртқичлик - жыртқышлық; *competiton* – конкуренция – рақобат - бәсеке ва ҳоказо.

*Равишдош +Om (Ving +N; Прил+ Суц; Ҳарекет аты +Am)* моделларидаги белги компонент моделнинг ядро қисмида акс этган бирор бир фаолиятнинг доимий хусусиятини ифодалайди: *mitigating measure that is used for reducing harmful effects* – *меры, направленные на снижение вредных воздействий на среду* – муҳитга зарарли таъсирни камайтиришга қаратилган чора тадбирлар – қоршаган орталыққв зарерли тасирин кемеитириўга қарсы шаралар (N+N), (C+C), (Om+Om), (Am+AT) моделларига мувофиқ келувчи субстантив+субстантив сўз бирикмаларида иккинчи компонент ядро ҳисобланади ва у тушунчанинг маълум синфга оидлигига ишора қилувчи хусусиятни, биринчиси маълум бир турга тегишлилик белгисини номлайди. Бундай бирикмалардаги икки компонент ўртасидаги боғланиш мустақкам бўлиб, уларнинг жойини алмаштириш асосий маънонинг бузилишига олиб келади. Масалан: *catch –rate* - *получить оценку* – баҳоланмоқ - баҳаланыў. Бироқ сўз бирикмасининг шаклини ўзгартириш мумкин: *a rate of catch*.

Шундай қилиб, синтактик деривация қиёсланаётган тилларда экотерминларни ясашида сермахсул усул ҳисобланади.

### **3.3. Экотерминларнинг семантик-деривацион хусусиятлари**

Янги сўзларнинг ясаши янги предмет ва тушунчалар пайдо бўлгани сайин инсонларнинг мулоқоти эҳтиёжлари билан тақозо этилади. Луғат таркиби у томондан ифодаланган тушунчалар бойлиги турли туман маъноларни акс эттирувчи ва одамлар мулоқоти эҳтиёжларини энг яхши қондирадиган сўзларнинг семантик туслари кўплиги билан ажралиб туради. Сўз яшаш муаммоларига бўлган алоҳида қизиқиш ҳам шу билан изоҳланади.

Экология соҳасида семантик деривациянинг ўзига хос хусусиятлари биз томондан тил деривацион тизимининг умумий қонуниятлари сифатида кўриб чиқилмоқда.

Семантик деривация экотерминлар негизида янги номинатив birlikлар пайдо бўлишининг энг самарали усулларида биридир.

Экология маъносини билдирувчи лексик-семантик гуруҳни (ЛСГ)<sup>128</sup> ҳосил қилувчи эколексиканинг умумдабий тил лексикаси билан ўзаро таъсирлашуви ҳам муқаррар ҳолат бўлгани учун уларда сезиларли семантик силжишлар содир бўлади. Айнан шу нарса иккиламчи номинация жараёнларини келтириб чиқаради.

Турли тизимларга мансуб тиллардаги эколексиканинг тадқиқ этилиши шуни ҳам кўрсатдики, ундаги турли ЛСГ ларга мансуб экосўзларнинг асосий маъносига қўшимча яна коннотатив эмоционал баҳолаш маънолари ҳам қўшилиши аниқланди. Буни экосўз ва экотерминлар ифодалайдиган тушунчалар инсоннинг табиат, атроф-муҳитга нисбатан салбий ёки ижобий таъсири натижаси деб изоҳлаш мумкин. Шунга кўра эколексика икки катта лексик семантик гуруҳга (ЛСГ) га бўлинади:

- 1) ижобий маънога эга экологик бирликлар;
- 2) салбий маънога эга экологик бирликлар.

Биринчи гуруҳдаги эколексика, ўз навбатида қуйидаги микрогуруҳларга ажратилади:

а) ижобий маънога эга феъллар; б) табиий географик номлар; в) ҳайвонот ва ўсимлик дунёси терминлари; г) техника ва воситалар ифодаловчи экотерминлар; д) ишчи ходимлар номлари.

Иккинчи гуруҳга мансуб эколексемалар қуйидаги микрогуруҳлардан ташкил топган:

а) салбийлик маъносини англатувчи феъллар; б) экологик ҳалокатлар; в) ифлосликни келтириб чиқарувчилар номлари; г) инсон фаолиятини англатувчи экосўзлар.

Эколексиканинг бундай ЛСГ лари нафақат рус ва инглиз, балки ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам мавжуд. Уларни тилшунослик ва унга яқин тоифадаги сўзларнинг табиати ва улардаги динамик ўзгаришларни, уларнинг нутқда қўлланиши хусусиятларини ҳамда узлуксиз кўпайиб бориши, тараққий этиш муаммоларини аниқлаш имкониятларини кенгайтиради, уларни ҳар томонлама ва чуқур талқин этишга хизмат қилади.

Ўзбек ва қорақалпоқ тиллари эколексикаси таркибида салбий мазмун ва маъноли сўзлар уларга қарши турган ижобий маъноли экосўзларга нисбатан кўпроқ эканлиги тадқиқот давомида аниқланди. Бундай эколексемаларнинг миқдор жиҳатидан кўплиги, уларнинг тинмай кўпайиб бораётганлиги Ўзбекистон ва Қорақалпоғистондаги экологик аҳволнинг мураккаблиги ҳамда бу

---

<sup>128</sup> Кейинги ўринларда уни ЛСГ тарзида қисқартма шаклида қўллаймиз.

глобал аҳамиятга эга муаммони ҳал қилишга етарли даражада эътибор берилмаётганлиги билан изоҳланади. Бундай ачинарли ҳол шу ҳудудлар тили бўлган ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам ўз аксини топган. Бу жараёни умуман тескари томонга буриб юбориш фақат тилшуносларгагина боғлиқ эмас. Бунда бутун жамият мавжуд ижтимоий қудратини ушбу эзгу мақсад сари йўналтирмоғи лозим. Юқорида санаб ўтилган эколлексиканинг ўзбек, рус, инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги ЛСГ ларини батафсил кўриб чиқамиз.

Ижобий маънога эга бўлган экосўзлар рус, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида кенг тарқалган. Улар беш турдаги кичик гуруҳларга бўлинади.

Ижобий маъно англатувчи феъллар, яъни инсоннинг табиатга нисбатан ижобий муносабатини ифодаловчи феъллар. Бундай сўзлар салбий маъноли феълларга нисбатан анча оз. Инглиз тилида бу микрогуруҳ 300 та лексик бирлик, рус тилида 400 та лексик бирлик, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида 700та лексик бирликни ташкил қилади.



Бу биз тадқиқ қилаётган барча тиллардаги сўзларнинг деярли ярмини ташкил қилади. Улар таркибига кўра содда, ясама ва қўшма сўзлардир. Инглиз ва рус тилларида бундай сўзларнинг асосий қисми префиксал усулда ясалган. Улар ўзбек ва қорақалпоқ тилларида суффиксал усулда ҳосил қилинган эквивалентларга эга. Масалан: *переадаптироваться* – *to readaptation*, - *қайта мослашмоқ* – *қайта бейимлесуў*; *реорганизовать* – *to reorganize* - *қайта тузмоқ* – *қайта дузиў* ва б.

Суффиксал феъллар: энг фаол суффикслар инглиз тилида: *-en, -ty, -ate, -ize – to purify, to liquidate, to harmonize, to freshen;*

рус тилида: *-ировать, -ать: очищать, ликвидировать, гармонизовать, освежить;*

Ўзбек тилида: *-ла, -моқ, -лаштир: тозаламоқ, йўқ қилмоқ, уйғунлаштирмоқ;*

қорақалпоқ тилида: *-уй, -ў: жоқ етиў, тазалаў, улыўмаластырыў.*

Туб ёки содда феъллар ҳам рус ва инглиз тилларида унчалик оз ҳам, кўп ҳам эмас.

Инглиз тилида: *to purge, to protect, to limit; to litter; to mine; to purge; to preserve; to freeze; to clog; to safeguarded;*

Рус тилида: *очищать, защищать, ограничивать; засорять; добывать; очищать; охранять; замерзнуть; засорять; охранять;*

Ўзбек тилида: *тозаламоқ; ҳимояламоқ; чекламоқ; тартибсиз ҳолда ташламоқ; ковлаб қазиб олмоқ; тозаламоқ; эҳтиёт қилмоқ; музламоқ; ифлослантирмоқ; қўриқламоқ;*

Қорақалпоқ тилида: *тазалаў, қорғаў, шеклеў; тәртипсиз ҳалатда таслаў; қазып алыў; тазалаў; абайлаў; музлаў; патасландырыў; қорықлаў;*

Бундай тоифадаги қўшма экосўзлар барча тилларда оз миқдорда учрайди.

Ижобий маънодаги экофеълларнинг кўпчилиги сўз бирикмалари кўринишида қўлланади:

Инглиз тилида: *to fight pollution; to preserve ecosystems; to harmonize industry; to preserve woollands; to reduce pollution;*

Рус тилида: *бороться против загрязнения; беречь экосистемы; гармонизировать промышленность; сохранять лесистые места; сократить загрязненность;*

Ўзбек тилида: *ифлосланишларга қарши кураш; экотизимларни эҳтиёт қилиш; саноатни мослаштирмоқ; ўрмонли жойларни асраб авайлаш; ифлосликларни камайтириш;*

Қорақалпоқ тилида: *патаслықларга қарсы гурес; экосистемаларды абайлап асраў; санаатты масластырыў; тоғайлы жерлерди асырап абайлаў; патаслықларды кемейтириў;*

Улар куйида келтирилган моделлар кўринишида намоён бўлади:

Инглиз тилида: V + N (Verb and Noun)

Рус тилида: Г + С (Глагол и существительные)

Ўзбек тилида: О + Ҳ н (От ва Ҳаракат номи)

Қорақалпоқ тилида: А + Х а (Атлық ҳам ҳарекет аты )

2) Табиий географик тушунчаларни ифодаловчи экосўзлар.

Бундай сўзлар ҳам инглиз, рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида кўп топилади. Масалан:

Рус тилида: *природа; лес; океан; река; озеро; залив; болотность; ишдищём; берег; болото; теснина; сад; место; ураган; земля; болото; молодой лес;*

Ўзбек тилида: *табиат; ўрмон; уммон; дарё; кўл; қўлтиқ; ботқоқлик; қирғоқ; бассейн; ботқоқ; тоғ оралиғи; бог; атроф; довул; ер; ботқоқ; чакалакзор;*

Қорақалпоқ тилида: *тәбият; тоғай; океан; дәрья; көл; қолтық; батпақлық; жағыс; бассейн; батпақ; таў аралығы; бағ; қоршаған орталық; даўыл; жер; жас тоғай.*

Инглиз тилининг ўзида улар 130 лексик бирликни ташкил этган. Улар ҳам содда, ясама ва кўшма сўзлардан иборат. Бундай сўзларнинг кўп қисми инглиз тилида содда сўзлар. Масалан:

Инглиз тилида: *nature; forest; ocean; river; lake; bay; bog; bank; basin; coast; arr; defile; garden; habitat; hurricane; land; morass; moor; mire; thicket;*

Улар орасида кўшма сўзлар ҳам мавжуд ва улар қуйидаги моделларда ўз ифодасини топади:

Инглиз тилида: *wild life; ecosystem; landscape; water-ratio; urban center; thick fog; plant ecology; marine life; float wood; droughty zone; derelict land; barren soil; waste land;*

Рус тилида: *дикий мир; экосистема; ландшафт; содержание воды; городской центр; густой туман; экология растений; подводная жизнь; сплавной лес; засушливая зона; заброшенная земля; бесплодная почва; пустая земля;*

Ўзбек тилида: *ёввойи дунё; экотизим; ландшафт; сув миқдори; шаҳар маркази; қалин туман; ўсимликлар экологияси; сув ости ҳаёти; сузувчи ўрмон; қуриб қолган зона; ташландиқ ер; унумсиз ер; бўш ер;*

Қорақалпоқ тилида: *жабайы дунья; экосистема; ландшафт; суў қурамы; қала орайы; қалын думан; өсимликлер экологиясы; суў астындагы өмир; жүзиўши тоғай; қурған қалган жер; тасландық жер; өнимсиз жер; бос жер;*

Инглизча бундай сўзларга бошқа тилларда айрим ҳолларда сўзлар тўғри келади. Масалан:

Инглиз тилида: *woodland; greenhouse; grassland; greenbelt; nonforested area;*

Рус тилида: *лесистая местность; теплица; зеленый пояс; нелесная площадь;*

Ўзбек тилида: *серўрмон жой; иссиқхона; яшил майдон; ўрмонсиз жой;*

Қорақалпоқ тилида: *тоғайлы жер; ыссыхана; жасыл майдан; тоғайсыз жер;*

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
N + -al; <i>Coastal</i>	П; <i>прибрежный</i>	О+О; <i>соҳил бўйи</i>	Ат+Ат; <i>дарья бойы</i>
N1+N2; <i>recreation area</i>	П+С; <i>истощенный район</i>	О+ Сифатдош+О; <i>ҳолдан тойган ҳудуд</i>	Ат+Ҳа+А <i>пайдаланып болмайтуғын майдан</i>
A + N; <i>arable land paludal forest</i>	П+С; <i>пахотная земля лес болотистый</i>	Сифатдош+О ; <i>ҳайдаладиган ерлар</i> <i>Ботқоқли ўрмон</i>	Ҳа+Ат; <i>айдалатуғын жер батпақлы тоғай</i>
PII+N; <i>Cultivated land Desalinated water Exhausted soil</i>	П+С; <i>Посевная земля Опресненная вода Истощенная земля</i>	Сифатдош+О ; <i>Экилган ер Тозаланган сув Янчилган ер</i>	Ҳа+Ат; <i>Егилген жер Тазаланган суў Басылган жер</i>
N+-ic; <i>Aquatic habitat</i>	П+С; <i>Водная среда</i>	Сифатдош+О ; <i>Сув билан ўралган</i>	Ҳа+Ат; <i>Суўменен қоршалган</i>

3) ҳайвонот ва ўсимлик дунёси экосўзлари.

Инглиз ва рус тилларида бу тоифадаги сўзлар ичида содда ва туб сўзлар бошқасига қараганда кўп:

Инглиз тилида: *flower; fowl; animal; mammals; adipose; biota; fauna; verdure; hammada; harvest; weed;*

Рус тилида: *цветок; птицы; животные; млекопитающие; животный мир; биота; фауна; зеленая растительность; урожай; сорное растение;*

Ўзбек тилида: гул; парранда; ҳайвонот; майда жонзотлар; ҳайвонот олами; биета; фауна; яшил ўсимлик; ҳосил; бегона ўт;

Қорақалпоқ тилида: гул; ҳайўанат; қуслар; майда жанзатлар; ҳайўанат дуньясы; биета; фауна; жасыл өсимлик; жыйын терим; бийгана шөп;

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ифодаловчи эколексемалар кўшма сўзлардан ҳам ташкил топган ва улар энг кенг тарқалган куйидаги моделларда ўз ифодасини топади.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
A+N; <i>Wildlife</i>	П+С+С; <i>дикий мир животных;</i>	О+С+О; <i>ёввойи ҳайвонлар дунёси;</i>	Ат+Ҳа+Ат; <i>ҳайўанат дуньясы;</i>
Fluvial abrasion	Речная абразия	Кўл абразияси	Кол абразияси
<i>avifauna</i>	<i>птичья фауна;</i>	<i>қушлар олам</i>	<i>қуслар эдеми</i>
<i>Animal world</i>	<i>животный мир;</i>	<i>ҳайвонот олами</i>	<i>ҳайўанат дуньясы</i>
N1+N2; <i>animal kingdom blanket vegetable animal population</i>	П+С; <i>животный мир растительный покров животный мир</i>	О+О; <i>ҳайвонот олами ўсимлик билан қопланган ҳайвонот олами</i>	Ат+Ат; <i>ҳайўанат дуньясы; өсимлик пенен қапланган; ҳайўанат дуньясы;</i>
A+N; <i>marine life protested animal Red book harmful animal biological activity</i>	П+С; <i>подводная жизнь; охраняемые животные; красная книга; вредные животные; биологическая активность</i>	С+О; <i>сув ости ҳаёти; сақланадиган ҳайвон; қизил китоб хавфли ҳайвон биологик фаоллик</i>	Кел+Ат; <i>суў астындагы омир; сақланатугын ҳайўан; қызыл китап; қаўипли ҳайўан; биологиялық активлик</i>

4) техника ва воситалар маъносини англлатувчи экосўзлар.

Инглиз тилида бундай лексемаларнинг 60 таси аниқланган. Уларнинг энг кўп қисмини ясама сўзлар ташкил қилади. Улар рус, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида агентивлик маъносини англлатувчи суффикс ёрдамида ҳосил қилинади.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>arrester</i>	<i>уловитель</i>	<i>тутувчи</i>	<i>тутыўшы</i>
<i>duster</i>	<i>пылоочиститель</i>	<i>чанг тозаловчи</i>	<i>шан тазалаўшы</i>
<i>conditioner</i>	<i>кондиционер</i>	<i>кондиционер</i>	<i>кондиционер</i>

Бундай сўзларнинг ярмини (барча тилларда) кўшма сўзлар ташкил қилади. Улар тизимига кўра қуйидаги моделларга мос келади:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
N1+N2 <i>dustbin</i> <i>cesspit</i> <i>dust counter</i> <i>air cleaner</i>	П+С <i>мусорный ящик</i> <i>помойная яма</i> <i>пылемер</i> <i>воздухоочиститель</i>	O1+O2 (изафет) <i>аҳлат</i> <i>қутиси аҳлат</i> <i>қутиси</i> <i>чанг ўлчагич</i> <i>ҳаво тазалагич</i>	Ат+Ат <i>аҳлат</i> <i>қутысы</i> <i>аҳлат</i> <i>қутысы шаң</i> <i>өлшегиш</i> <i>ҳаўа</i> <i>тазалагыш</i>
Adv+N <i>after burner</i>	С <i>зажигатель</i>	О <i>ёқувчи</i>	Ат <i>жагыўш</i> <i>ы</i>
N+Ving+ N <i>dust collecting bag</i>	C1+C2 <i>пылеприёмник</i>	O1+(O2+Ф) <i>чанг қабул</i> <i>қилувчи</i>	Ат+Ат <i>шан қабыл</i> <i>қылгыш</i>
N+V <i>garbage can</i>	C1+П+C2 <i>контейнер для</i> <i>пищевого отходов</i>	O1+O2+O3 <i>Озиқ овқат</i> <i>чиқиндилари</i> <i>учун контейнер</i>	Ат+Ат+А Т <i>азық аўқат</i> <i>шыгынлары</i> <i>ушын</i> <i>контейнер</i>
Adj+ N <i>feed – pump</i>	П+С <i>питательный</i>	Сифатдош+ Оовқатлантуру	Ҳа+Ат <i>насос</i>

<i>sewerage works</i>	<i>насос канализация</i>	<i>вчи канализация</i>	<i>насос канализация</i>
-----------------------	------------------------------	----------------------------	------------------------------

5) Ишчи ходимларни атовчи эколексемалар.

Ишчи ходимларни англатувчи эколексемалар инглиз тилида *-ist, -er* агентлик суффикслари ёрдамида ясалса, рус тилида уларга *-ов, -ист, -ник, -щик* каби суффикслар тўғри келади, ўзбек тилида эса *-бон, -чи*, қорақалпоқ тилида *-бан, -шы* каби қўшимчалар билан ясалади.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
<i>gardener</i>	<i>садовник</i>	<i>боғбон</i>	<i>бағбан</i>
<i>ecologist</i>	<i>эколог</i>	<i>эколог</i>	<i>эколог</i>
<i>collector</i>	<i>мусорщик</i>	<i>аҳлат ташувчи</i>	<i>аҳлат тасыўшы</i>
<i>Botanist</i>	<i>ботаник</i>	<i>ботаник</i>	<i>ботаник</i>

Ишчи ходимларни билдирувчи эколексемалар орасида қўшма сўзларни ҳам учратиш мумкин. Улар асосан қўйидаги моделлар асосида ясалган.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
N1+N2	П+С	O1+O2	A1+A2
<i>landscape architect</i>	<i>ландшафтный архитектор</i>	<i>ландшафт архитектори</i>	<i>ландшафт архитекторы</i>
<i>dust man</i>	<i>мусорщик</i>	<i>аҳлатчи</i>	<i>аҳлатшы</i>
<i>head orestguard</i>	<i>лесной бригадир</i>	<i>ўрмон бригадири</i>	<i>тоғай бригадири</i>
<i>field ecologist</i>	<i>эколог полевит</i>	<i>витэколог</i>	<i>витэколог</i>

Рус тилидаги П+С (яъни сифат ва от) кўринишидаги моделларга ўзбек ва қорақалпоқ тилларида изофали бирикмалар мос келади.

### Салбий маънони англатувчи экосўзлар ЛСГи

Бундай сўзлар инглиз тилининг ўзида 1170 та. Барча қиёсланаётган тилларда эса буларнинг сони 1800 тани ташкил қилади. Бу экосўзлар 4та микрогуруҳларга бўлинади.



1) салбий маъноли экологик феъллар:

Инглиз тилида улар 630 сўзни ташкил қилади, бу барча сўзларнинг 40% га яқинини ташкил қилади. Шулардан 400 таси содда сўзлардан иборат.

Инглиз тилида: *to combust; to deplete; to damage; to exhaust; to fume; to obstruct; to clog; to dump; to extinguish; to foul; to litter; to pollute; to damage;*

Рус тилида: *сжигать; истоцать; повреждать; истоцать; окуривать; сбрасывать; уничтожать; загрязнять; засорять; пачкать; наносить ущерб;*

Ўзбек тилида: *ёқиш; камайтириш; зарар келтирмоқ; чекмоқ; тўсмоқ; ташламоқ; ўлдирмоқ; ифлослантирмоқ; халал бермоқ; зарар келтирмоқ;*

Қорақалпоқ тилида: *жагыў; кемейтириў; зарер келтириў; шегиў; тосыў; таслаў; өлдириў; патасландыпыў; кесент бериў; зарер келтириў;*

Инглизча бундай тоифадаги сўзларнинг 200дан ортиғини ясама сўзлар ташкил қилади. Префикс ва суффикслар ёрдамида ясалган сўзлар, сифатдошлар.

Инглиз тилида: *to extirpate; to deteriorate; to contaminate; to amalgamate; to deforest; to devastate; to concentrate; to extirpate; to fumigate; to dewater; to dehumidify; to depopulate;*

Рус тилида: *истреблять; ухудшать; загрязнять; амальгироваться; облесить; опустошать; уничтожать; окуривать; отводить воду; осушать; обезлюдить;*

Ўзбек тилида: қириб ташламоқ; танг аҳволга туширмоқ; ифлослантирмоқ; амальгалаштириш; ўрмонсизлантириш; бўшатиш; йўқ қилиш; тутунлантирмоқ; сувни қочирмоқ; қуритмоқ; ҳувуллаиб қўймоқ;

Қорақалпоқ тилида: қырып таслаў; аҳўалын жаманластырыў; патасландырыў; амальгаластырыў; тогайсызландырыў; босатыў; ҳаўаны зарерли бомбалаў; қашырыў; қурғақластырыў; босатып қойыў;

Салбий маънодаги экосўзларни билдирувчи феъллар орасида кўшма сўзлар ҳам учраб туради. Улардан кенг тарқалган моделлари куйидагилар:

VA: *to dump waste materials; to exhaust toxic gases; to disperse radioactive wastes;*

## 2) Экологик фалокат номлари.

Барча қиёсланаётган тилларда бу маънони берувчи экосўзлар 750 тани ташкил қилади. Уларнинг ярмидан кўпи ясама сўзлардан иборат.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
A+ -ty: <i>casualty;</i>	П+С <i>несчастный случай</i>	С+О <i>бахтсиз ҳодиса</i>	Келб+Атл. <i>бахытсыз ҳадийсе</i>
A+ -ty: <i>salinity;</i>	С <i>соленость</i>	От <i>шўрланиш</i>	Атл. <i>шорланыў</i>
A+-ness: <i>dangerousness</i> ;	С <i>опасность</i>	От <i>хавф</i>	Атл. <i>қайип</i>
A+-tion: <i>extinction;</i>	С <i>уничтожение</i>	Сифатдо ш <i>ўчириш</i>	Феъл <i>өшириў</i>
V+ -tion: <i>salinization;</i>	С <i>осоленение</i>	Сифат <i>шўрлантириш</i>	Феъл <i>шорлантырыў</i>
N+-ic: <i>catastrophic;</i>	Прил. <i>катастрофически</i> й	Сифат <i>фалокатли</i> и	Келб. <i>палекетли</i>
A+-age: <i>shortage;</i>	С <i>недостаточность</i>	От <i>етишмаслик</i>	Атл. <i>жетиспеўшили</i>

			к
--	--	--	---

Булар орасида кўшма сўзлар ҳам мавжуд. Улар куйидаги моделларда ўз аксини топган:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
N1+N2: <i>sunbeam</i> <i>earthquake center</i>	П+С <i>солнечный луч</i> <i>очаги</i> <i>землетресения</i>	От+От (изофали) <i>қуёш нури</i> <i>зилзила ўчоғи</i>	Ҳа+Ат (изафет) <i>қуяш нуры</i> <i>жер</i> <i>силкиниў</i> <i>орайы</i>
N1+N2: <i>Thunderstorm</i>	С <i>гроза</i>	От <i>Мамақолдироқ</i>	Атл. <i>гүлдирмама</i>
N1+N2: <i>acid rain</i>	П+С <i>кислотный дождь</i>	Сифат+От <i>аччиқ ёмғир</i>	Келб+Ат л <i>аишы</i> <i>жаўын</i>
N+V: <i>snow – slip</i> <i>earthquake</i> <i>snow slide</i> <i>snow fall</i>	П+С <i>снежный обвал</i> <i>землетресение</i> <i>снежный обвал</i> <i>снегопад</i>	Сифатдош <i>қор кўчиши</i> <i>зилзила</i> <i>қор кўчиши</i> <i>қор кўчиши</i>	Ҳа <i>қар көшиў</i> <i>жер</i> <i>силкиниў</i> <i>қар</i> <i>көшиў</i> <i>қар</i> <i>көшиў</i>
AN: <i>extinct volcano</i> <i>atmospheric</i> <i>pollution</i> <i>natural</i> <i>catastrophe</i> <i>flooded area</i>	П+С <i>Потухший вулкан</i> <i>атмосферное</i> <i>загрязнение</i> <i>стихийное</i> <i>бедствие</i> <i>район затопления</i>	Сифатдош+ О <i>сўнган вулқон</i> <i>ҳаво ифлослиги</i> <i>одатий</i> <i>фалокат</i> <i>янчилган жой</i>	Ҳа+Ат <i>өшкен вулкан</i> <i>ҳаўа</i> <i>патаслыгы</i> <i>адетий</i> <i>палекет</i> <i>басылган</i> <i>жер</i>

### 3) Экологик ифлословчилар номлари.

Бу маънодаги экосўзларнинг кўп қисмини содда сўзлар ташкил қилади.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек	тилида
Қорақалпоқ тилида			
<i>acid</i>	<i>кислота</i>	<i>кислота</i>	
<i>кислота</i>			
<i>fume</i>	<i>дым</i>	<i>тутун</i>	<i>тутин</i>
<i>dirt</i>	<i>грязь</i>	<i>ифлослик</i>	<i>патаслық</i>
<i>scraps</i>	<i>отходы</i>	<i>қолдиқ</i>	<i>қалдық</i>
<i>wastes</i>	<i>отходы</i>	<i>қолдиқ</i>	<i>қалдық</i>
<i>debris</i>	<i>мусор, отходы</i>	<i>аҳлат</i>	<i>аҳлат</i>

Яна бир қисмини кимё терминлари ташкил қилади. Улар асосан префикс ва суффикслар ёрдамида ясалган ясама сўзлар ҳисобланади.

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
A+-ness: <i>mustiness</i>	С <i>затхлостъ</i>	Сифат <i>сассиқ</i>	Келб. <i>сасық</i>
V+-ant: <i>Pollutant</i>	С <i>загрязните</i> ль	От <i>ифлословчи</i>	Атлық <i>патаслаўи</i> ы
V+-y; <i>Smoky</i>	П <i>дымный</i>	Сифат <i>тутунли</i>	Келбетли к <i>тутинли</i>
N+-ity: <i>Acidity</i>	С <i>кислотнос</i> ть	От <i>кислоталилик</i>	Атлық <i>кислоталылық</i>
V+-ed: <i>exhausted</i>	П <i>выхлопной</i>	Сифат <i>озгинли</i>	Келбетлик <i>азгынлы</i>

Бошқа маънодаги экосўзлар каби бу маънодаги экосўзларда ҳам қўшма сўзлар учрайди. Улар асосан қуйидаги моделлар асосида ясалган:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
N1+A <i>dust – loaded</i> <i>dust – laden</i>	П+С <i>пыльный</i> <i>воздух</i> <i>пыльный</i>	Сифат+ОТ <i>чангли ҳаво</i> <i>чангли</i>	Келбетлик +Ат <i>шанлы ҳаўа</i> <i>шанлы</i>

4) Инсон фаолиятини ифодаловчи салбий маъноли экосўзлар.

Қиёсланаётган тилларнинг барчасида бу сўзлар унчалик кўп эмас. Уларнинг асосий қисмини ясама сўзлар ташкил қилади:

Инглиз тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
V+-ing <i>Hunting</i>	С <i>охота</i>	От <i>ов</i>	Атл. <i>Аң</i>
V+-er <i>Hunter</i>	С <i>охотник</i>	От <i>овчи</i>	Атл. <i>Аңшы</i>
V+-ing <i>Poaching</i>	С <i>браконьерство</i>	Сифат + От <i>ўгринча ов</i>	Келб+ Атл. <i>урыларша ан</i>
V+-er <i>Poacher</i>	С <i>браконьер</i>	От+От (изофали) <i>ўгрилар ови</i>	Атл.+ Атл (изафет) <i>урылар аны</i>
V+-tion <i>Extermination</i> <i>Afforestation</i>	С <i>Истребление</i> <i>облесение</i>	От <i>Қиргин</i> <i>дарахт</i> <i>экиш</i>	Атл. <i>Қырғын</i> <i>терек егиў</i>

Демак, барча тиллардаги эколексиканинг барча ЛСГларида от, сифат, сифатдош, феъл каби сўз туркумларига оид сўзлар микдор жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилади ва улар кенг қўлланилади.

Барча тиллардаги эколексика ЛСГларнинг турлари ушбу лексика томонидан ифодаланадиган борлиқдаги табиат ва жамиятдаги воқеа ҳодисаларнинг турли туманлиги билан белгиланади.

Турли тизимларга мансуб тиллардаги эколексикани семантик майдонлар кўринишида ҳам таснифлаш тилшуносликда рус ва инглиз тиллари мисолида амалга оширилган. Тадқиқотлар натижаси шунни кўрсатадики, эколексикага оид рус тилида 19та, инглиз тилида 18та семантик майдонлар аниқланган. Рус тилида асосан: а) модда; б) жараён; в) фазо; г) катталиқлар; д) фан; е) жамият; ж) белги; з) ҳолат; и) биоэкология; к) аутоэкология; л) атмосфера; м) гидросфера; н) литосфера; о) педосфера; п) қишлоқ хўжалиги; р) иқлимшунослик ва метеорология; с) ўрмон хўжалиги; т) атроф муҳитни ҳимоялаш; у) атроф муҳитни тежаш каби семантик майдонлар аниқланган бўлса, инглиз тилида ҳам худди шундай майдонлар мавжуд, фақат ижтимоий семантик майдон алоҳида

берилмаган. Инглиз тилида ушбу майдонлардан энг йириги биоэкология ҳисобланса, рус тилида жараённи ифодаловчи экосўзлар ва экотерминлар майдони энг каттаси сифатида тан олинган. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги эколексикани ҳам худди рус тилидагидек семантик майдонларга ажратиш мумкин. Чунки, у кўпроқ рус эколексикаси таъсирида шаклланган. Рус тилидаги бундай эколексемаларни калькалаш натижасида ушбу тилларда ҳозирги замон эколексикасининг асосий қисми ҳосил қилинган.

Демак, семантик деривация тилнинг луғат таркибини тўлдиришнинг жуда қизиқарли ва самарали усулидир. Бу экология соҳасидаги семантик жараёнларни лингвистик жиҳатдан тадқиқ қилишни давом эттириш заруратини асослайди

Семантик усулда ҳосил қилинган терминлар умумистеъмолдаги сўзларнинг терминларга айланиши, терминлар сифатида ишлатилиши натижасида ҳосил бўлади. Илм фан тили учун бундай сўз ясаш усули жуда катта аҳамиятга эга.

Маънони ойдинлаштиришда контекст, матн ёки дискурс катта аҳамият касб этади. Масалан, *catch* – асосий маъноси ушлаш, тутиш, балиқчилик соҳасида эса овлаш маъносини билдиради ёки *allocation* – жойлаштириш. Ушбу сўз термин сифатида ишлатиладиган бўлса, “квота”, балиқ тутишга руҳсат этилган микдор; квоталарнинг тақисмланиши каби маъноларига эга бўлади. Гидрология соҳасига оид *current* – сув оқими термини аслида оқим маъносини англатади. *Ghost fishing* – иккиламчи балиқчилик соҳасига оид ушбу терминда, *ghost* – арвоҳ сўзи унга қўшимча салбий маъно беради, чунки у йўқотишлардан иборатлигидан далолат беради. *Host* – *уйнинг эгаси*; *биология ва экологияда бу сўз махсус маънога эга бўлиб, паразит эгаси, вирус ташувчи* маъноларини англатади.

Мавжуд сўз экотермин сифатида қўлланганда илмий аниқликка эга бўлади ва янги илмий тушунчани ифодалашга мослашади.

Экотерминларнинг семантик усулда ҳосил қилиниши энг кенг тарқалган усул бўлса-да, у янги терминларнинг шаклланишидек мураккаб жараённинг бир кўриниши, холос.

### 3.4. Турли тизимли тиллардаги экотерминларнинг номинатив-деривацион хусусиятлари

Экотерминлар номинацияси қачон тилда содир этилган бўлишига қарамай, экотушунча ўзининг номинациясидан аввал пайдо бўлиши фанда аллақачон исботланган. Маълум фаолият давомида объект концепти унинг конкрет ифодасидан аввал аниқланади. Номинациянинг моҳияти шундан иборатки, у бирор бир лисоний белги орқали буюмни ифодаламайди, балки қандайдир бир мавҳумликни инсоннинг билиш фаолиятининг натижаси сифатида талқин этади.

Экология соҳасига оид терминлар мавҳум ва конкрет тушунчаларни, жонли ва жонсиз предметларни, саналадиган ва санаб бўлмайдиган объектларни ифодалашга хизмат қилади. Масалан:

*conservation – trawler; feeder – fishery; pollution;*  
*сохранение, траулер, приток реки, рыболовство, загрязнение;*  
*чангланиш, сақлаш, дарёнинг қуйилиши, балиқчилик,*  
*патасланыў, сақлаў, дарьянын қуйылыўы, балықшылық ва б.*

Экология соҳасидаги номинациялаш инсоннинг экологик фаолияти касб соҳасидаги ҳатти ҳаракатларини ифодалашга хизмат қилади. *Атропоф-муҳитнинг ифлосланиши (environmental pollution), экологик жиҳатдан зарарли ишлаб чиқариш (ecologically harmful activities), аттропоф муҳитни бошқариш (environmental management)* каби асосий концептлар унинг натижасида лисоний қобикқа ўралади.

Таъкидлаш керакки, терминлар орқали номинациялаш одатда иккиламчи номинация ҳисобланади, чунки бунда мавжуд тил бирлигининг фонетик қиёфаси янги тил бирлигини ифодалашда ишлатилади. Терминлар орқали номинациялашнинг хусусиятлари янги терминларнинг турли усулларда ясалишини таҳлил қилиш давомида аниқланади.

Турли тилларга мансуб терминлар яратувчи ассоциацияларнинг ўхшашлиги семантик кўчишларнинг универсаллиги туфайли, бу эса, ўз навбатида, турли тилларга хос фикрлаш жараёнининг умумбашарийлиги билан изоҳланади. Ассоциатив алоқалар кўпинча миллий кўриниш сифатида ўз ифодасини топади. Умумистеъмолдаги сўзларнинг экотерминлар сифатида қўлланиши терминшуносликдаги энг кенг тарқалган терминлар яшаш

усулларидан бири саналади. Терминлар бирор халқ тили асосида шаклланади, бунда махсус тушунчаларни ифодалашнинг миллий восита ва усуллари ҳам ишга солинади, шу билан бирга уларнинг янги турлари ҳам кашф этиб борилади. Кўплаб авлодларнинг профессионал тажрибасини қайд қилган ва тартибга солган ҳолда терминлар инсоннинг тилдаги ролини яна ҳам кучайтирувчи соҳага айланади.

Кўп халқларда борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ҳақидаги муҳим тасаввурлар деярли ўхшаш. Масалан, *сув* (*суў, вода, water*), *ер* (*жер, земля, land*), *ҳаво* (*ҳаўа, воздух, air*), *табиат* (*табият, природа, nature*), *қуш* (*қус, птица, bird*), *ҳайвонот* (*ҳайўанат, животные, animal*) каби экосўзлар ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз ва бошқа тилларда қўлланилади. Бироқ улар англатган тушунчалар ушбу тилларда турли усулда номланади. Шунинг учун ҳам ушбу тиллардаги номинациянинг барча усуллари ва хусусиятларини ўрганиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Инсон билимларининг соҳалари кўпайиб борган сари кўплаб янгидан янги тушунчалар пайдо бўла бошлайди, эски тасаввурлар ўзгаради ва бу ўша заҳотиёқ экологияга оид номланишларнинг маънолари ҳажмига таъсир қилади. Натижада бир фанга тааллуқли термин бошқасига ўтиб қолади: *кўмир* (*ёнилғи тури*), *тошкўмир* (*каменный уголь – полезное ископаемое*) – *фойдали қазилма*.

Янги экологик номларда аввал мавжуд бўлган тайёр лексик маънолар иштирок этади. Янги экосўзларни ҳосил қилиш лаёқати тилнинг ички имкониятларига боғлиқ, турли сўз ясаш усуллари ва моделларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Бундай экосўзлар ассоциатив семантик усулда яратилади. Юқорида айтилганидек, бундай усулда ҳосил қилинган экосўз ва экотерминлар бирламчи номинация ёки бошланғич номинация намуналари ҳисобланади ва улар тилшунослиқда мотивациялашмаган номланишлар ҳам деб аталади. Уларга қарашли сўзлар қуйидагича гуруҳланади:

Табиат ҳодисаларини ифодаловчи эконолар: *ёмғир* (*жаўын, дождь, rain*), *қиш* (*қыс, зима, winter*), *бўрон* (*боран, бура, storm*), *туман* (*думан, туман, fog, mist*), *шамол* (*самал, ветер, wind*).

Ландшафт табиий жой маъносини англатувчи эконолар: *ўрмон* (*орман, лес, forest*), *чўл* (*шол, пустыня, desert*).

Табиат бойликларининг номлари: *тупроқ* (*топырақ, почва, land*), *лой* (*ылай, ил, moist*), *торф* (*торф, торф, peat*), *нефть* (*нефть, нефть, oil*);

Сувни ифодаловчи эконолар: *денгиз* (*тениз, море, sea*), *дарё* (*дарья, река, river*), *булоқ* (*булақ, родник*).

Ҳайвонот ва ўсимликларнинг эконолари: *балиқ* (*балык, рыба, fish*), *ҳайвон* (*ҳайўан, животное, animal*), *дарахт* (*терек, дерево, tree*), *гул* (*гул, цветок, flower*).

Биолар ва бошқа шунга ўхшаш объектларни ифодаловчи эконолар: *уй* (*уй, дом, house*), *бино* (*имарат, здание, building*), *кўприк* (*копир, мост, bridge*).

Моддалар маъносини англатувчи эконолар: *кислота* (*кислота, acid*), *смола* (*сақич, сақыш, gum,* ), *сирка* (*уксус, vinegar*), *хлор* (*хлор, chlor*), *оғу* (*яд, toxin*).

Юқорида келтирилган эконоларнинг ўз тараққиёти давомида келиб чиқиш сабаблари унутилиб кетилган, шунинг учун ҳам улар эколлексиканинг энг қадимги қатламига тегишлидир. Уларнинг кўпчилиги кўпгина туркий тилларда деярли бир хил фонетик кўринишга эга. Ҳар қандай тил уни яратган инсонлар каби тирик бўлгани учун унинг ташувчиси каби доимий тараққий этиш, ўсиш, ўзгаришга маҳкум этилган. Бу ҳолат тилнинг экологик қатламида ҳам иккиламчи номинациялар сифатида яққол кўзга ташланади. Иккиламчи номинация туфайли ҳосил қилинган экосўзлар тилда мавжуд тайёр тил бирликларининг маъно ва мазмун жиҳатдан ўзгаради ҳамда ўзлари учун иккиламчи функцияни бажаради: *мас, қуруқ ер* (*қургақ жер, суша, dry land*), *сув ҳавзаси* (*суў ҳаўзеси, водоём, reservoir*), *сув ўтлари* (*суў отлары, водоросли, water - plant*), *шаршара* (*шаршара, водопад, water- fall*) ва б. Мазкур сўзлар мотивацияга дучор этилган, мотивациялашган деб аталади ва ясама сўзлар тоифасини ҳосил қилади. Терминлар номинациясида мотивациялашиш муҳим жиҳат ҳисобланади. Мотивация учун мотивацияловчи ва мотивацияланган сўзлар бор бўлиши шарт. Масалан: *вегетация даври* – *вегетационный период* - *vegetative season* бирикмали сўзи *вегетация* – (*vegetation*) ва *давр* (*период, season*) каби мотивацияловчи сўзларидан ҳосил қилинган. Яна бир мисол: *қўриқхона* (*қорықхана, заповедник, nature reserve, nature park*) сўзи ўзбек тилида қўриқлаш ва хона сўзларидан фойдаланиб ҳосил қилинган. Инглиз тилида ҳам айни шу сўз орқали ифодаланган тушунча турли сўзлар ёрдамида ясалган. Ёки экология: дастлаб

биология фани бўлими, кейинчалик мустақил фан соҳаси. Мисолларнинг таҳлилидан иккиламчи номинация натижасида ҳосил қилинган сўзлар мотивациялашган сўзлар эканлиги кўриниб турибди. Мотивациялашган номинацияда номловчи бирлик асоси учун объектнинг бир ёки бир неча белгилари танлаб олинади. Турли тизимга мансуб тилларда бу ҳолат шу тилларнинг ҳар бирига хос равишда ёки ўхшаш тарзда намоён бўлади. Бундай сўзлар жумласига ҳам содда, ҳам ясама эконолар киритилади. Уларнинг орасида ассоциатив семантик усул асосида маъноси кенгайтирилган сўзлар ҳам кўп топилади (мас: *ер, экология, сув, табиат, қатлам, босим, муҳит, тупроқ* ва ҳоказо). *Табиатни асранг! (Берегите природу!), Сувни асранг! (Берегите воду!)*.

Мисоллардан кўриниб турганидек иккиламчи эконоларда аввал ҳам маълум ва мавжуд бўлган сўзлар иштирок этган.

Бевосита номинация кўп тилларда кенг тарқалган номинациялаш усули ҳисобланади. Бунда мотивацияга мойил белги тўғри маъноли сўз (ёки сўзнинг тўғри маъноси) орқали тўғридан-тўғри, бевосита ифодаланади: *сув(ли), водный, watershed*; мотивациялашган белгининг мазмуни мотивацияловчи сўзнинг лексик маъносига мувофиқ келади.

Инглиз, рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экологик лексиканинг бевосита номинациялаш усулида ясалган қисмини куйидагича гуруҳлаш мумкин:

- Ҳаво тушунчасини ифодаловчи эконолар: *ҳаво, ҳаводаги муҳит*.
- Сув тушунчасини ифодаловчи номинациялар: *булоқ, булоқ суви*.
- Ер тушунчасини ифодаловчи эконолар: *шўр тупроқ, бўз ерлар, тупроқ*.
- Табиат ҳодисаларини ифодаловчи экосўзлар: *ўрмон ёнгинлари, камалак, қор, ер эрозияси*.
- Турли экологик тизимлар турлари номлари: *сув заҳиралари, табиий заҳиралар, экологик тизим, одамларнинг яшаш муҳити*.
- Салбий ёки ижобий экологик аҳамиятга эга табиий ва ижтимоий ҳодисалар номлари: *қуёш радиацияси, радиоактив ифлосланиш, табиий режим, биологик эволюция, экотизим эволюцияси* (қаранг. 3.3.)

Турли тизимдаги тиллар бўлмиш рус, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экосўз ва экотерминларнинг юқорида санаб

ўтилган лексик семантик гуруҳлари барча тилларда аниқланади ва улар эколлексикасининг маълум қисмини ташкил этади. Бундай сўзларда объектнинг энг асосий белгиси бирор морфема орқали ифодаланади. Ушбу белгилар онгли равишда конкрет ва ўта индивидуал хусусиятлар сифатида қабул қилинади ва намоён этилади. Ушбу гуруҳдаги сўзлар тузилишига кўра ҳам содда, ҳам ясама бўлади.

Билвосита номинация асосида метафорик кўчириш, кўчим усули ётади. Ушбу механизмнинг асосий принципи икки турли объектдаги умумий белгиларни ассоциациялар орқали яқинлаштиришдан иборат<sup>129</sup>. Сўздаги кўчма маъно номланади ва бунда янгича мазмун, янгича маъно пайдо бўлади. Метафора ва ўхшатишлар турли тизимларга мансуб тиллардаги эколлексика учун алоҳида аҳамиятга эга ва бу лисоний соҳа учун доимий ҳодисалар сифатида намоён бўлади.

Билвосита мотивация турлари (мотивлари)га кўра экосўз ва экотерминларнинг қуйидагича турларини фарқлаш мумкин:

– Инсон тана қисмларига ўхшаш тушунчалар номлари: *тоғ тизмаси, қўлтиқ, дарёнинг қуйилиши жойи*.

– Мақсад ва вазифасига кўра ифодаланувчи тушунчаларнинг экономланишлари: *ўғит, паразит ҳашаротлар*.

– Предметларга ўхшашлик асосида ясалган экономлари: *тоғ этаги, ер қобиғи*.

– Инсон фаолияти, ҳатти ҳаракатлари ёки ҳолатига ўхшаш тушунчаларнинг номлари: *тупроқнинг кучсизланиши, дарёларнинг сувга тўйиниши*.

– Жисмоний белгиларга ўхшаш тушунчалар номлари: *тақир ер*.

– Ҳаёт фаолиятига ўхшаш тушунчалар номлари: *ҳосилдор ер*.

– Жараён хусусиятларига кўра ифодаланувчи тушунчалар: *нефтўтказгич, сув сақлагич, сув ўтказувчанлик*.

– Бирор бир фаолият билан шуғулланувчи шахсларни ифодаловчи сўзлар: *нефтчи, ўрмончи, овчи*.

– Ўсимликларга ўхшашликка асосланган номлар: *ер қобиғи, тупроқ қобиғи*.

---

<sup>129</sup> Қаранг: Арутюнова Н.Д. Номинация и текст // Языковая номинация. (Виды наименований). М., 1977.; Володина М.Н. О специфике терминологической номинации // Вестн. Моск. ун-та. Серия 9, Филология. М., 1986. №5. С. 38-47.; Володина М.Н. Теория терминологической номинации. - М.: Изд.Московского Универ.,1997. - 180с.;

Демак, эконоларни номинациялашда берилган объектдан энг ёркин кўзга ташланган белгиси ҳисобга олинади, айнан шу белги объектнинг асосий хусусиятига айланади. Предметнинг ҳар қандай реал белгиси янги эконоларни яшаш, ҳосил қилиш, яратишда асос қилиб олинаши мумкин, тупроқ, ер ости захиралари, табиат ҳодисалари ифодалари ва ҳоказо. Номинация белгиларини ўрганиш экологик номлар семантикасининг қонуниятларини аниқлаш имконини беради.

Экологик лексиканинг номинацияланиш жараёнида шундай лексик семантик микроанизим ҳосил бўладики, ундаги ҳар қандай янги ҳосил қилинган номинатив бирлик эскисига нисбатан мослашади. Улар ўртасида шундай мотивация муносабати юзага келади ва у асосий фарқловчи белгини ёки ясалаётган номнинг белгиларини акс эттиришга хизмат қилади. 2000 сўз атрофидаги мисолларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, рус, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экологияга оид сўзларни номинация нуқтаи назаридан шартли равишда икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

Бирламчи номинацияга хос эконолар, яъни туб сўзлар: *сув, ер, осмон, ёмғир, кўк*. Бундай сўзлар эколексиканинг асосий қисмини ташкил қилади.

Иккиламчи номинация эконолари, яъни ясама сўзлар. Бундай эконоларни яшашда аввалдан маълум бўлган сўзлар негиз қилиб олинади, бироқ уларнинг семантикаси сезиларли ўзгаришларга учрайди: *қўлтиқ, бўғоз, бош*.

Сўзларнинг ясалишига кўра иккиламчи номинатив экотерминлар бевосита ва билвосита турларга бўлинади.

Бевосита иккиламчи номинация барча тилларда энг оммавий ҳисобланади. Бунда мотивацияланувчи белги тўғри маъноли сўз орқали, яъни бевосита ифодаланади. Тўғри маънода қўлланилган сўзлар предмет, ҳодиса, ҳаракат ва бошқаларни бевосита тушунча ёки белгиларга мувофиқ равишда ифодалашади. Сўзнинг асосий маъноси бошқа маъноларга қараганда сўзлар билан бирикиш хусусиятларига камроқ боғлиқ бўлади. Экологик номларнинг бевосита номинациясида уларнинг *сув, ер*, объектларни билдирувчи белгилар асосий мотив бўлиб хизмат қилади.

Тилшуносликка оид адабиётларда билвосита номинация усули воситали деб ҳам аталади. У асосан кўчим усулидан иборат (метафоризация, метонимизация, терминологизация, ихтисослашиш).

Кўчма маъно сўздаги асосий маънонинг бошқа объект сифати, хусусияти тарзида намоён бўлиши натижасида пайдо бўлади. Билвосита (ёки воситали) номинацияда одам танаси қисмлари номлари, инсон фаолият ёки предметларга ўхшашликлар, жараён хусусиятлари кабилар асосий мотивацияловчи белгилар (ёки мотивациянинг асосий белгилари, сабабчилари) бўлиб хизмат қилади. Экологик билимлар доирасида метафоралар инсоннинг атроф – муҳит билан ўзаро таъсирлашуви натижасида тўпланган янги тажрибасини ифодаловчи восита сифатида намоён бўлади. Метафорик кўчим тушунчанинг номи сифатида унга ўтади ва номинация вазифасини бажаради. Ўзига мувофиқ келувчи ясама термин бирлиги орқали ўз семантик ифодасини топувчи ўхшатиш семантик термин яшанинг асосий оператори сифатида намоён бўлади. Улар семантик сўз яшаш жараёнлари натижасида ҳосил бўлади. Улар иккиламчи ифода воситалари бўлгани учун улар ўзларида ифодаланаётган объектга нисбатан муносабат, баҳо каби кўшимча маъноларни ҳам олиб юришади. Метафоралар яшашга қаратилган семантик деривация натижасида фақат лисоний ифода шакли ўзгарибгина қолмай, балки прагматик характердаги семантик кўшилиш ҳам содир бўлади.

Метафорик терминлар фундаментал фанларнинг асосини ташкил қилади ва когнитив (ёки гносеологик) вазифани бажаради. Масалан: *тўлқин, куч каби терминларда кўрғазмалилик яққол кўриниб тургани учун улар эҳтимоллик тўлқинлари, орқа кучлари, эгри чизиқ тўлқинлари, эфир тўлқинлари, радиотўлқинлар* каби ясама терминли лексема ва сўз бирикмаларини яшаш имконини беради. Метафора яшашда иштирок этувчи семантик термин сўз ясовчи воситалардаги маънолар улардаги микромаънолар тўплами билан белгиланади. Метафора ўзида объектив борликдаги ҳодисаларни англашнинг турли семантик қатор ва усулларини ўзида бирлаштириш имконини беради. Микроэлектрониканинг инглиз тилидаги терминларнинг 60% ни термин номинациялари ташкил қилади. Фан тилидаги бундай усулдаги билвосита баён этиш (тавсифлаш) усули инсоннинг энг қадимий инстинктларидан бири бўлмиш унинг табиат, дунё билан ўзаро боғлаб турувчи, уни белгиловчи ўзаро боғлиқлик хусусиятини аниқлашга ёрдам беради. Табиий тил термин метафораларнинг табиий манбаи ва фан тилида “сунъий концептуал белгилар” сифатида хизмат қилади. Мисоллар: *неъматлари мавҳум, очил дастурхон, генлар ўзгартирилган*

*мавжудотлар одатдаги ўсимликларга қараганда ҳосилдорликка эга бўлиб, очарчилик ва қурғоқчилик ҳукм сураётган мамлакатлардаги муаммоларни ҳам ҳар томонлама бартараф қилишга ёрдам бериши мумкин.*

Турли тизимларга мансуб тиллардаги эколексика номинацияси ходисаларини фақат тилшунослик нуқтаи назаридан эмас, балки, унга яқин турган фан соҳалари (мас, когнитивистика) ютуқларига таянган ҳолда ўрганиш мазкур сўзларнинг табиати ва ундаги динамик ўзгаришларни, уларнинг нутқда қўлланиш принциплари, ички тузилишлари ва кейинги тараққиёти йўллари аниқлаш имкониятларини кенгайтиради, уларни ҳар томонлама ва тўлиқроқ талқин этишга хизмат қилади.

Эколексика соҳасидаги иккиламчи номинация ижодий жараён, ижодий фаолият бўлиб, у фақат экологик терминлар яратишга қаратилган. Замонавий экотерминларнинг яратилишида концептуал интеграция етакчи когнитив омил ва жараён сифатида намоён бўлмоқда. Экотерминларни ташкил қилувчи концептлар таркибида ушбу соҳадаги билимлар фреймининг барча блоклари ўртасида мустаҳкам алоқалар борлигига ишора қилувчи унсурлар борки, улар экология фанининг ўзи ҳам интеграциялашганлигидан далолат беради.

Инсоннинг номинатив фаолияти борлиқни фаол қабул қилиш жараёни ҳисобланади ва у объектив борлиқнинг субъектив образларини ёки образ структураларини яратишга хизмат қилади. Тилда қайд этилган ва тартибга солинган аждодлар тажрибаси инсоннинг ташқи дунё ҳақидаги тасаввурларини ўзига хос равишда шакллантиради. Рус, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида эколексикани ўрганиш мисолида шу маълум бўлдики, ҳар бир тил дунёни турлича қисмларга ажратади ёки ҳар бир тил орқали дунё турлича, яъни турли лисоний воситалар ва усуллар ёрдамида қисмларга бўлинади, ундаги объектлар бир бирига ўхшаш ёки фарқли тил воситалари ёрдамида номланади. Ҳар бир тил ўзининг беқиёс миллий хусусиятлари билан буюк замонавий экологик таълимотни яратиш ва ифодалашда фақат ўзига хос тарзда ноёб “қурилиш” материали сифатида хизмат қилади.

Рус тилидаги эколлексиқа доирасида қуйидаги метафорик термин бирликлари аниқланган: *кровавый дождь; давление жизни* ва *ҳоказо*<sup>130</sup>.

Экотерминлар орқали юзага келган метафора одатий, анъанавий лексика ичидан янги терминни чиқариб олувчи оператор вазифасини ўтайди.

Метафорик номинациянинг терминлашуви, терминлар қаторига ўтиб қолиши натижасида ушбу тил бирлигини ўзига хос дефиниция маъносига эга, экологик тушунчани ифодаловчи мустақил термин сифатида қўлланади. Семантик усулда ҳосил қилинган ясама экотерминларни улар ифодалаётган тушунчаларнинг тематик тоифасига кўра 3 турга бўлиш мумкин, яъни антрономорф метафора, маиший метафора, зооморф метафора<sup>131</sup>.

Антроморф, яъни инсон фаолияти билан боғлиқ метафоралар инсон ва табиатни ўхшатиш қадимдан пайдо бўлган жараёнга асосланади ва улар барча тилларда кўп учрайди. Инсоннинг ҳатти ҳаракатлари ва табиат ҳодисаларини бир бирига ўхшатишга асосланган кўчим экологияга оид терминлар майдонида энг маҳсулдор ҳисобланади. Бундай тасвирий воситалар асосан жараёнларни ифодалашга хизмат қилади. Мас, экспреция ҳодисаси ёки “ўсимликлар йиғиси” – ўсимликларнинг жароҳатланган еридан *флоэм* ва *ксилемли шарбатнинг оқиб чиқиши; сувларнинг гуллаши – сув рангини ўзгартирадиган фитонпланктонларнинг оммавий ривожланиши; тилнинг гуллаши – тилнинг устки қатламининг яллиғланиши; қорнинг гуллаши – қор устининг хионофлит сув ўсимликлари билан қопланиши; товушдан маст бўлиш – резонанс туфайли хужайраларнинг қаттиқ ритмик товушларга жавоби; ўсимликларнинг куйиши – пестецидлар таъсирида ўсимликларнинг барглари, новдаси ва бошқа қисмларининг қуриб қорайиши; ер ости сувлари депрессияси - табиий ёки сунъий дренаж даражасигача ер ости сувларининг эркин сатҳининг пасайиши ҳодисаси* ва *ҳоказо*.

Инсоннинг кўзига (инсон органларига) ва оғзига ўхшатишга асосланган семантик экотерминлар ҳам антропоморф метафоралар

---

<sup>130</sup> Кибрик А.А. Когнитивные исследования по дискурсу // Вопросы языкознания., №5, 1994. - С. 126 - 139.; Кубрякова В.С. Части речи в ономаσιологическом освещении. М.: Наука, 1978.-115с.; Китайгородская М.В. Современная экономическая терминология (состав, устройство, функционирование) // Русский язык конца XX столетия(1985-1995). - М., 1996. - С.162-236.; Рахилина Е.В. Когнитивный анализ предметных имен: семантика и сочетаемость. - М.: Русские словари, 2000. - 416с.

<sup>131</sup> Лапиня Э.А. Метафора в терминологии микроэлектроники (на материале английского языка) / Э.А. Лапиня // Метафора в языке и тексте.- М., 1988.- С. 134-145.-176 с.

сифатида намоён бўлиши мумкин. масалан: *тропик циклон марказидаги бўрон кўзи, булоқ кўзи; вулқон оғзи, гора оғзи* ва ҳоказо.

Демак, антропоморф метафоралар ёрдамида тадқиқ этилаётган объектнинг яхлит образи яратилади ва у орқали унинг янги қирралари аниқланади. Антропоморф метафоралар ўрганилаётган предмет ёки ҳодисанинг белгиларини атайди ва шу орқали назарий тушунчани ифодалашга хизмат қилади. Маиший метафоралар асосида маиший турмуш предметлари ётади. Уларнинг асосий маъноси номланаётган тушунчанинг шакли ёки белгиларига қийёсланади. Бундай семантик терминлар гуруҳига маиший тушунчалар ва илмий ҳодисалар орасидаги ўхшашликлар ёрдамида ҳосил қилинган номинациялар киритилади. Мас: *кўйлак этаги – тоғ этаги; парданинг тешилиши – озон қатламнинг тешилиши; ҳаёт пардаси – эмбрионни ўраб турган юпқа биопарда* ва ҳоказо.

Зооморф метафоралар экологик лексикадаги энг маҳсулдор дериватлар жумласига киради. Зооморф негизини ҳайвонлар ва уларнинг тана қисмлари билан номланаётган предметлар ўртасидаги ўхшашлик сақланади. Мас: *хвосты – чўкиндилар, фойдали қазилмаларни бойитиш ва бошқа технологик жараёнлар натижасида ҳосил бўлувчи чўкиндилар, тупроқ нафаси - дыхание почв (дыхание анаэробное, аэробное)* ва ҳоказо.

Айрим ҳолларда метафора таркибида умумистеъмолдаги сўз сифат ёки от билан бирикиб терминга ўхшаш ёш термин вазифасини ўтовчи махсус нозик маъноли сўз ҳосил қилади. Бундай термин метафоралардаги иккинчи компонент экспрессив юкни ўзига олади. Бундай сўз бирикмаларида сифат ҳам тўғри маънода, ҳам метафорик маънода ишлатилади.

Сифат ёки равишлар кўп ҳолларда эпитет вазифасида қўлланиши кузатилади: *неъматлари мавҳум очил дастурхон*. Экоматнларда одатда сифатлар нейтрал маънода қўлланади: *мовий денгиз, феруза осмон*.

Экоматнларда *экологик – экологический – ecological* сифатининг юқори даражадаги фаоллиги кузатилади. Ушбу аниқловчи метафорик терминлар таркибида кўп ишлатилади. Бундай терминлар *C – От, П – С, А – N* моделлари кўринишида намоён бўлади. Бундай сўз яшаш усулида ўхшашлик аналогия “деривация оператори” сифатида хизмат қилади. Мас: *бумеранг; экологик бумеранг. Бумеранг – айрим ёввойи қабилаларда қайрилган дарахт новдасининг бўлаги бўлиб, у бир томонга узоққа отилганда отган*

*кишига қайтиб келади. “Экологик бумеранг” сўз бирикмасида бу сўз одамнинг нотўғри хўжалик фаолият натижасида атроф-муҳитда юзага келувчи салбий, ўта хавфли ҳодисаларни ифодалайди. Экологик портлаш – бирор бир табиий турнинг табиий душманлари бўлмагани учун оммавий кўпайиб кетиши ва ҳоказо.*

Экологик муаммоларнинг долзарб эканлиги экологик матнлар яратилиши жараёнида турли тасвирий нутқ воситалардан фойдаланишга кучли эҳтиёж сезилади. Экоматнларда метафора, эпитетлардан ташқари ўхшатиш, риторик сўроқ ва жавоблар, такрорлар, метонимиялар, антитеза каби публицистик ва илмий оммабоп услубларга хос бўлган тасвирий воситалар ҳам қўлланади. Мас: *Минг йилликлар давомида (гипербола), океан биологияси ҳақидаги саволга глобал жавоб (гипербола); это влечёт за собой как увеличение количества произведенной, таким образом, электроэнергии, так и уменьшение её потребления в целом (антитеза); озон тешиклари, иқлимнинг бузилиши, музларнинг эриши, қислотали ёмғирлар, заҳарли чиқиндиларнинг тарқалиши, автомобиллар тантанаси, минглаб биологик турларнинг йўқолиши охир оқибатда экологик ҳалокатга олиб келиши муқаррар. (Даракчидан) Машина ичидаги ифлослантирувчи атмосфера моддаларнинг ҳажми йўлакдагига қараганда каттароқ ва автомобилчилар пиёда, велосипедчи ёки жамоат транспортдан фойдаланувчиларга нисбатан кўпроқ зарарли атмосфера моддаларини ютадилар (такрор); Экологик фалокатнинг сабаби нимада? (риторик савол). Ҳозирги замон экологияси икки турга бўлинади: бири табиий экология, иккинчиси маданий экология. Инсонни жисмонан ўлдириш биологик ўлимга олиб келса, уни маънавий ҳалок этиш экологик ҳалокатга олиб келади! (ундов гап).*

Мисоллардан кўриниб турибдики, барча тиллардаги эколексика ва экотерминларнинг лексикологик хусусияти шундан иборатки, нутқда бир сўзли терминлар билан бир қаторда кўшма терминлар, сўз бирикмаси кўринишидаги терминлар қўлланади. Умумхалқ тили лексикасининг таркибий қисми бўлган экологик сўзлар тўплами миллий тилнинг асосий шаклланиш босқичларини акс эттиради, уларнинг ривожланиш суръати, ўз навбатида, давлатнинг дунёдаги сиёсий мавқеи ва иқтисодий ривожланиш савиясига боғлиқ. Тасвирий экотерминлардаги ҳам лексик, ҳам стилистик компонентлар яққол кўзга ташланувчи прагматик хусусиятга эга. Метафорик кўчим экологик лексиканинг бойиш манбаларидан бири,

терминлар яратишнинг семантик усули саналади. Унинг асосий объекти, жараёнлар, ходисалар, предметлар ва уларнинг белги хусусиятлари ҳисобланади<sup>132</sup>. Экотерминлар тизимида экология сўздан ҳосил қилинган “экологик” (экологиялық, экологический, ecological) сифати қатнаштирилган метафорик терминлар энг маҳсулдор усулнинг намуналари сифатида баҳоланади.

Шаклланиш усулига кўра экотерминларнинг лексик, синтактик ва семантик деривацион моделлари фарқланади. 2000 тагача бўлган лексик бирликларнинг семантик таҳлили натижасида номинациянинг анъанавий таркибий усуллари аниқланди.

Янги экотерминларнинг пайдо бўлишида сўз ясовчи воситалар орқали номинация ҳам катта роль ўйнайди. Ясама сўзни ҳосил қилиш жараёнида ясовчи бирлик алоҳида ўрин тутади. У ясама сўз таркибидан жой олади. Ясама сўзлар тайёр тил бирликларига таянади, шунинг учун иккиламчи ном ҳисобланади. Сўз яшаш жараёни Е.С. Кубрякова фикрича, уч хил усулда, яъни аналогия, корреляция ва дефиниция усулларида содир бўлади. Аналогия бўйича ясама ва кўшма сўзлар яшашда сўзнинг модели, унинг морфологик шакли янги лексик маъно билан “тўлдирилади”. Масалан, инглиз тилидаги *handline* – сўзида сўзнинг биринчи қисми *hand* аналогия ҳисобланади ва у орқали асосий белги ўз ифодасини топади. Сўзнинг иккинчи қисми *line* - тўр маъносини билдиради ва унинг маъноси ўзгарувчан ҳисобланади. Бунда Е.С. Кубрякова таъбири билан айтганда, ясовчи бирликдан унинг лексик маъносини эмас, балки шу моделга хос бўлган маъно ўзлаштирилади. “Қўл билан овлаш учун мослама” эса сўз ясовчи маъно ҳисобланади.

Экология тилидаги номларни қисқартма сўзлар кўринишида кўллаш анъанавий бўлиб қолган. Улар, асосан, сўз бирикмалари негизида юзага келади. Қисқартма /термин/ сўзлар ҳам уларни ҳосил қилган сўз бирикмалардаги айнан ўша маълумотни ифодалашга мўлжалланган.

Бундай сўзларнинг пайдо бўлиши ва оммавийлашиши махсус тушунчаларни ифодалашда лисоний воситаларни тежашга бўлган мойиллик сифатида изоҳланади.

Номинация нуқтаи назаридан қаралганда, сўз бирикмалари тарзида ясалган терминлар ўзаро бир- бири билан боғлиқ бўлган

---

<sup>132</sup> Лапиня Э.А. Метафора в терминологии микроэлектроники (на материале английского языка) / Э.А. Лапиня // Метафора в языке и тексте.- М., 1988.- С. 142-149.-176 с.

концептларни ўзида мужассамлаштиради. Пропозиция миқёсида бу хилдаги терминларнинг тузилиши маълум семантик вазифаларни бажарадиган аргументларнинг маъносини ташкил этувчи семантик муносабатларни аниқлаш имконини беради. Н.Н.Болдырев фикрига кўра, билимларни концептуал ташкил этишнинг энг кенг тарқалган усули ҳисобланади<sup>133</sup>. Бунда инсон ўз билимларини ва тажрибасини маълум концептуал моделга мослаштиради. Бу асосий концепт ва белги моҳиятидан иборат бўлади. Бунда пропозиция ўзига хос тавсифловчи фрейм сифатида талқин қилинади. У тақозо этувчи функция бундай фрейм қатламларини тўлдирувчи ва инсон фаолият билимларининг борлиқдаги ҳодисаларни номлаш жараёнида аниқланган қисмларинигина акс эттиради. Ю.П. Панкрац таъкидлаганидек билимларни тақдим этиш, ифодалаш шакллари таҳлил қилишда икки хил ёндашув мавжуд<sup>134</sup>. Бир гуруҳ тадқиқотчилар билимларни турли шаклларда акс эттиришда пропозициянинг универсал эканлигига шубҳа билдиришса, бошқалари ҳам лисоний, ҳам нолисоний билимлар инсон хотирасида ягона пропозиционал шаклда охирги пайтларда Ю.П.Панкрац, И.Г. Гусева ва бошқаларнинг фикрига кўра ҳар иккала томондагилар бу масалада мурасага келишганликларини таъкидлашади.<sup>135</sup> Бу борада қуйидагича фикрлар билдирилади: Пропозиция қайта тақдимот бирлиги сифатида ўзига хос ментал структура кўринишида намоён бўлади. У айрим вазият ва ундаги муносабатларни акс эттиради ва улар онгимизда умумлаштирилади, ташкиллаштирилади.

Пропозиция концептларни жуда чуқур миқёсда бир бири билан боғлайди ва бунда онгнинг ментал маҳсули асосларига кириб боради. Пропозиция инсоннинг атроф муҳит, унга хос қонуниятлар ва муносабатлар ҳақидаги билимларининг тизимлилигига ишора қилади. Бундай нуқтаи назар тадқиқ этилаётган экотерминларнинг тизимлилигини ва мазкур билим, яъни экология соҳасига оид асосий тушунчаларнинг шаклланиши жараёнида юзага келувчи концептларни тушунишда жуда муҳим ҳисобланади<sup>136</sup>. Формал ва

---

133 Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. /Курс лекций по английской филологии., Тамбов: Изд-во ТГУ, 2000. - 123с.

134 Панкрац Ю.Г. Пропозициональная форма представления знаний // Язык и структуры представления знаний. - М.: РНОН, 1992. - С.78 - 97.

135 Новодранова В.Ф., Лейчик В.М. Понятие и концепт //Научно- техническая- терминология /н.-реф. сб-к. - Вып.2., М., 2002. - С. 59 - 60.

136Панкрац Ю.Г. Пропозициональная форма представления знаний // Язык и структуры представления знаний. - М.: РНОН, 1992. - С.78 - 97.

пропозиционал схемаларнинг мутаносиблиги типик номлаш структураларининг шаклланишига ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, терминлар семантикасидаги тушунчалар мутаносиблигини аниқлаш ва уларни лисоний белгиларда ифодалаш жараёнини қайта ташкиллаштириш имконини беради.

Ҳозирги кунда экологик муаммолар илм фаннинг ҳар қандай жабҳасида қизиқиш уйғотаётгани ҳаммамизга маълум. Ҳаттоки журналистлар ҳам экологик терминларни ўзларининг дискурларида ишлатишади. Бу ҳолатда қиёсланаётган тиллардаги экологик терминлар эмоционал маънога яъни юмор орқали инсон ва табиат ўртасидаги алоқани чуқурроқ англаб етишни ифодалайди. Адабиётчилар ва журналистлар тилида экологик терминлар маълум маънода инсонларни табиатни асршага, уларни асраб авайлашга, атроф муҳитни муҳофаза қилишга чақириши табиий. Биз қуйида ана шундай юмористик маънога эга экологик терминларни баъзи бирларига тўхталишни лозим топдик:

1) «*No unpronounceable ingredients*», таржимада: *без непронозомных ингредиентов; талаффузи қийин таркиб:*



2) «*100% undetermined fibres*», таржимада: *из 100 % волокон неизвестного происхождения; 100% номаълум матодан:*



3) Кулгили «фойдасиз маслаҳатлар», табиатга совуқ муносабатда бўлган ташкилотнинг норасмий мурожаати:

БРОСАЙТЕ МУСОР  
ПРЯМО  
ЗДЕСЬ!  
ТУТ ВСЁ РАВНО  
ГРЯЗНО

Акция проходит при поддержке значительной части населения страны.  
Партнеры: Общество с ограниченной моральной ответственностью  
«После нас - хоть потоп», Творческое объединение тяжело больных  
«До урны не донесу», Ассоциация «Брехня, пластик за месяц сгниет».

4) «экологик тоза чиқариш» –автотранспортларнинг зарарли чиқиндиларига нисбатан антоним сифатида экологик термин ҳисобланади;



**Первые внедорожники**

Нафақат инглиз тилида балки рус тилидаги ҳам экологик терминлар юмор маъносида анекдотларда ишлатилиши мумкин:

1) *Далекое-далекое будущее. Стоят города из экологически чистых материалов, чистота, деревья, лужайки. Утопия. Бесшумно летают гравимобили, играют и веселятся дети. И только гринписовцы ездят на старых ревущих и дымящих тракторах с лозунгами: "Мы сохраняем этот мир таким, каким нам его оставили предки"*

2) *Урок в летней экологической школе. Учительница:*

- *Так чему нас учит сказка Пушкина «О рыбаке и рыбке»? Встает девочка-крохотулечка:*

- *Эта сказка учит нас, что неумный рост потребления в современном мире неизбежно приведет человечество к*

*экологической и гуманитарной катастрофе!*<sup>137</sup>

Юқорида келтирилган экологик терминларнинг тадқиқининг натижаси шуни кўрсатадики, турли тизимли тиллардаги экологик терминлар семантик жиҳатдан илмий адабий, публицистик ва сўзлашув тилида ҳам ўзига хос жиҳатларига эгаллиги билан ажралиб туради. Бу жараён ўз навбатида тилшуносликда терминология соҳасининг ривожланаётганидан далолат беради.

Сўзимиз охирида буюк мутафаккиримиз А. Навоий бобомизнинг куйидаги сўзларини эслатиб ўтишни лозим топдик: **“Табиатни севинг, эъзозланг, чунки Сизнинг ҳаётингиз, борлигингиз, бахтингиз, истиқболингиз у билан бевосита боғлиқ!** Улуғ бобомиз ўғитларини миллати, ирқи, ёши, жинси, турар жойи, мансабидан қатъи назар ҳар бир инсон дилига чуқур жойлаб, уларга амал қилиб яшаши лозим деб ўйлаймиз.

---

<sup>137</sup> <http://ecology-oag.livejournal.com/793.html>

## ХУЛОСАЛАР

Тилшунослигимизда терминлар ясалишида лексик, семантик ва синтактик деривацион муаммоларни ҳали том маънода тадқиқ қилинмаган. Шу боис мазкур тадқиқот, бу борада ташланган илк қадамлардан биридир.

Бизнинг турли тизимли тилларнинг экотерминларини устида олиб борган кузатишларимиз қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

Замонавий жамият олдида турган глобал экологик муаммоларнинг ечимини топишда илм-фаннинг кўп соҳаларига, шу жумладан, тилшуносликка оид билим ва тажрибага эга бўлиш биринчи даражали заруратга айланди. Экология фанлараро фан бўлиб, унинг объекти табиий гуманитар фанларни, фундаментал ва амалий илмий фаолиятни бир-бирига яқинлаштиради.

Жамиятнинг табиий атроф-муҳитга кенг таъсир ўтказиши ва бунинг натижасида юзага келадиган ҳодисаларни экологик нуқтаи назаридан ўрганиш уларни номлаш, ифодалаш учун янги сўз, термин ва бирикмали birlikларнинг яратилишини тақозо қилади.

Замонавий экология лексикаси ва терминологияси шаклланиш босқичида эканлиги аниқ, чунки турли илмий йўналишларнинг экологиядаги интеграциялашуви ҳали тугамаган, экологиянинг айрим йўналишлари ноаниқлиги сабабли эса “экология” терминининг ўзи ҳам универсал характерга эга бўлиши билан ифодаланади. Натижада “экологик таълим”, “экологик фикрлаш” ва “экологик дунёқараш” каби иборалар юзага келмоқда.

Экология терминларининг деривацион тизими когнитивлик, очиқлик, яхлитлик/дискретлик ва ҳоказоларнинг фундаметал тамойилларига курилади.

Ҳар қандай фан терминологияси, шу қаторда экотерминлар ҳам, шунчаки терминлар жамламаси сифатида эмас, балки муайян тушунчалар ёки ҳаракатлар тизимини ифодаловчи тизим сифатида шаклланади. У фан ёки фаолият соҳаси юқори ривожланиш даражасига етгандагина маълум илмий дунёқараш ёки техник тараққиётни акс эттиради.

Экологик муаммо ўта мураккаб ва кўпқиррали, у инсон тирикчилигининг деярли барча томонларига алоқадор.

Лексикологияда, хусусан терминологияда “лексик тизим” ва “термин тизими” деб юритилувчи тушунчалар ва бу тушунчалар томонидан акс эттириладиган тил ҳодисаларига тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Қадимдан пайдо бўлган эколлексика ижтимоий соҳаларга мансуб бўлганлиги туфайли такомиллашиб боради. Бу, ўз навбатида, уларга бўлган лисоний қизиқишни орттиради. Натижада эколлексемалар ҳақида янги тадқиқотларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Ҳар қандай тилда бўлгани каби ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги терминлар бошқа тиллар таъсири остида янги сўзларни ўзига ўзлаштириб боради ва натижада фақат ўзларига тегишли лексик бирликлар, сўз ясовчи воситалар, янги сўз яшаш усуллари, янги деривация механизми юзага келади.

Сўзларнинг деривацион нуқтаи назаридан фаол ёки нофаоллиги, албатта, уларнинг истеъмол даражалари билан боғлиқ бўлади. Бунда турли сабалар аҳамият касб этиши мумкин.

Экотерминларнинг шаклланишида ҳар бир манба ўзига хос термин яшаш усуллари талаб қилади. Булар: семантик усул, сўз яшаш ва калькалардир. Экотерминлар яшашнинг ҳар бир манба ва ҳар бир усули яратилаётган терминнинг семантик структурасини белгилайди. Бу эса, ўз навбатида, унинг қўлланиш доирасини аниқлаш имконини ҳам беради.

Терминлар - бу шундай сўзларки, уларнинг маъно жиҳатидан тузилиши билимларнинг муайян тармоғи билан боғлиқ маънолар билан чекланади.

Терминларнинг формал турларини таърифлаш аксарият терминологик тадқиқотларнинг анъанавий қисми ҳисобланади. Бироқ, терминларнинг тузилишга оид турларининг синхрон тадқиқоти терминлар ҳосил қилишнинг у ёки бу усул ва моделларининг самарадорлиги ҳақида ишончли маълумот бермайди. Шундан келиб чиқиб, экология тилининг лексик тизими ҳосил бўлиши усуллари эволюцион проекцияда кўриб чиқиш зарур деб ҳисобладик.

Экология фанининг янги фан сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиши тегишли ҳодисаларни белгиловчи янги терминлар пайдо бўлиши билан бирга кечмоқда. Экотерминлар табиатини ўрганиш, уларнинг ички ва ташқи тузилишини айнан умумистеъмолдаги сўзнинг термин сифатида англанишига қараб

аниқланади. Шунинг учун экотерминни бир пайтнинг ўзида ҳам лисоний белги, ҳам экологик илмий тушунчани ифодаловчи асосий тушунчадир.

Қорақалпоқ тилида мавжуд бўлган экологик терминларнинг кўп қисмини туркий тилларга муштарак бўлган терминлар ташкил қилади. Уларни лисоний жиҳатда ўзбек тили билан қиёслаб ўрганилганда катта ўзгаришларга учрамагани кўзга ташланади.

Сўз ясаш моделларининг сифати уларнинг умумлаштириш қобилиятидан иборат, яъни тузилиши бўйича қариндош бир қатор сўзларни ташкил этувчи ядроси сифатида хизмат қилиш қобилиятидан иборат. шу нуқтаи назардан моделлар сон жиҳатидан баҳоланиши мумкин, яъни уларни ишлатиш сонини ҳисоблаш йўли билан, бунда уларнинг ишлатиш даражаси аниқланади.

Моделлар тавсифининг икки хусусиятли (бир томондан продуктивлик, бошқа томондан ишлатилиши) унга нисбатан икки хил ёндашувда мужассам. Бир томондан, биз уни намуна сифатида кўриб чиқамиз, қайсики аниқ материал билан тўлдирилиб, янги сўзлар ясаш эталони бўлиб хизмат қилади (фақат сифат томонидан баҳоланган имконини берувчи диахрон аспект), бошқа томондан биз уни моделни ташкил этувчи тузилиши бўйича бир хил сўзларнинг сеҳмаси (синхрон аспект, қайсики сон, миқдорий таҳлил ўтказиш имконини беради) сифатида кўриб чиқдик.

Лексик деривация ходисаси ўзига хос системани ташкил қилади. Деривацион жараён шаклланиши ва бу жараёнда терминлар ясалиши, деривациянинг кейинги босқичларида ҳосилдан янги ҳосилаларни вужудга келиши унинг мураккаб система эканлигидан далолат беради.

Экологик терминларнинг семантик деривациясига турли лингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсир кўрсатади. Экология соҳасида тилда акс эттиришни талаб қилувчи янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши, у ёки бу тушунча ҳажми ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгариши, иқтисодиёт, сиёсат ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида турли ғоявий оқимларнинг ривожланиши, жамиятда ахлоқий қадриятларнинг ўзгариши ва инсоннинг маъқулланадиган ёки қораланадиган фазилатларнинг аниқланиши ҳамда бошқалар шулар жумласидандир.

Шаклланиш ва ясалиш усулларига кўра терминларнинг семантик, деривацион, синтактик моделлари аниқланди. Синтактик номлаш усули энг маҳсулдор ҳисобланади. Синтактик моделларнинг

икки компонентлиси (бинар сўз бирикмалар) кўп сонлилиги билан барча тилларда кузатилди. Бундай терминларнинг ўзбек тилидаги эквивалентлари асосан содда ва кўшма изофали бирикма шаклларида ўз ифодасини топган.

Эколексикада кўшма сўзлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг кўп қисмини отлар ташкил қилади. Улар асосан, экотерминлар сифатида хизмат қилади. Кўшма экотерминлар қиёсланаётган барча тилларда яна сўз бирикмасининг кўшма сўз ҳолига келтириш, яъни лексикализациялаш ва сўз бирикмасининг суффиксли кўшма сўзга айлантириш усуллари ёрдамида ҳосил қилинади.

Айрим туркий тилларда кўшма сўзлар, жуфт ва бирикмали сўзлар аналитик усулда ясалган эконолар деб таърифланади. Бирикмали экосўзлар рус, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида эколексиканинг энг кўп қисмини ташкил қилади. Улар тузилишига кўра эркин синтактик сўз бирикмаларига яқин туради.

Эколексиканинг ясалиш хусусиятларидаги кўп жиҳатлар типологик категориялар сифатида намоён бўлади. Экосўз ва экотерминларнинг асосий лексик семантикаси тил иерархиясининг лексик ва синтактик миқёсларида ҳар бир тилнинг ўзига хос ва фарқли сўз яшаш воситалари ва усуллари орқали ўз ифодасини топади.

Терминлар ясалишининг аналогия, корреляция ва дефиниция усуллари аниқланди. Бир бирига яқин тушунчаларни ифодалашда сўз ясовчи моделларнинг такрорланиши кузатилди. Аналогия усули энг маҳсулдор усул бўлиб, у бир сўзда турли билим соҳасига оид тушунчаларни ифодаловчи терминларни бирлаштириш имконини беради. Бир ўзакли корреляция натижасида ҳосил бўлган ясама сўзлар қатор сўз ясовчи уялар, занжирларни ҳосил қилади. Уларнинг семантикаси экотермин тизимининг турли категориялари билан боғлиқ. Дефиниция усули терминлар яшашда анъанавий ҳисобланади. Умумистеъмолдаги сўзларнинг семантик ўзгариши натижасида ҳам ихтисослашган терминлар ҳосил қилинади.

Ўзбек ва қорақалпоқ экологик лексикаси ўз тарихий тараққиёт даври мобайнида бошқа тиллар таъсирига ҳам учради. Умумтуркий сўзлар тиллар лексикасидаги дастлабки экономинациялар жумласига киради. Уларнинг аксарият қисми ҳозирги кунга қадар бу тилларда сақланиб қолган. Айнан шу сўзлар кейинги экосўзлар учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек ва қорақалпоқ эколлексиқасининг кейинги тарихий ривожланиши араб ва форс тиллари таъсири остида давом этди. Ислом динининг қабул қилдирилиши оқибатида ҳам бу тилларга табиат, давр ва вақт каби умумий тушунчаларни ифодаловчи номинациялар кириб келди. Кўпгина арабча ва форсча лексемалар ўзбек ва қорақалпоқ эколлексиқасини шакллантиришда асосий компонентлар бўлиб хизмат қилди.

Ўзбек ва қорақалпоқ тиллари эколлексиқаси бошқа туркий тиллар, жумладан, татар ва мўғул тиллари таъсирида ҳам ривожланди. Бу ҳол бу тиллардаги айрим табиат ҳодисалари, рельеф, жой номлари, сувга оид тушунчалар, ҳайвонларни ифодаловчи номинацияларнинг қабул қилиниши натижасида содир бўлди.

Ўзбек ва қорақалпоқ тиллари эколлексиқасининг тараққий этишида ғарбий европа тиллари, шунингдек, рус тили таъсири кучли бўлди. Бунда кўпроқ қадимги грек ва лотин тилларининг таъсирини кузатиш мумкин. Бироқ грекча лотинча ўзлашмалар илм-фаннинг умумий тараққиёти натижаси бўлганлиги ва барча тилларда бирдек қўлланиб келинганлиги улар халқаро сўзлар сифатида таърифланади.

Ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ тилларини ва уларнинг луғатларини ўрганиш жараёнида тиллардаги экосўзларнинг маълум қисмини шу тилларнинг ўз лексемалар ва бошқа маълум қисмини эса бошқа тиллардан ўзлаштирилган эколлексиқа ташкил қилиши аниқланди. Ўзлаштирама сўзларнинг асосий қисмини халқаро илм фан лексиқаси деб тан олинган ва барча дунё тилларидан жой олган грекча лотинча сўзлар мажмуи ташкил қилади. Бу ҳолат, албатта, экология фани муаммолари ва экологик жараёнлар ер юзидаги барча халқларга бир хилда тааллуқли эканлиги билан изоҳланади.

Номинация жараёнида лисоний ва нолисоний маълумотлар бирлашиб янги сўзни ҳосил қилади ва у лисоний муҳитда ўрнашиб қолади. Бу ҳолат прагматик омиллар нуқтаи назарида белгиланади ва когнитив сабаблар натижасида содир бўлади.

Турли тизимларга мансуб тилларда бир хил предмет ёки ҳодисани ифодаловчи ва номинациянинг турли белгиларидан фойдаланиш орқали ҳосил қилинган терминлар бир бирини объектив борлиқнинг қайсидир томонларини акс эттирганликлари учун бир бирларини тўлдириб келади. Предмет ёки ҳодисаларни бундай характерлашда субъектив муносабат ҳам мавжуд бўлиб, унга

кўра ифодаланаётган предмет ёки ҳодисанинг аҳамиятлилиги жиҳатидан ўзаро тенг бўлган белгилари ичидан фақат биттаси номинация учун асос қилиб олинади.

Ҳозирги замон тилшунослик фани, хусусан, терминшуносликда объектни (экотерминни) чуқурроқ ва кенгроқ ўрганиш, тадқиқотларни янгича усулларда (масалан: термин – элемент, термин – билиш босқичи, термин – модель) тарзида олиб бориш зарурати туғилган. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экологик терминларни маълум тизимга солиш уларни тавсифлашдаги этишмовчилик ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш имконини беради. Бундай ёндашув экотерминларнинг ясаиш моделларини янгича ўрганиш негизи сифатида фаоллаштиради.

Тил семантикаси миллий ўзига хослиги намоён бўлишининг энг ёрқин жиҳатларидан бири – иккиламчи номинация белгисини танлашни кўриб чиққанда, номлаш замиридаги барча тиллар учун умумий механизмни кўриш мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Ташкент: Узбекистан, 1997. – С. 105 – 128
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли // Ўзбекистон республикаси Олий мажлиси XI сессиясидаги маърузаси. “Мулқдор газетаси”. – Тошкент, 2003 йил 25 апрель. – Б.4.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: 1995. – 55 Б.
4. Каримов И.А. Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. – Собр. соч. – Ташкент, 1998. – С. 3- 12
5. Каримов И.А. Национальная программа по подготовке кадров // Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. – Ташкент., Шарк, 1997. – С.35.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 87 б.
7. Абдуазизов А.А. Тилшуносликка кириш. – 2 -кисм. Лексикология ва семасиология. Грамматика. – Тошкент, 1999– 10 Б.
8. Абрамов Б.А. О моделировании семантических структур. - В кн.: Значение и смысл речевых образований. – Калинин.: КГУ, 1979.
9. Авербух. К.Я. Стандартизация терминологии: некоторые итоги и перспективы (к 50-летию деятельности по стандартизации терминологии // Науч.-техн. информация, Сер. 1. – № 3. – С. 81.
10. Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 176 б.
11. Айрапетян В. Русские толкования. – Москва.: Языки русской культуры, 2000. –207 с.
12. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Человек – Экономика — Биота — Среда. – Москва.: ЮНИТИ - ДАНА, 2000. – 27 с.
13. Аликулов З.А. Аббревиатуры в узбекском языке: Автореф. ... дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1976. – 23 с.
14. Анилин А.Е. Дополнение к «Этимологической словарю русских диалектов Сибири III» // Гуманитарные науки в Сибири. Сер. Филология. – 2001. - №4. – С.54 – 56.

15. Антонова М.В, Лейчик В.М. Роль концептуальной структуры в формировании отраслевой терминологии // Термины и их функционирование. – Москва., 1987. – С. 42-49.
16. Аракин В.Д. Об основных типологических единицах языка // Лингвистическая типология и восточные языки «Иностранные языки в вузах Узбекистана», 1975. Вып. – 8. – С. 100 – 127.
17. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков.– Москва.: Просвещение, 1989. – С.137 -229.
18. Аракин В.Д. Типы атрибутивных словосочетаний в английском и узбекском языках. «Иностранные языки в вузах Узбекистана», 1975. Вып. – 8. – С. 100 -127.
19. Арапова Н.С. Из истории заимствованных слов // Русской язык в школе. – 2000 . – №6. – С. 82 – 85.
20. Арнольд И.В. Семантическая структура слова в современном английском языке и методика ее исследования. – Л.: Просвещение.1966. – 192 С.
21. Арутюнова Н.Д. Номинация и текст // Языковая номинация. – Москва., 1977. – 97 С.
22. Арутюнова Н.Д. Пропозиция // Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва., 1990. – С. 401.
23. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов . – Москва., 1969.
24. Ахманова О.С. Терминология лингвистическая // Лингвистический энциклопедический словарь. 1990. Москва., С. 509.
25. Ашурова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка. – Ташкент: Фан, 1991. -97с
26. Безносков В.Н., Горюнова СВ. Многоязычный словарь основных терминов по экологии. На русском, английском, немецком, французском и испанском языках. – Москва.: РУДН, 1995. – 128 С.
27. Блох М.Я. Всеобщее и особенное при сопоставительном изучении языков // Сопоставительная лингвистика и обучение народному языку. – Москва.: Наука, 1987. – С. 73 – 83.
28. Бобурнома. Т., 1989; Китоб – уз –закот. – Тошкент., – 1993;
29. Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. / Курс лекций по английской филологии., – Тамбов: Изд-во ТГУ, – 2000. – 123С.
30. Бондарко А.В. Грамматическая категория и контекст. – Л.: Наука, 1971.

31. Бродский. А.К. Краткий курс общей экологии.: Учебн.пособие. – Спб: – ДЕАН, 1999. – 224 С.
32. Булатов В.И. Российская экология на рубеже XXI века. – Новосибирск: ЦЭРИС, – 2000. – 12С.
33. Булыгина Т.В Проблемы теории морфологических моделей. Москва.: – Наука., – 1977. – 287 С.
34. Бураков М. Термины жовотноводства в узбекских говорах Каракалпакии. Автореферат дис....канд.филол.наук. Ташкент., 1972. – 23с.
35. Буранов Дж. Б. Сравнительная типология английского и турецких языков – Москва: Высшая школа., 1983. –116 С.
36. Бурдюг.М.Г. Термины геоморфологии в «Записках путешествии» на Восток в XIX веке // Русский язык, история, диалекты, современность. – М., 2000. – Вып. 2. – С. 81 – 88.
37. Верегитина И.В. Терминология системного комплекса научных экологических знаний: деривационно-семантический аспект. Автореф. дис. ... канд. филол. наук . – Москва, 2006. – 26 с.;
38. Виноградов В.А. Род // Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва., 1990. – 550 с.;
39. Виноградов В.В. Вступительное слово // Вопросы терминологии. Москва., – 1961. –62 С.
40. Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическая учение о слове. Москва: Высшая школа, 1972. –С. 613.
41. Виноградов В.В. Словообразование в его отношении к грамматике и лексикологии. – Всб.: "Вопросы теории истории языка". – Москва., Изд-во АН СССР, – 1952.
42. Виноградов, С.Н. Лексико-семантическая парадигматика / – Нижний Новгород: Изд-во Нижегородского ун-та, 1999. – 76 С.
43. Винокур Г. О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды МИФЛИ. Т. V. 1938. – С. 3-56.
44. Володина М.В. Терминологическая номинация и информационная картина мира // Научно-техническая терминология (научно-технический реферативный сборник). М., 1996. Выпуск 1. – С.54-61.
45. Володина М.Н. Лингво-прагматический аспект терминологической номинации // Терминоведение. Материалы

международной научной конференции "Терминологические чтения РоссТерма. 4". М., 1997. № 1-3. –С. 34-36.

46. Володина М.Н. Национальное и интернациональное в процессе терминологической номинации : – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1993. – 111 с.

47. Володина М.Н. Специфика терминологической информации // Функциональные исследования: Сб. статей по лингвистике. М., 1997. Вып. 5. – С. 43-46.

48. Володина М.Н. Теория терминологической номинации. - М.: Изд. Московского Универ.,1997. – 180С.

49. Гак. В.Г. Сопоставительное изучение языков и лингвостилистическая типология / Русский язык за рубежом, 1974. №3. –С.52 – 58.

50. Гак. В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. - Москва: Просвещение, 1989. –С. 137-229.

51. Гак.В.Г. К типологии лингвистической структуры русского биологического текста. Л., 1981. –С 52 – 78.

52. Галиева Э.А. Экологическая лексика в современном татарском литературном языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Казань, 2005. –23 с.

53. Гальперин П.Я. Языковое сознание и некоторые вопросы взаимоотношения языка и мышления. - ВФ, 1977, N -4. – С.15 – 26.

54. Гарышина и др. Терминологической словарь по экологии, по ботанике и почвоведению (русско - англ. - нем. - франц.).-М., 1988.

55. Герд А.С. Еще раз о значении термина // Лингвистические аспекты терминологии. - Воронеж.: Воронежский университет, 1980. - С.3 - 12.;

56. Герд А.С. Значение термина и научное знание // НТИ. Сер. 2. 1991. – № 10. С. 1-4.

57. Герд А.С. Логико-понятийное моделирование терминосистем. Отраслевая терминология и её структурно-типологическое описание: межвузов: сборник науч. тр. - Воронеж, 1988.

58. Гинзбург Е.Л. Словообразование и синтаксис. – М.: Наука, 1979. – С.264.

59. Головин Б.Н. О некоторых аспектах лингвистического и информационного изучения термина // Научный симпозиум "Место терминологии в системе современных наук". М., 1970. С. 38-40.

60. Гончаров В.И. Лексика промыслов в русском языке XVII века (рыбная ловля, охота): Автореф. дис. ... канд. филол. наук / В.И.Гончаров; Изд-во киев ун-та.-Киев, 1983. - 21 с.
61. Горелов А. А. Экология. - М.: Юрайт-М, 2002. – 312 с.
62. Горелов А.А. Социальная экология / А.А. Горелов.- М., 1998. – 262 с.;
63. Гринев С. В, Терминоведение на пороге третьего тысячелетия // Научно техническая терминология (научно-технический реферативный сборник). – Вып.1. - М.: ВНИИКИ, 2000. – С.31-34.
64. Гусева И.Г. Когнитивно-дискурсивный анализ межотраслевой экологической терминологии в области рыбного промысла. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Калининград, 2004. – 25 с.;
65. Гяч Н.В. Сокращение или символ? – Уч. зап. ЛГУ. -№ 283, Серия филол. наук. Вып. - 56. 1961.
66. Даниленко В.П. Лексико-семантические и грамматические особенности слов- терминов / В.П. Даниленко // Исследования по русской терминологии.— М., 1971. –198 с.
67. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. - М., 1977. – 90 с.
68. Демирчизаде А.М. Сравнительный метод лингвиста XI века Махмуд Кашгари /А.М.Демирчизаде // Изв. Акад. наук. - 1964. - № 4. - С. 45-55.
69. Демьянков В.З. Когнитивизм, когниция, язык и лингвистическая теория // Язык и структуры представления знаний.- М.:ИНИОН, 1992 - С. 39-77.
70. Дискуссия по вопросам омонимии // Лексикографический сборник. – Вып. 4. – М., 1960. – С. 35-92.
71. Дмитриева В.С. Лексика природных явлений в русском, татарском и турецком языках/ В.С.Дмитриева, Г.И.Ильдарханова. - Казань: Фон, 1998. – 105 с.
72. Дониёров Р. Ўзбек лексикографиясининг муҳим бир масаласи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. -№ 6. – Б. 32-37.
73. Древнетюркский словарь. - Л.: Наука, 1969. – 676 с.
74. Дубичинский В. В. Основные аспекты переводной лексикографии // Актуальные проблемы теоретической и

прикладной лексикографии: Межвуз. сб. научн. трудов. - Иваново: Юнона, 1997. - С. 110-118.

75. Жалолов Т. "Хамса талқинлари", Т., 1960; –Б. 120-164.

76. Жамолхонов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук / Х.Джамалханов; Таш. пед. ин-т.- Ташкент, 1968. - 23 с.

77. Жаримбетов А. Тюркские лексические элементы в русской номенклатуре растений, Т., – 1980

78. Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. – Тошкент: Фан, 1987. – 104 б.

79. Закиев М.З. Проблемы языка и происхождение волжских татар / – Казань: Татар, кн. изд-во, 1986. – 303 с.

80. Закиев М.З. Татары: проблемы истории и языка: – Казань, 1995. –464 с.

81. Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. М.: Изд-во МГУ, 1973. – 248 с.

82. Звегинцев, В.А. Семасиология. - М.: Изд-во Моск. ун-та, 1967.

83. Зифельдт-Самумалк А. К вопросу о принципах образования научной терминологии в тюркских языках // Бюл. организационной комиссии по созыву первого тюркологического съезда. - Баку, 1926. - №2, - С. 7- 16.

84. Иваненко И.Д. К вопросу о терминах и некоторых понятиях экологии // Учен. Зап. Тадж. ун-та.- М., 1958. Т. 17. Труды каф. Естеств-х наук, вып.3.- С. 21-29.

85. Иванов П.Г. Арабизмы в турецком языке /. - Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1973.-62 с.

86. Ивина Л.В. Номинативно-когнитивное исследование англоязычной терминосистемы венчурного финансирования. //Дис. ... кфн., М., 2001., 218с.

87. Ильенков Э.В. Соображения по вопросу об отношении мышления и языка (речи). ВФ, 1977 N~6.

88. Ирискулов М. Т. Тилшуносликка кириш. – Тошкент. Укитувчи. 1992. – 256 – бет.

89. Камалетдинова З.С. Тюрко-татарская географическая терминология и топонимия Томской области: Автореф. дис. ... канд. филол. Наук. Казан, ун-т.- Казань, 1997. - 20 с.

90. Карашук П.М. Словообразование английского языка "Высшая школа" М.: 1977.

91. Қаюмов. А., Алишер Навоий. Т., 1999.
92. Кибрик А.А. Когнитивные исследования по дискурсу // Вопросы языкознания., №5, 1994. - С. 126 - 139.
93. Киселевский А.И. Белорусская ботаническая терминология: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Минск, 1962.-19 с.
94. Китайгородская М.В. Современная экономическая терминология (состав, устройство, функционирование) // Русский язык конца XX столетия(1985-1995). - М., 1996. - С.162-236.;
95. Кобылянский В.А. Философия экологии: общая теория экологии, гео экология. Биоэкология. Учебное пособие – М., 2003.— 192 с.
96. Колошьян В.В. Лексикостилистическая характеристика французских публицистических текстов экологической тематики. Автореф. дис. ... канд. филол. Наук. - Москва, 2007. 27 с.
97. Колшанский Г.В. Коммуникативная функция и структура языка. М., 1984.
98. Комри Б. Язык и доистория: к междисциплинарному подходу // Вопросы языкознания. - М., 2000.- №5.- С.28;
99. Коробкин В.И, Передельский. Л.В Экология. –Ростов н/Д: Феникс. - 2000. – 576с
- 100.Қосимов Н. Ўзбек техникавий терминологиясида синонимлик ва уни бартараф этиш йўллари // Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар (маъсул муҳаррир Р. Дониёров). – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 63-79.
- 101.Косов А. В. Некоторые различия системной организации терминологии по сравнению с организацией общей лексики // Термин и слово: Межвуз. сб. - Горький: ГГУ им. Н.И. Лобачевского, 1980. - С. 13 - 22.
- 102.Котелова, Н.З. К вопросу о специфике термина // Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. - М.: Наука, 1970. - С. 122 - 126.
- 103.Крылов А.И. Термин и контекст//Языковые единицы и контекст.-Л.,1973;
- 104.КрючковаН.Н. Лексикосемантические, словообразовательные и структурные особенности экотерминов в русском и немецком языках: Автореф. дис. ... канд. филол. Наук. – Краснодар, 2006. 29 с.
- 105.Кубрякова В.С. Части речи в ономаσιологическом освещении. М.: Наука, 1978.-115с.;

106.Кубрякова Е.С. Именное словообразование в древних германских языках. - В сб.: "Проблемы морфологического строя германских языков". М., 1963.

107.Кубрякова Е.С. Начальные этапы становления когнитивизма: лингвистика - психология - когнитивная наука//Вопросы языкознания. -1994.- №4.-С. 34-47.

108.Кубрякова Е.С. Номинативный акт и его когнитивно-прагматические аспекты // Когнитивные и коммуникативные аспекты английской лексики / Сб-к. н. тр-в.. Вып. 357. - МГЛУ, М., 1990. - С.9 - 14.

109.Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности и словообразование как его важнейший компонент. - Сб. науч.тр. МГПИИЯ им. Тореца, 1980, вып. 164, с.40-47.;

110.Кубрякова Е.С. О номинативном компоненте речевой деятельности. - ВЯ, 1984 №4. с.13-22.

111.Кубрякова Е.С. Роль словообразования в формировании языковой картины мира // Роль человеческого фактора языке. Язык и картина мира. М., 1988.;

112. Кубрякова Е.С. Словообразование как особый вид речевой деятельности. - В кн.: Словообразование и фразообразование: Тез. докл. науч. конф. М.: МГПИИЯ им. М. Тореца, 1979, с.48-51.

113.Кубрякова Е.С. Текст и синхронная реконструкция словообразовательного акта. - Сб. науч. тр МГПИИЯ им. М. Тореца, 1976. вып. 103, с.23-32.

114.Кубрякова Е.С. Типы языковых значений: Семантика производного слова. М.: Наука, 1981. 200 с.

115.Кубрякова Е.С. Части речи с когнитивной точки зрения. - М.: Ин-т языкознания РАН, 1997. - 327с.

116.Кубрякова Е.С.Что такое словообразование?.-М.,1965;

117.Кутина, Л.К. Языковые процессы, возникающие при становлении научных терминосистем // Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. - М., 1970. - С. 89 - 94.;

118.Лакофф Дж. Когнитивная семантика // Язык и интеллект.- М.: Прогресс, 1995.-С.143-184.

119.Лакофф Дж. Мышление в зеркале классификаторов // Новое в зарубежной лингвистике. - Вып. 23. - М.: Прогресс, 1988. - С. 12 - 53.

- 120.Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. - М.: Прогресс, 1990. - С.387 - 415.
- 121.Лангакер Р.У. Когнитивная грамматика. - М.: Наука, 1992. - С. 5-13.
- 122.Лапиня Э.А. Метафора в терминологии микроэлектроники (на материале английского языка) // Метафора в языке и тексте.- М., 1988.- С. 134-145.-176 с.
- 123.Левковская К.А. О специфике префиксации в системе словообразования. «Вопросы грамматического строя». М., 1955, стр.312-313.
- 124.Лейчик В. М, Бесекирска Л. Терминоведение. Предмет, методы, структура. - Bialystok, 1998. - 184 с.
- 125.Лейчик В.М. Основные положения сопоставительного терминоведения // Отраслевая терминология и ее структурно-типологическое описание. – Воронеж, 1988. – С. 3-10.
- 126.Лейчик В.М. Прикладное терминоведение и его направления//Прикладное языкознание. - С.-Петербург: Изд-во С.-Петербургского университета, 1996. - С. 276-286.
- 127.Лейчик В.М. Термин и научная теория // Научный и общественно-политический текст: Лингвистические и лингводидактические аспекты изучения. М., 1991.
- 128.Лексика, терминология, стили// Сборник научных трудов. -М., 1973
129. Леонтьев А.А. Слово в речевой деятельности. М.: Наука, 1965. 245.с.
- 130.Лингвистический аспект стандартизации терминологии // Сборник научных трудов. М.: Наука, 1993
- 131.Лингвотипологические исследования // Сборник научных трудов. М.: Наука, 1973
- 132.Лойиханинг [www.hoekweb.netV](http://www.hoekweb.netV) вебсайтига қаранг
- 133.Лоте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии: Вопросы теории и методики . - М.: Изд-во АН СССР, 1961.
- 134.Мадвалиев А. Ўзбек терминологиясида дублетлик масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. -№ 3. – Б. 20-24.
- 135.Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 23 с.;

136. Малаховский Л.В. Теория лексической и грамматической омонимии (на материале английского языка): Дис. ... д-ра филол. наук. – Л., 1989. – 383с.

137. Мамадрасулова Т. Таджикская и английская астрономическая лексика в сравнительно-типологическом освещении: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тбилиси, 1987. – 24 с.

138. Маматов Н. Қўшма сўзларнинг ясаши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. -№ 6. – Б. 31-36.

139. Мананков. А.В. Проблемы интегративной экологии//Педагог. Наука, технология, практика. – Барнаул.: Барнаульский гос.пед.ун –т. -2000. -№8

140. Марков В.М. Избранные работы по русскому языку / В.М.Марков. - Казань: ДАС, 2001.-274С.

141. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. М.: Изд-во иностр. лит., 1960. 436.

142. Марфенин Н.Н. Гуманизм и экология//Экология и жизнь. - 2000. -№5. – С. 6- 10

143. Маслова В.А. Лингвокультурология. 2-е издание. М.: Academia2004. 204 с

144. Махмуд Қошғарий Девани луғатит турк.; 3 том / М. Қошғарий. Тошкент.: Ўзб. ФА, нашр 1960- 63. – Т. 1- 3

145. Мурзин Л.Н. О деривационных механизмах текстообразования. В кн.: Теоретические аспекты деривации. Пермь: ПГЦ. 1982. с.20-29.

146. Мурясов Р.З. Неличные формы глагола в контрастивно - типологическом видении // Вопросы языкознания. М., 2000.-№4- С.43.

147. Мусаева В.Д. Структурно - семантическое исследование именной групп в языках различного типа.- Т.: Фан, 1986.-стр.5 - 10

148. Мюллер В.Г. Англо - русский словарь. - М.: Русский язык. 1990

149. Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатхларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 168 б.

150. Неъматов Ҳ. Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. – Ташкент: Фан, 1989. – 192 с.

151. Никитевич В.М. Словообразование и деривационная грамматика. Гродно Ч. 1. 1980; Ч.2. 1982. 94 с.

152. Никитин, М.В. Основы лингвистической теории значений. - М. Высш. Школа, 1988. –С. 47.
153. Новиков Л.А. Семантика русского языка.: Учебн. пособие/ Л.А. Новиков. –Н., 1982. – 272 с.
154. Новодранова В.Ф., Лейчик В.М. Понятие и концепт // Научно-техническая терминология /н.-реф. сб-к. - Вып.2., М., 2002. - С. 59 - 60.
155. Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук/Т. Нугманов; Ташкент, 1971. - 25 с.;
156. Панкрац Ю.Г. Пропозициональная форма представления знаний // Язык и структуры представления знаний. - М., 1992. - С.78 - 97.
157. Пиголкин А.С. Подготовка проектов нормативных актов. – М.: Юридическая литература, 1968. – С. 6-7.
158. Пиотровский Р.Г. К вопросу об изучении термина // Вопрос грамматического строя исловарного состава языка. Л., 1952.;
159. Пиоттух К.В. Принципы выделения системы префиксальных структурносемантических моделей в современном английском языке. зап. 1-го МГПИИЯ им. М.Тореза". 1970.
160. Пиоттух К.В. Система префиксации в современном языке. Канд. дисс. М., 1971.
161. Прокопович Н.Н. Словосочетание в современном русском литературном языке М., "Просвещение" 1966 г.
162. Расулов Р. Сўз валентлиги ва синтактик алоқа // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1992. -№ 5-6. – Б. 36-37.
163. Расулова М.И. Проблемы лексической категоризации в разносистемных языках (на материале английского и узбекского языков). Дисс. На соискание ученой степени док. фил. наук.- Ташкент, 1997
164. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. Ташкент.: «Фан», 2005. 268 с.
165. Рахилин. В.К., Благосклонов. К. Н. Охрана природы и экологии. Термины и сущность// Философские науки. - 2000.№1. – с. 139 – 142
166. Рахилина Е.В. Когнитивный анализ предметных имен: семантика и сочетаемость. - М.: Русские словари, 2000. - 416с.

167. Реймерс Н.Ф. Начала экологических знаний: Уч. Пособие / Н.Ф. Реймерс.-М., 1993.-260 с.;
168. Реформатский А.А. Мысли о терминологии // Современные проблемы русской терминологии. -М.: Наука, 1986. - С. 163-198.
169. Реформатский А.А. Термины как член лексической системы языка. В кн.: Проблемы структурной лингвистики. – М.: Наука, 1968. – С. 22-28.
170. Реформатский А.А. Что такое термин и терминология // История отечественного терминоведения. — М., 1994. — С. 289.
171. Сапаев Қ. Строительная терминология узбекского языка: Дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1984. – 152 с.
172. Саттаров Г.Ф. Этапы развития и очередные задачи татарской ономастики. Пособие к спецкурсу "Татарская ономастика" / Г.Ф. Саттаров. - Казань: Изд-во Казан, ун-та, 1970. - 87 с.;
173. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах.: «Сангзор» 2006, 90 б.
174. Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Т., 1990. – 17 с.
175. Сахарный Л.В. К тайнам мысли и слова. М.: Просвещение, 1983. 159 с.
176. Сахарный Л.В. Словообразование в речевой деятельности: Автореф. дис..д-ра филол. наук. Л.: ЛГУ, 1980. 48 с.
177. Семантика и структура слова // Сборник научных трудов. Под. Ред. Р.Г. Зятковской.- Калинин, 1989.- стр.33 - 38
178. Семантика производного термина//Внутренняя структура языка.-М.,1972;
179. Серебренников Б.А. Язык как общественное явление // Общее языкознание. Формы существования, функции, история языка. 1977. С. 417-450.
180. Слюсарева Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного - английского языка. М.: Наука, 1981. 206 с.
181. Слюсарева Н.А. Теория Ф. де Соссюра в свете современной лингвистики. М.: Наука, 1975. 112 с.
182. Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. М., Изд. лит. на иностр. яз., 1957.
183. Снакин В.В. Экология и охрана природы. Словарь справочник. Под ред. Академика А.Л. Яншина. – М. : Academia. 2000. – 387 с.

- 184.Собирова. Новые слова и новые значения в современном татарском языке(на материале периодической печати и словарей 1990 х г.г);
- 185.Солнцев В.М. Языка как системно – структурное образование. М., 1977. –с. 25 – 27
- 186.Соловьева З.В. Стилистическое использование иностилевой терминологической лексики в газетно-журнальной публицистике (на материале прессы Великобритании и США за 1973-1977 гг.): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1977. – 24 с.
- 187.Степанов. Ю.С. Предикация // Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990. С. 393-394.
- 188.Степанская Л.А. Основные принципы сопоставительного исследования терминов (на материале железнодорожной автоматики и телемеханики) // Сопоставительное изучение семантической динамики. – М., 1986. – С. 105-117.
- 189.Ўзбек тили атамашунослиги. – Тошкент: Фан, 1990, – 100 б.
- 190.Ўзбек тилининг изохли луғати, 1981, 600 бет.
- 191.Ўринова О.Т. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик- семантик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 2007.
- 192.Флоренский П.А. Термин // В.А.Татаринов. Истории отечественного терминоведения. М., 1994. С. 359-400.
- 193.Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясаши тизими.-Тошкент., Ўқитувчи.НМИУ, 2007. – 168б.
- 194.Ханпира Э.И. О терминах и терминологии // Русский язык в национальной школе. – М., 1985. -№4. – С. 11-18.
- 195.Харитончик З.А. Имена прилагательные в лексико - грамматической системе современного английского языка. - Минск: Высшая школа, 1986.стр.95
196. Хаютин А.Д. Термин, терминология, и номенклатура. – Самарканд, 1971. – 129 с.
- 197.Циткина Ф.А. Терминология и перевод: К основам сопоставительного терминоведения. – Львов, 1988. – 156 с.
- 198.Чернейко Л.О. Лингво-философский анализ абстрактного имени. - М., 1998. - 320 с.
199. Чернышова Л.А. Полилексемные термины в языке и речи. Дис. ... канд. филол. наук. – М., 1990. – 215 с.
- 200.Шанский Н.М. Очерки по русскому словообразованию и лексикологии. – М., 1959. – 246 с.

201. Шелов С. Д. Определение терминов и понятийная структура терминологии. - СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 1998. - 236 с.
202. Шелов С. Д. Терминоведение: семь вопросов и семь ответов по семантикETERмина // НТИ. Сер. 2. Информационные процессы и системы. - 2001. - № 2.-С. 1-12.
203. Юсупов У.К. Сравнение лексических систем // Киёсий тилшунослик ва таржима назарияси масалалари. Республика илмий анжуманнинг маколалар тўплами. Тошкент.: 2007. 12 – 16 бет.
204. Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. Автореферат дисс. ... доктора фил.н. М., 1983. - 40 с.
205. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистика. Ташкент.: «Фан» 2007. – 125 с.
206. A Dictionary of Ecology/ edited by Michael Allaby. – Oxford University Press. 1998. – 440p.
207. Bates E. Language and context. The acquisition of pragmatics. N.Y.: Acad. press, 1976. 375 p.
208. Beard R. The Indo-European lexicon. A full synchronic theory. Amsterdam; New-York, 1981. 390 p.

**Список использованных Интернет-ресурсов:**

112. <http://www.gramota.ru>
113. <http://www.philology.ru>
114. <http://www.quotations.com>
115. <http://www.ucc.com>

# МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

.....  
**1-БОБ. ТЕРМИНШУНОСЛИК МУАММОЛАРИНИНГ  
ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**1.1.** Терминларнинг назарий асослари

1.2. Экология ва тилшунослик ўртасидаги алоқа .....

**2-БОБ. ЭКОТЕРМИНЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА  
РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

2.1. Турли тизимли тилларда экологик терминларнинг  
белгилари.....

2.2. Турли тизимли тилларда экотерминларнинг шаклланиш  
тарихи.....

2.3 Экологияга оид терминларнинг деривацион тизим  
таснифи.....

**3-БОБ. ЭКОТЕРМИНЛАРНИНГ ДЕРИВАЦИОН  
ТАСНИФИ**

3.1 Экотерминларнинг лексик – деривацион хусусиятлари.

3.2. Экотерминларнинг синтактик – деривацион  
хусусиятлари .....

3.3. Экотерминларнинг семантик–деривацион хусусиятлари

**3.4.** Экотерминларнинг номинатив-деривацион хусусиятлари

.....  
**ХУЛОСАЛАР.....201**

**АДАБИЁТЛАР**

**РЎЙХАТИ.....208**